

Ў. ЙЎЛДОШЕВ, У. УСМОНОВ,
О. ҚУДРАТОВ

65

МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ



65 9121248
14-69

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ў. Йўлдошев, У. Усмонов, О. Қудратов

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

*Ўқув юртлари талабалари ва саноат
корхоналари муҳандис-техник ходимлари учун
ўқув қўлланма*



Тошкент — «Меҳнат» — 2001

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан нашрга тавсия этилган.

Ушбу қўлланма ўқув юрти талабалари, саноат корхоналари ва ташкилотларнинг муҳандис-техник ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, меҳнат муҳофазасининг умумий қўйсалари, ишлаб чиқариш санитарияси, ускуналар хавфсизлиги техникаси, ёнгин хавфсизлиги масалалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ёзилган.

Ўқув қўлланмадаги сўз боши, II, III, V, VIII, IX, X боблар техника фанлари номзоди Ўринбой Йулдошев, I боб Убайдулла Усмонов ва IV, VI, VII боблар техника фанлари доктори Очил Кудратовлар томонидан ёзилган. Шунингдек, қўлланмада меҳнат муҳофазасига оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳам келтирилган.

Такризчи: Ё.ИСОМУҲАМЕДОВ—техника фанлари номзоди, доцент.

Муҳаррир: И. УСМОНОВ

Чанг ва тубор бўлмагандаги инсон минг йил яшар эди

Абу Али Ибн Сино

СЎЗ БОШИ

Меҳнат муҳофазаси иш жараённида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуаси, социал-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олган. «Меҳнат муҳофазаси» ижтимоий-хуқуқий масалаларни ўз ичига олган муҳандислик фани бўлиб, классик фанлар бўлмиш физика, кимё ва математика билан бирга амалий меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш санитарияси, меҳнат психологияси, умумий муҳандислик, ёнғин техникаси, эргономика, саноат эстетикаси ва бошқа фанлар билан ҳамоҳангидир.

Бу фаннинг методологик асоси меҳнат шароитини, технологик жараённи, ажралиб чиқадиган заҳарли моддаларни ва фойдаланиш вақтида пайдо бўладиган хавфли вазиятларни илмий таҳдил қилишдир. Таҳдил асосида ишлаб чиқаришдаги хавфли жойлар, содир бўлиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар аниқланади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқиласди. Бу масалаларнинг барчаси ўзаро боғланган, келажак режаларни ҳисобга олган ҳолда кўрилади.

Ҳар бир раҳбар ва муҳандиснинг Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини тўғри ҳал этишда ушбу китоб кўлланма вазифасини ўтайди. Унда меҳнатни муҳофаза қилиш Қонунлари, саноат санитария ва гигиенаси, техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ёритилган.

Ташкилотларда меҳнат хавфсизлигига доир барча қарор ва хужжатларни таҳдил қилиш, келгусида меҳнат хавфсизлиги дарражасини кўтариш, иш юритишда техника хавфсизлиги машгулотларини ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил этиш, ўкув юртлари ўқитувчилари, талабалари, хизматчи ва ишчилари ўртасида шикастланишнинг олдини олиш ҳамда давлат стандарти масалалари талабларига риоя этиш мақсадида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган.

Бу Қонун асослари мазмун жиҳатидан жуда кенг қамровли бўлиб, ўз таркибида жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси, кадрлар тайёрлаш ва малақасини ошириш, меҳнат интизоми, аёллар ва болалар меҳнати, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа масалаларни мужассамлаштирган.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун заарли бўлган омилларни бартараф қилиш, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Касбий заарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар учун қисқартирилган иш куни, қўшимча дам олиш кунлари жорий этилиши, заарли иш жойларида ишлаганларга, яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ, зах ва соғлик учун заарли шароитда меҳнат қилаётганлар учун маҳсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя кийимлари берилиши қўзда тутилади. Касбий касалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ўрнатилган тартиб асосида сут ва парҳез томлар билан таъминлаш тартиби жорий этилган.

Ишлаб чиқариш корхоналарида Меҳнат Кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги меъёрларни бузишда айблланган раҳбар шахслар маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жавобгарлик – ходимга ҳайфсан бериш, ишдан четлаштириш, ўртacha ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ва меҳнат шартномасини бекор қилишдан иборат. Моддий жавобгарлик эса «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузган шахсларни назорат ташкилотлари томонидан белгиланган миқдорда жарима тўлашга ёки келтирилган моддий заарни қоплашга мажбур қилишдан иборат. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузиш баҳтсизлик ёки ўлимга сабаб бўлса, айбдор шахслар белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

Хотин-қизлар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб, улар давлат, хўжалик, маданий ва жамоат ишларида фаол қатнашиш имкониятига эга. Меҳнат Кодексида хотин-қизларнинг физиологияси ва оналикни ҳимоя қилиш ҳисобга олинниб, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш белгиланган. Оғир ва организм учун заарли ишларда аёлларнинг меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Хомиладор аёлларга давлат томонидан иш ҳақи тұланадиган таътил берилади.

Меңнат Кодексида ўсмирлар меңнатига алоқида эътибор берилған. 18 ёшта тұлмаган йигит-қызларни ишга қабул қилишда уларнинг хоҳишига қараб, йилнинг исталған вақтида бир ойлик (календар бүйіча) меңнат таътили берилиши белгиланған. Ўсмирлар фабрика, завод касаба құмиталари рухсатисиз құшимча ишларни бажаришга жалб қилинмайды. Улар тиббий күрикдан мажбурий ўтказиб турилади. Агар ўсмирларни бажараётган юмушлари уларнинг соғлигига таъсир қилаётгани сезилса, у ҳолда шифокор маслағати ва тегишли ҳужжатта асосан бошқа ишга ўтказилади.

I боб. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИННИГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

Саноат корхоналарининг иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликтарни камайтириш давлат миқёсидаги ижтимоий-иктисодий аҳамиятта эга бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўлими раҳбарият ва касаба уюшмалари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилайди. Корхонада юз берадиган ҳар қандай баҳтсиз ҳодисага корхона биринчи раҳбари ва бош муҳандис бевосита жавобгар ҳисобланади. Саноат корхоналарида Қонун асосида меҳнатни муҳофаза этиш масалаларини ҳал қилиш мақсадида, ҳар йили касаба уюшмаси ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Меҳнат шароитининг яхшиланишига олиб келадиган жами тадбирлар мазмуни бўйича қуйидагиларга бўлинади:

– баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Буларга заҳарли ва енгил аллангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнларини механизациялаштириш, ҳимоя мосламалари, тўсиқлар, автоматик ҳимоя воситалари, сигнал мосламалари, масофадан бошқариш асбобларини қўшимча ўрнатиш ва бошқалар киради;

– ишлаб чиқаришда касб касалликлари олдини олиш чора-тадбирлари. Унга ишчиларни ҳар хил касбий заарлар таъсиридан ҳимояловчи мослама, жиҳозларни тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хоналарни шамоллатиб туриш мосламаларини ўрнатиш ҳамда ишлаб турган мосламаларни ўз вақтида таъмирлаш, ҳаво таркибини текшириш ҳамда назорат ўрнатиш учун асбоб-ускуналар олиш, ўрнатиш ва бошқалар киради;

– меҳнат шароитини умумий яхшилаш чора-тадбирлари. Бунга меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ёритувчи кўргазмали хоналар, бурчаклар ташкил қилиш, иш жойларини унумли ёритиш, шовқин ва тебранишларга қарши умумий чора-тадбирлар, маҳсус ечиниш, ювениш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, кийимларни маҳсус тикиш хоналарини ташкил этиш киради.

Ишлаб чиқаришда янги технологик жараёнларни татбиқ этиш ва умумий реконструкция қилиш ҳам меҳнат шароитини яхшилаш чора-тадбирларига киради. Бундан ташқари, корхона жамоаси, раҳбарлари тармоқ вазирликлари ҳамкорлигига меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат шароитини яхшилаш ва санитария-гигиена чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тармоқ марказий касаба қўмиталари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

1.2. Меҳнат муҳофазасини назорат қилувчи давлат органлари

Барча вазирликлар, ташкилотлар ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилинишини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юклатилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бажарилаётганлигини назорат органлари кузатиб боради.

Тармоқ касаба қўмитасининг техник инспектори ҳар бир саноат корхонасига бириктириб қўйилган. У корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бажарилаётганлигини, баҳтсиз ҳодисага учраганлар ҳисобга олинаётганлигини назорат қиласди, оғир ёки ўлим билан тугаган ҳодисаларни гуруҳ билан бирга таҳлил қиласди, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меърлари ни бузганларни жавобгарликка тортиш мақсадида тегишли жойларга маълумот юборади. Техник инспектор янги ускуналарни қабул қилишда қатнашади ҳамда бир вақтнинг ўзида улар янги обьектларни фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиясининг аъзоси ҳисобланиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларининг бажарилаётганлигини назорат қиласди.

Саноат корхоналарида хизмат қўрсатаётган касаба уюшмасининг инспектори меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими раҳбарлиги остида иш олиб боради.

Санитария назорати. Саноат корхоналарида давлат санитария назоратини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати ходимлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ташқи муҳитни саноатнинг зарарли чиқиндилари билан ифлосланишининг, саноат корхоналарида ишловчилар касалланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш белгилаб қўйилган.

Санитария-эпидемиология станцияларининг вакиллари капитал курилиш обьектларини қабул қилишда қатнашади, кас-

бий зақарланиш ва касалланишларни текширади, корхона мәмурологиясы билан биргаликда бу касалликларни йүқотиш чоратадбиirlарини күради. Сув ҳавзаларидан тұғри фойдаланиш ва ташландық сувларнинг сув ҳавзаларига құшилиши масалалари билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бөш санитария-эпидемиология бошқармасининг маҳаллий санитария-эпидемиология станциялари шуғулланади.

Саноатда ва кончилиикда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги («Ўзсаноатконтехназорат» агентлиги) республика давлат бошқаруви, назорат қилиш ва текшириш органды ҳисобланади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишларига, Олий Мажлис Конунларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қиласы. У технологик меъёрларнинг бузилмаслигини, шунингдек, хавфсизлик техникасининг қоида ва күрсатмаларига риоя қилинаётгандыгини кузатиб боради.

Бундан ташқари, бу орган босим остида ишлайдиган бүг қозонлари ва идишларининг ҳолатини, сув иситиши қозонларининг иссиқ сув ва пар берадиган құвурлар, юк күтарувчи кранлар, лифтлар, экскалаторлар ва одамларни ташибидиган осма арқон йүлларининг ҳолатини кузатади ҳамда қоидалар бузилмаётгандыгини текшириб туради.

«Ўзсаноатконтехназорат» саноат корхоналаридаги қозон, агрегатлар, күтариш қурилмаларини текшириб, ишлаши учун рухсат беради ва уларни рўйхатга олади. У капитал қурилиш объектларини қабул қилиб олишда ва корхонада янги ускуналарни фойдаланиш учун қабул қилишда, назорат остидаги объектда бўладиган бахтсиз ҳодисалар сабабларини аниқлашда қатнашади.

Ёнгин хавфсизлиги олдини олиш назорат органди. Ёнгин хавфсизлиги назорати Республика Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза қилиш Бөш бошқармаси ва маҳаллий органлар зиммасига юклатилган.

Маҳаллий бошқарув органлари ва ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ёнгинга қарши курашувчи қисмлар, ўзлари хизмат кўрсатадиган саноат корхоналарининг ҳамма объектларида ёнгинга қарши чора-тадбиirlарнинг бажарилишини, ёнгинга қарши кураш олиб борувчи хизматчиларнинг тайёрлигини, корхонадаги ёнгинни ўчириш воситаларининг ишга

яроқлилігінің ва янги ишлаб чыкарыш корхоналарини лойиха-лаганда ёнғин хавфсизлігін риоя қилинаёттандырған күзатыш йұлы билан назорат қилиб боради. Ёнғин чиқмаслігі чораларини күриш вазифаси ходимлар зымасыга юқлатылған.

Энергетика назораты. Давлат энергетика назораты Үзбекистон Республикасы Энергетика ва электрларшырын вазирлігінинг тегишли органлари томонидан амалға ошириләди. Уннинг асосий вазифаси электростанцияларни, электр ва иссиқлик курилмаларининг техник ҳолатини ва уларда хавфсиз хизмат күрсатышын назорат қилиб туришдан иборат. Энергетика назораты электр күвватыдан тұғыр фойдаланилаёттандырған күрсатыштың техник ҳолатини күзатып боради.

1.3. Корхоналарда хавфсиз ишлеш үсулдарини жорий этиш

Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ишининг хавфсизлік даржасы, шунингдек, хизмат малакаси ишчининг стажи, лавозимидан қатын назар ишта қабул қылғанда белгіланған муддаттарда техника хавфсизлігі бүйіча йүрікномалар билан таништирилиши шарт. Йүріктанырув иккі: кириш ва иш жойидаги турлардан ташкил топади.

Кириш йүріктаныруви техника хавфсизлігі, ёнғин хавфсизлігі ва тиббиёт хизмат ходимлари томонидан ўтказилади. Үнда янги ишга кираётган ишчини мазкур корхонанинг ички тартиб-қоидалари, шу жараённинг ўзига хос заарарлы хусусиятлари, техника хавфсизлігі мөърларини бажариш мажбурияты, шахсий ҳимоя воситалардан фойдаланиш ва бағтсиз ҳодиса рўй берганда биринчи ёрдам күрсатыш үсуллари билан таништириләди.

Иш жойидаги йүріктанырув цех бошлиғи ёки навбатчи бошлиқ иштирокида уста ёки сардор томонидан ўтказилади. Бунда ишчи бажарадын вазифаси, иш жойи техника хавфсизлігі йўриғи билан танишади. Йўріктанырувдан ўтган ишчи 10 кун ичидә тажрибали ишчи назоратида иш ўрганади. Ишлеш билими комиссия томонидан қониқарлы деб бағоланған ишчи мустақил ишта қўйилади. Ўтказилған барча йўріктанырув маҳсус журнал ва ишчининг шахсий варақасига ёзіб қўйилади.

Корхонадаги барча ишчилар учун олти ойда камидә бир мағотаба иш жойидаги йўріктанырув қайтариб турилади. Технологик жараён ўзгарғанда, корхонага янги машина ва агрегатлар

Үрнатылганда, цехда заһарланиш ва бахтсиз ҳодисалар туфайли шикастланувчилар күпайса, унда режадан ташқари йўриқлантирув ўтказилади.

Ўта хавфли ишларда ишлайдиган ишчилар хавфсиз ишланиш усуллари бўйича маҳсус ўқитилади. Буларга босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратлар, газда ишлайдиган машина ва аппаратлар, компрессорлар, электр ускуналарда ишлайдиган лифтлар, электр транспорти ҳайдовчилари, газ ҳамда электр пайвандчилар ва шунга ўхшаш касбларда ишлайдиган ишчилар киради. Бундай ишларга ишчиларни қўйишдан олдин уларнинг билими синаб кўрилади ва уларга «наряд рухсат» берилади. Унда ишни бошлиш ва тугатиш вакъти, ишни бошлишдан олдин тайёргарлик кўриш тадбирлари ёзib қўйилган бўлади.

Наряд рухсатлар бош муҳандис, бош механик, бош энергетиклар томонидан берилади. Улар хавфсизлик техникаси бўйича аттестациядан ўтган бўлиб, хавфли ишлар бўйича жавобгар ҳисобланадилар ва корхона директори томонидан тайинланади.

Саноат корхоналарига меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва тарғибот қилиш мақсадида техника хавфсизлиги хоналари ташкил этилади. Унда техника хавфсизлигига оид кўлланмалар, маҳсус адабиётлар, замонавий щахсий ҳимояланниш воситалари бўлиши зарур. Бундай хоналар умумий йўриқлантирув ўтказишида фойдаланилади.

1.4. Бахтсиз ҳодисаларни таҳлил этиши

Корхона маъмурияти ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақидаги Низомга биноан меҳнат фаолиятини йўқотишига сабаб бўлган ҳар бир шикастланниш ҳолларини текшириб чиқиб, шу хақда Н-1 намуна бўйича 4 нусхада далолатнома тузади. Бош муҳандис далолатнома ва кўриладиган чора-тадбирлар режасини тайёрлайди. Бахтсиз ҳодиса сабабини бартараф қилиш ҳақида буйруқ биринчи раҳбар томонидан тасдиқланади ва уни бажариш учун масъул киши тайинланади, амалга ошириш муддати белгиланади.

Гуруҳий, оғир жароҳат ва ўлим билан тугаган шикастланнишларда Н-1 намунали далолатномани тузиш билан бир вактда бахтсиз ҳодисалар маҳсус журналга қайд қилиб қўйилади. Н-1 намунаси бўйича тузилган далолатномаларга асосланиб корхона маъмурияти ҳисобот тайёрлайди ва юқори ташкилотларга юбо-

ради, бунда мәҳнат фаолияти фақат уч кундан ортиқ йұқотилған ҳодисаларнегінде инобатта олинади. Н-1 намунали дағылымдар идора архивиде 45 йил сақланғанда керак.

Бахтсиз ҳодисаның ўз вактида, түгри үрганиш ва ҳисобга олиш, унинг сабабларини пухта таҳпил қилиш ҳамда бундай ҳодисалар тақрорланмаслығы учун бутун жағобгарлық ҳодиса соғыр бұлған идора (ташкилот, муассасалар)нинг биринчи раҳбари зиямасыга юқланади. Ҳисоботлар иши саноат тармоқларида, халқ хұжалигидеги ишлаб чықарыш ва транспортта рүй берган шикастланишлар динамикасини баһолаш ва унга қарши кураш йұлларини белгилашта имкон беради. Шикастланиш ишлеш қобиляти йұқотилған ёки йұқотилмаганлығидан қатын назар ҳар бир ҳодисаны тұла ҳисобға олиш учун тиббиёт шаҳобчалары ва санитария қысмларида рүйхатта олиб борилади. Бұ маълумотларни таҳпил этиш Н-1 намуна ҳисоботлари асосида анықланади.

Шикастланишларнинг таҳпилини мәҳнат гигиенаси бүйіча шифокор ва унинг ёрдамчиси мәҳнат хавфсизлігі бұлыми ҳамда соғломлаштырыш шаҳобчаси тиббиёт-санитария қысмі шифокорлари билан биргаликта олиб боради. Шикастланишларға қарши тадбирлар күриш режасы таҳпил асоқида түзилади. Таҳпил қилиш ва маълумотларни статистик жиһатдан ишлаб чықынша шикастланишларнинг күп-озлиги частота күрсаткычларнинг оғир ва енгиллигінде болғылған.

Частота күрсаткыч 1000 ишчига бұлғанды шикастланишнинг ўртача сони қуйидеги формула бүйіча ифодаланади:

$$\Pi_{\text{q}} = \frac{H \cdot 1000}{P} \quad (1)$$

Бу ерда: Π_{q} — қайтариш коэффициенті; H — мудайян давр ичидағы шикастланишлар сони (ой, чорак, ярим йил, йил); P — ишловчилар сони.

Майиб бұлишшыл оғирлик коэффициенті, вактинчалик иш куни йұқотишни үрнатылған ўртача давомийлік бир бахтсиз ҳодиса учун:

$$\Pi_{\text{o}} = \frac{D}{H} \quad (2)$$

Бу ерда: Π_{o} — оғирлик коэффициенті; D — йұқотилған иш кунларының ишинесі; H — шу давр ичида соғыр бұлған бахтсизликта шикастланған шахслар сони.

Шикастланиш оғирлігі күрсаткичи маълум даражада частота күрсаткичини тұлдириб беради, юз берган шикастланишларга бир хилда баҳо бериш мүмкін бўлмайди, чунки уни шикастла-нувчининг:

- жароҳат хусусиятiga (механик, термик ва бошқа);
- касби (токар, слесар, юқ ташувчи ва бошқа);
- мехнат стажи;
- ёши;
- жинсига қараб таҳлил қилинади.

Шикастланишни ҳар томонлама тұлдирувчи белгиларини на- зарга олган ҳолда таҳлил қилиш, унга қарши курашнинг сама- радор режасини тузишга имкон беради. Бундай режаны меҳнат гигиенаси бўйича шифокор, меҳнат муҳофазаси муҳандиси ва тиббиёт-санитария қисмининг шифокори биргаликда тузиб, унинг муддатида бажарилишини назоратга олади.

Шикастланишнинг олдини олиш ишни ташкил этишда сигнализация йўли билан ҳисоблаш ва таҳлил қилишининг тез- кор шакли мавжуд бўлиб, бу жуда қисқа муддат ичидаги (ҳафта, ой) ўтказилади. Унга куйидаги маълумотлар киритилади:

- 1) цех;
- 2) асбоб-ускуналар туркуми;
- 3) вақти.

Шулар асосида шикастланиш хавфи бўлган жойлар аниқла- нади ва унинг сабаблари бартараф этилади.

Ишлаб чиқаришда *шикастланиш* деб, корхона худудида бўл- ган даврда киши танасининг бирор аъзоси тасодиған шикастла- ниши натижасида саломатлигига путур этиштига айтилади.

Бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш, асосан, маъмурият раҳбарлари жавобгарлигига бўлиб, назорат ишлари меҳнат муҳофазаси бўлими зиммасида бўлади. Шикастланиш- нинг сабабларини ўрганиш, муҳандис-техник соҳасига тегишли масалалар, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва ишчилар саломатлигини мустаҳкамлашга оид масалаларни ҳал этишда тиббиёт-санитария қисмидаги шифокорлар масъулди- лар.

Шикастланишлар турига қараб:

- механик (яра тошиши, синиши);
- термик (иссиқданиш, куйиш, совук уриш);
- кимёвий (куйиш, ўтқир заҳарланиш);
- электр қувватидан шикастланишларга бўлинади.

Шикастланиш жойига қараб:

- оёқ ва бош шикастланиши (кўздан бошқа), гавда, кўл (бармоқлардан ташқари), шунингдек, кўп жойларнинг шикастланишига бўлинади.

Шикастланиш оғир-енгиллигига кўра меҳнат қобилияти йўқолмайдиган енгил шикастланишга, меҳнат қобилияти бир неча кунлаб, ҳафталаб ва ҳатто ойлаб йўқотиладиган ўртacha ва оғир шикастланишларга тафовут қилинади. Шикастланишнинг оғир тури меҳнат қилиш қобилиятини мутлақо йўқотишга сабаб бўлиши ва ногиронликка олиб келиши мумкин. Гурух ҳолида ва ўлимга олиб борадиган турдаги шикастланишлар алоҳида кўрилади.

Шикастланишлар келиб чиқишининг асосий сабаблари. Техник жиҳозларнинг носозлиги натижасида дастгоҳларнинг тўхтаб қолиши, тасмаларнинг узилиб кетиши ва шу каби ҳодисалар шикастланишларга олиб келади. Бунга уларнинг ўз вақтида эҳтиёт юзасидан таъмир қилинмаганлиги, узлуксиз ишлаши натижасида айрим қисмларнинг ишдан чиқиши сабаб бўлиши мумкин. Шундай ҳодисалар рўй бермаслиги учун меҳнат хавфсизлиги бўйича жавобгар шахсларнинг доимий назорати талаб этилади.

Технологик жараённинг бузилиши натижасида термик, кимёвий жароҳатланиш ва ўткир заҳарланишлар юзага келади. Бунинг олдини олиш учун режа асосида ишчиларнинг билимини ўз вақтида текшириб туриш ва ўюриқлов ўтказиб туриш катта аҳамиятта эгадир. Кўл кучи билан бошқариладиган ишлар, транспортларга юқ ортиш ва тушириш жараёнларининг етарли даражада механизациялаштирилмаганлиги меҳнат шароити яхши ташкил қилинмаганлигини билдиради.

Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан иш корхоналарининг кичиклик қилиб қолиши, тайёр маҳсулотларни сақлаш хоналарининг (омборларининг) шароити қониқарли бўлмаслиги, маҳсулотни тайёрлов жойларидан ўз вақтида олиб кетилмаслиги, йўлларнинг тор бўлиши шикастланиш хавфининг ортишига сабаб бўлади.

Корхоналарда санитария ҳолати қониқарсиз бўлишининг асосий сабабларига хоналар сатҳининг сирланчиқлиги ва текис бўлмаслиги, корхона ҳовлисидан йўлакнинг ўйдум-чукурлиги, ёритиш қурилмалари кувватининг камлиги, дераза ойналарининг чанг босиб кетиши, чанг ва газлар микдорининг меъёри-

дан ортиқ бўлиши натижасида дикқат-эътиборнинг кучайиши, шовқин босимининг юқори бўлишини мисол қилиб келтириш мумкин. Шикастланишнинг кўп учрайдиган сабабларидан бири ишчиларнинг толиқиб қолишидир, чунки бунда ишга дикқат-эътибор пасайибгина қолмай, балки ишчилардаги ҳаракат йўналиши ҳам бузилади. Бундай ҳолларда шикастланиш меҳнат кунининг сўнгти соатларида ёки режада кўрсатилгандан ортиқроқ меҳнат қилиш натижасида юз беради.

Бинобарин, ишлаб чиқариш шароитини соғломлаштириш ва ишчиларнинг толиқиб қолмасликларига шароит яратиш, фақат касбга алоқадор касалликларнинг эмас, балки шикастланишнинг ҳам олдини олади.

II боб. МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ

2.1. Саноат корхоналарида меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси

Меҳнат гигиенаси тиббий профилактика соҳаси бўлиб, ишқобилиягини юксак даражада таъминлаш, касб касалликлари ва одамнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бошқа салбий оқибатларнинг олдини олишнинг илмий асосларини ва амалий чораларини ишлаб чиқиши билан шуғулланади. Меҳнат одамнинг шаклланиш ва ижтимоий ривожланиши, моддий бойликлар яратишнинг асоси ҳисобланади. У организмда биологик жараёнларнинг меъёрий кечиши ва ижтимоий вазифаларни бажариш учун зарурдир.

Тўғри ташкил этилган меҳнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади. Жамиятда у нафақат моддий фаровонлик, балки одамнинг тетикилик манбаи ҳамдир. Бироқ меҳнатнинг ижобий таъсири билан бирга баъзи ҳолларда салбий оқибатлари ҳам бўлиши илгаридан кузатилган. Бу меҳнат фаолияти натижаларини камайтириб ва сифат жиҳатдан пасайтирибгина қолмай, балки касбга алоқадор касалликларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

Жамиятнинг тараққий қилипти билан бирга ҳозирги вақтда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда жуда кўплаб касблар юзага келди. Бирор касбни эгаллаш муайян кўникма ва билимлар ортиришни талаб этади. Мехнатнинг хусусияти ёки ишлаб чиқариш шароити одамнинг иш қобилиятига ёки соғлигига салбий таъсир қила оладиган ҳоллар ишлаб чиқаришда касбга доир заарлар борлигидан далолат беради. Ишлаб чиқариш (касб) заарлари иш қобилиятини пасайтиради, ўтқир сурункали заҳарланишлар ва касалликлар пайдо қиласди, умумий касалланишнинг ошишига, узоқ муддатта чўзиладиган бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлади. Касалликнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш муҳитининг физикавий, кимёвий, биологик омиллар таъсири оқибатида бўлиши мумкин.

Мехнат гигиенасининг асосий вазифаси иш унумдорлигини энг юқори даражада ошириш ва ишловчиларнинг соғлигига зарарли таъсир қўлмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқишидан иборат. Бунда меҳнат гигиенаси ва юрак-томир, онкологик ва асад касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифаларни ҳал қилишнинг асосий йўлларини кўриб чиқамиз.

Касб касалликларининг профилактикаси илмий таҳдил хулосаларига асосланган. Фан ва техника тараққиёти меҳнат гигиенаси олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Тебранма ҳаракат, ултратовуш, электр ва магнит майдонлари, ионловчи радиация, лазер нурланиши ва янги кимёвий моддаларнинг организмга таъсирини қунт билан ўрганиш зарурияти туғилди. Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилмасдан олдин, айниқса уларни одам соғлигига зарарли таъсири ва белгиларини аниқлаш, чукур ўрганиш муҳим. Саноат ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун йил сайин кўп миқдорда кимёвий моддалар синтез қилинади. Ишлаб чиқаришга жорий қилишдан аввал уларнинг ҳам организмга зарарли таъсирини ўрганиш ҳамда ҳимоя воситалари ишлаб чиқиши лозим. Бирорта ҳам янги бирикма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз ҳалқ хўжалигига кўлланишга тавсия этилмайди.

Гигиеник меъёрларни илмий асослашнинг катта аҳамияти бор. Бунда иш қобилиятини сақлаш ва ошириш учун қулай, ишловчиларнинг саломатлигига зарарли таъсирининг олдини олиш имконини берадиган ташқи муҳит кўрсатгичларини ҳам аниқ-

лаш лозим. Бу, аввало, яхши микроиклим шароитларини яратиш, иш жойларини мақбул равищда ёритиш ва бошқалардан иборат. Ишлаб чиқариш мұхити физик ва кимәвий омилларнинг зарари хусусида организм учун йўл қўйиладиган дараја ва миқдорлар белгиланиши лозим.

Санитария-тигиеник меъёrlар Мехнат Кодекси асосини ташкил этилиб, ишлаб чиқаришга илмий асосланган ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган илғор технологияларга асослангандир. Юқори меҳнат унумдорлигига имкон берадиган шароитларни таъминлаш учун ускуналар ва жиҳозлар, бошқариш пултлари ва иш жойининг тузилиши, меҳнат ва дам олиш даврларининг давомлилiği, иш қобилиятига таъсир қиласидаган қатор бошқа омилларга бўлган талабларни физиологик жиҳатдан асослаш зарур.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг асосий йўналишлари қўйида келтирилади.

I. Гигиеник йўналишда:

- саломатлик ва иш қобилиятига таъсир қиласидаги ишлаб чиқариш мұхити омилларини меъёрлаш;
- ишлаб чиқариш мұхитидаги заарарли омилларни камайтириш ва йўқотиш йўли билан меҳнат шароитларини соғломлаштириш.

II. Физиологик йўналишда:

- иш жойи, асбоблар, машина ва жиҳозларни физиологик талабларга мувофиқ ҳолда бўлишига эришиш;
- меҳнат ва дам олиш режимларини жорий этиш;
- меҳнатнинг жисмоний оғирлигини камайтириш, физиологик жиҳатдан етарлича ҳаракат фаоллигини таъминлаш;
- меҳнатнинг ақлий ва эмоционал толиқтиришини камайтириш.

III. Психологик йўналиш:

- пултлар ва машиналар, механизmlар тизимларини бошқариш учун бошқа воситалар ихтиро қилишда руҳий талабларни ҳисобга олиш (муҳандислик руҳияти);
- касб танлашда ва касбий талабларга мувофиқ ҳолда шахснинг руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- жамоаларда қулай руҳий кайфият яратиш, ишловчиларнинг меҳнатдан ва унинг натижаларидан юқори манфаатдор бўлишларини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

IV. Эстетик үйналиш:

- интерерларни безатишда, ускуналарни жойлаштиришда, ранглар билан безатишда ва бошқаларда ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига риоя қилиш;
- техникавий эстетика талабларини бажариш, машиналар, асбоблар, жиҳозлар, пултлар сингари бошқарув воситаларини бадиий ихтиро қилиш.

Курилаётган ва лойиҳа қилинаётган завод, фабрика ва бошқа ишлаб чиқариш обьектларида гигиена-санитария масалалари бўйича маълум талаблар кўйилади. Мехнат гигиенаси бўйича муҳандис ва уларнинг ёрдамчиларини жойлардаги ҳавонинг тозалиги, меҳнат физиологияси талабларининг бажарилиши, метеорологик шароитларга доир санитария меъёрлари, иш жойларининг ёритилиши, ишлаб чиқаришда шикастланишининг олдини олиш бўйича чоралар кўлланилиши устидан назорат қилиб борадилар. Бу маълумотлар таҳлили ва ишчиларнинг саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар асосида соғломлаштириш тадбир-режалари санитария назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Аксарият соғломлаштириш тадбирлари меҳнат шароитларини яхшилаш ва шу тариқа касб касалликлари пайдо бўлишининг олдини олибгина қолмай, балки меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳам имкон беради. Гигиена мутахассислари томонидан жорий қилинган соғломлаштириш тадбирларининг иқтисодий санарадорлиги сўмларда ҳисобланади. Шундай қилиб меҳнат гигиенаси ишчиларнинг соғлигини сақлаш ва иш унумдорлигининг юксалишига имкон бериб, жамиятнинг моддий базасини яратишда қатнашади.

Меҳнат гигиенаси назарий ва клиник фанлар билан чамбар-час боғланган. Гигиена ўз олдида турган вазифаларни адо этиш учун турли-туман услублардан фойдаланади. У ишлаб чиқаришдаги ташқи муҳитни ўрганишда асосан тиббий-гигиеник тадқиқотлар учун мослашган физик ва кимёвий услубларга таянади. Меҳнат жараёни ва ишлаб чиқариш муҳитидаги турли омилларнинг организмга таъсири физиологик ва био-кимёвий услублар билан баҳоланади.

Организмга янги кимёвий моддалар, муҳитнинг физик омиллари таъсири меъёрларни асослашда тажриба услуги кенг кўлланилади. Ишчиларнинг касалланишини таҳлил қилиш статистик услубларни кўллашга асосланган, бу услублар, шунинг-



дек, ташқы мұхит күрсаттылары, тажриба маълумотлари ва иш-чиларда ұтказылған физиологик кузатувларни таҳлил қилинша ҳам фойдаланилади.

2.2. Меҳнат физиологияси

Меҳнат физиологияси ва гигиенаси меҳнат физиологиясінинг бўлими бўлиб, иш пайтида инсон танасида юз берадиган функционал ўзгаришларни текширади ва иш қобилиятини сақлаш ва ошириш, меҳнат фаолияти ва жараёнининг ишчилар соғлигига салбий таъсирининг олдини олиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқади. Меҳнат, аввало, ижтимоий тушунчадир. Меҳнат жамиятнинг энг хусусиятли белгиларини таҳлил қилиш, ижтимоий режада моддий бойликлар манбаи ва жамиятни шакллантирадиган негиз эканлигини кўрсатади. Биологик жиҳатдан меҳнатнинг энг муҳим фаолияти тана ҳисобланади. Фойдали меҳнат ёки ишлаб чиқариш айрим турлари ўргасидаги тафовутларга қарамай, физиологик жиҳатдан улар организмидин вазифаси ҳисобланади ва шундай ҳар бир вазифа киши мияси, асаби, мушаклар, сезги органларининг сарфидир.

Меҳнат турларининг умумий белгилари ҳам, тафовутлари ҳам бор. Шартли равишда жисмоний ва ақлий меҳнат турлари фарқланади. Қўлда бажариладиган иш турларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўргасидаги тафовутни аста-секин йўқотиб бораётган бўлса-да, сақланиб қолмоқда. Ҳар қандай меҳнат турида кувват сарф бўлади, организмда физиологик силжишлар кузатилади. Жисмоний меҳнатда нафас ва қон айланыш тизимларида бир мунча силжишлар содир бўлса, ақлий меҳнатда асосан асаб тизими қатнашади ва модда алмашинуви камроқ рўй беради.

Меҳнат физиологиясида «аклий иш», «жисмоний иш» дейилганда, ақлий ва жисмоний меҳнат назарда тутилади, бироқ «меҳнат» ва «иш» тушунчалари бир-биридан фарқ қиласади. «Иш» тушунчаси кувват сарфланиши ва организм тинч ҳолатдан чиқиши билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг ҳамма турларини аংглатади.

2.3. Жисмоний меҳнат

Жисмоний меҳнат (иш) деганда таянч-ҳаракат аппарати ва унинг ишлапши учун зарур тизимлар ҳаракатини таъминлайдиган

муҳим кувват сарфлари билан бөглиқ ишлаб чиқариш фаолиятинг тури тушунилади. Бунда дикқат, хотира каби олий руҳий функциялар ва умуман интеллектуал ва эмоционал соҳалар уччалик зўриқмайди. Жисмоний иш динамик ва статик бўлиши мумкин.

Динамик иш – юкни юқорига, пастга ёки уфқий кўтаришдир. Физик нуқтаи назардан иш микдори фазода ўрни алмаштириладиган жисм массасининг тик ёки уфқий масофага кўпайтмаси билан ўлчанади.

Иш микдорини ҳисоблаш ва уни физик оғир-енгиллиги бўйича таснифлаш учун қўйидаги тенгламадан фойдаланилади.

$$A = (\Pi \cdot H) : \frac{\Pi \cdot H_1}{9} : \frac{L}{2} \cdot K \quad (3)$$

бу ерда: A – иш микдори, кг/м; Π – кўтарилидиган юк массаси, кг; H – юкни кўтариш баландлиги, м; L – юкни уфқий йўналишда кўтариш масофаси, м; H_1 – юкни пастга тушириш масофаси, м; K – олтига тенг коэффициент.

Бирор ишни муайян вакт ичида бажарадиган организм учун «иш кудрати» тушунчаси мавжуд.

Иш қудрати – ишнинг вакт бирлигидаги микдори бўлиб, қўйидаги тенглама билан аниқланади:

$$N = \frac{A}{t \cdot K_1} \quad (4)$$

бу ерда: N – иш кудрати, 1 сек/ватт; A – иш, кг/м; t – шу иш бажариладиган вақт, сек; K_1 – 10 га тенг бўлган вақтларга айлантириш коэффициенти кг/м.

Ишнинг кудрати меҳнатнинг оғир-енгиллигини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Меҳнат оғирлигининг кўшимча кўрсаткичи бир жойдан иккинчисига кўчириладиган юкнинг максимал катталиги ҳисобланади.

Статик иш – одамнинг фазода тана, кўл ва оёқларини ўзгартирган ҳолда куч сарфлаб ишланидир. Фазода юк кўтарили маслиги туфайли бу ишни килограмм-метрларда ўлчаш мумкин эмас, юк массасини уни тутиб туриш давомийлигига кўпайтириб, иш вақти мобайнида хронометражлаш билан аниқланади.

Статик юк катталиги секундига килограммларда ифодаланади. Смена мобайнида статик куч катталиги ўзгарадиган бўлса, бу ҳолда ишнинг даври учун уни ушлаб туриш вақтига сарфланган кучи алоҳида аниқланади, сўнгра қийматлари жамланади. Бир

смена учун статик юк катталиги меҳнатнинг оғир-енгиллигига доир асосий кўрсаткичларидаң бири ҳисобланади. Йишининг оғир-енгиллик тоифасини аниқлашда юк (куч) катталигигина эмас, балки унинг бир ё икки кўлда ушлаб турилиши, гавда ва оёқ мушаклари қатнашиши ёки уларнинг қатнашмаслиги ҳисобга олинади.

2.4. Ақлий меҳнат

Ақлий меҳнат — одамнинг ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва ижодий фаолият билан банд бўлишидир. Унинг асосини маълумотни идрок қилиш, қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилиш ташкил этади. Маълумотни қабул қилиш асосан кўриш ва эшитиш органлари томонидан амалга оширилади. Бунда дикқат, хотира, интеллектуал фаолият сингари олий руҳий функциялар ишга солинади.

Ортиқча зўриқиши ўзига хос бажариладиган функцияларнинг бир хиллиги ва соддалиги (монотонлиги) айрим меҳнат турларининг хусусияти ҳисобланади. Ақлий фаолиятнинг ҳамма ҳолларида асаб тизими, унинг марказий бўлимларининг иштирок этиши асосий белги саналади. Аксарият ақлий меҳнатни бажариш мушак фаоллигининг пасайиши (гипокинезия) билан бирга ўтади.

Ақлий меҳнат кучини синфлашда унинг қатор хусусиятлари ҳисобга олинади. Меҳнатнинг кучи, аввало, дикқат функциясига қандай талаблар қўйилишига боғлиқ. Бу айни вақтда кузатилиши лозим бўлган муҳим ишлаб чиқариш обьектларининг сони, вақт бирлигига келиб турадиган сигналлар миқдорига боғлиқ. Шунингдек, эмоционал эшитиш ҳамда кўриш зўриқишининг олдини олишда меҳнатнинг бир маромдаги даражаси муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатнинг кучига, шунингдек, навбат (смена) билан ишлаш режаси ҳам таъсир қиласи, мунтазам равишда эрталабки сменада бажариладиган иш *кам куч сарфланадиган меҳнат*, иш сменаси ўзгариб турадиган, жумладан, тунда ишлаш жараёнини *кўп куч сарфланадиган меҳнат* дейилади.

2.5. Толиқиши

Баъзан иш бажариш жараёнида организм иш қобилиятининг пасайиш ҳоллари содир бўлиши мумкин, бу ҳолларга объектив

равишида толиқиши деб баҳо берилади, субъективиравишида эса чарчаш сөзгиси юзага келади.

Толиқиши – иш қобилиятининг пасайишидидир. У анча оғир, кўп куч талаб этадиган ёки давомли меҳнатни бажариши натижасида пайдо бўладиган ва меҳнат натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ёмонланишуви билан ифодаланади. Вакт бирлигига (минут, соат) тайёрланадиган ёки бажариладиган операциялар сони миқдорий кўрсаткич ҳисобланади. Толиқдан организмда бир қанча ўзига хос физиологик силжишлар кузатилиади. Толиқиши қайтувчан, физиологик ҳолатдир. Бироқ иш қобилияти кейинги иш даври бошлангунга қадар тикланмаса, толиқиши тобора кучая бориши ва ўта толиқиши босқичига ўтиши мумкин, бу иш қобилиятининг бирмунча барқарор пасайиши бўлиб, кейинчалик айрим ҳолларда касаллик ривожланишига олиб боради, хусусан, бунда тананинг юкумли касалликларга чидами пасайиб кетади. Ортиқча толиқишида ҳиссиётга берилиши юзага келиб, бу юрак-томирлар патологияси ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Толиқиши ишлаб чиқаришида шикастланишлар сонининг ошишига, меҳнат унумдорлитининг пасайишига, умумий ва касбга доир касалликларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Толиқишининг ҳабиатини тушунтирадиган кўп сонли фаразлар орасида марказий асаб тизими назарияси кўпроқ асосланган ва меҳнат физиологлари томонидан қабул қилинган. Бу назарияга кўра толиқишининг пайдо бўлишида бош мия хужайралари, аниқроғи, пўстлогининг афферент марказлари иш қобилияти нинг пасайиши эътиборга моликдир. Толиқиши асосий асаб жараёнлари нисбатининг ўзгарishi натижасида юзага келади: бунда ишлайдиган асосий марказлардаги тормозланиш кўзгалиш жараёнларидан устунлик қила бошлиди.

Толиқиши асаб марказларига фаолиятдаги мушаклар ва ички аъзолардан давомли импулслар келиб туриши натижасида зўрайди. Бунда бош мия ярим шарлари пўстлогининг афферент марказларида тормозланиш ўчоғи пайдо бўлади, айни вақтда зоналар тормозланиш ўчоғидан функционал яқинлиги ёки узоқлигига ва бошқа қатор сабабларга кўра қўзгалиш ёки тормозланиш ҳолатида бўлиши мумкин. Бундан қатъи назар уларда тормоз жараёнининг сустлиги қайд қилинади, толиқишининг доимий ва хусусиятли белгиларидан бири — ҳаракат уйғунлигининг бузилиши мана шундан далолат беради. Буни баъзан оғир ишдан

кейин чарчаган кишининг бир оз гандираклаб юриши мисолида кўз билан пайқаш мумкин.

Бинобарин, бир бутун толикиш жараёнини фақат тормозланишининг ўзи билан боғлаш мумкин эмас. Толикишда бош мия ярим шарлари пўстлогининг афферент бўлимида қўзгалиш ва тормозланишининг мураккаб механизми ўзгаради, чунки ишлаттган органлардан келаётган импулслар таъсири натижасида парабиотик тормозланиш ўчоғи вужудга келади. Толикиш ҳолатини қатор ишлаб чиқариш ва физиологик кўрсаткичлар бўйича белгилаш мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот микдорининг ваqt бирлиги ичида камайиши ёки ишлаш даврининг узайиши иш қобилияти пасайганини акс эттиради ва толикиш белгиси ҳисобланади. Ҳатто толикиш ривожланган шароитларда баъзан навбат охирида унумдорликнинг бир қадар ўсиши қайд қилинади, бу ҳол «охирги файрат» тезроқ ишни тугаллаш иштиёқи ва навбатнинг тугаши муносабати билан юзага келган кўтаринки руҳ билан изоҳланади. Толикишда меҳнатнинг сифат кўрсаткичлари ёмонлашади, ишда сифатсизликка йўл кўйилади, дикқат-эътибор пасайиши сабабли хатоликлар содир бўлади. Бундай ҳолат ходимнинг малакаси пастлиги оқибати бўлмай, балки зўр бериб бажарилган иш натижасида толикишнинг зўрайишини билдиради.

Толикиш бир қатор физиологик кўрсаткичлар бўйича аниқланиши ҳам мумкин. Иш бажаришда чарчаш (бошқа сабаблар, масалан, ишга қизиқишининг йўқлиги, касаллик ҳолати бўлиши), дикқат-эътибор функциясининг ёмонлашуви, мускул чидамининг, баъзан кучнинг ҳам пасайиши толикиш юзага келганидан далолат беради. Maxsus синовилар организм ҳолатидаги ана шу физиологик кўрсаткичларга баҳо беришга имкон беради.

Толикишнинг ривожланиши иш бажариш билан алоқадор жараёнлар уйғунлашувининг бузилиши билан ўтади. Физиологик жараён уйғунлашувининг ўзаришига ҳаракатлар аниқлигининг бузилиши, газ алмашинуви ишнинг оғир-енгиллигига мос келмайдиган пулс частотасининг бузилиши кабилар мисол бўлади.

2.6. Инсон иш қобиلىятынин сақлаш ва мәҳнат унумдорлигини ошириш

Тананинг иш қобиلىяти биринчى галда марказий асаб тизимининг ҳолатига боғлиқ, марказий асаб тизимига эса ижтимоий мүхит шароитлари катта таъсир күрсатади.

Иш куни ва ҳафтасининг давомийлигини қисқартыриш толиқишининг олдини олишда энг муҳим восита ҳисобланади.

Күп мәҳнат талаб қыладиган ишларни механизациялаштириш, ярим автомат ва автоматлашган технология жараёнларига ўтиш мәҳнатни енгиллаштириб, ишлаб чиқариш мұхитини бирмунча қулай шароитта келтириб, толиқиши ривожланишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришда толиқишига қарши кураш күпгина йұналишлар бүйича амалға оширилиб, ular орасыда сүнгти йилларда әргономика, ишлаб чиқариш эстетикаси каби янги йұналишлар ҳам вужудга келди.

Ишлаб чиқариш таълимни жараёнида машқ қилишдан фойдаланыш иш қобиلىятынин оширишга киради. Мунтазам машқ қилиб бориш унумли ишлашнинг энг ишончлы усули ҳисобланади. Машқ жараёнида ишдаги хатты-ҳаракаттар такомиллашади, ular бирмунча тартибли ва тежамли бўлиб қолади. Мунтазам машқлар танада қатор ижобий силжишлар юз берисига олиб келади: мушак кучи ва чидамлилик ошади, юрак-томирлар ва нафас тизими фаолияти яхшиланади. Ақлий мәҳнатда машқлар хотира, дикқат, ирода кабиларнинг такомиллашувига имкон беради.

Мәҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, мәҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда аввалио, энг замонавий технологиядан, машина, механизмлар ва бошқа жиҳозларнинг мукаммал турларидан фойдаланишга, мәҳнатни тўғри ташкил қилишга асосланилади. Айни вақтда мәҳнат физиологияси ва руҳияти талабларга риоя қилиш унинг ажralmas қисмидир.

Асосий физиологик талабларга мәҳнат мароми, мәҳнат ва дам олишнинг самарали тартибини ташкил этиш киради. Бир маромдаги мәҳнат — смена, ҳафта, ой, йил мабойнида бир текисда бажариладиган мәҳнатdir. Мәҳнатнинг маромлилигига талаб кўзғалиш ва тормозланиш жараёnlарини тўғри навбатлашда асаб марказларининг физиологик хусусиятларини ҳисобга

олип асосланган. Маромли меҳнат асаб ва мушак қувватиниң оқилона сарфлаш, меҳнат фаолиятининг ҳамма даврларида иш қобилиятини қувватлаб туриш имконини беради.

Ускуналарнинг носозлиги, материаллар, асбоб-ускуналарнинг бўлмаслиги сабабли ишдаги мажбурий танаффуслар иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Меҳнат маромининг бузилиши ишга берилиш босқичида эришилган натижани йўқотишга сабаб бўлиб, иш қобилиятининг бошлангич босқичини бирмунча паст даражага қайтаради. Айни вақтда ишда тез-тез бўлар-бўлмасга танаффус қиласвериши салбий эҳтиросларни келтириб чиқаради, бу иш қобилиятини пасайтирибтгина қолмай, балки кўп тақрорланаверганда юрак-томирлар патологияси ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Ойлик ва уч ойлик режалар номунгизам бажариладиган (ой ва чорак охирида шопшилинч ишлар) корхоналарда ишчилар ўртасидаги касалланишни таҳлил қилиш ортиқча чарчаш, шошма-шошарлик ва асаб бузилишига олиб келадиган шароит, ишдан кейин қолиб ишлаш соатларининг кўпайиши ва ҳатто дам олиш кунларида ишлаш сурункали касалликлар, шамоллаш касалликларининг ўсишига олиб келишини кўрсатди. Касалланиш ҳодисаларининг кўп қисми «ишга хужум қилинган» ойдан кейинги биринчи ўн кунликка тўғри келади. Қатор корхоналарда маромли ишни жорий қилиш меҳнат унумдорлигининг 18—20 %га оширишта ва умумий ҳамда касбга доир касалланишнинг пасайшишига олиб келади.

Меҳнат ва дам олишнинг оқилона тартибини белгилаш, иш қобилиятини юксак даражада сақлаб туришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Меҳнат тартиби деганда иш ва дам олиш даврларини тақсимлаш тушунилади. Сменанинг муайян даврларига, физиологик жиҳатдан асосланган маълум муддатли танаффусни (тушки танаффусдан ташқари) киритиш ва улардан оқилона фойдаланиш иш қобилиятини юқори даражада сақлаб туриш муҳимдир. Бундай танаффуслар толикишнинг бошлангич босқичига тўғри келса ва ишга берилиш ҳолатини бузмаса (узоқ давом этиши сабабли) фойдали бўлади.

Кўшимча танаффусларни белгилаш вақти ва уларнинг қанча муддат давом этиши ишнинг хусусиятига боғлиқ. Чунончи, иш нечоғлик оғир ва жадал бўлса, смена бошланганидан сўнг шунча эртароқ (ёки куннинг иккинчи ярми учун — тушки танаффусдан кейин) қисқа муддатли танаффус, айрим ҳолларда икки

ёки уч танаффус жорий қилинади. Уларнинг давомийлиги ҳам турлича: 5-10 дан 15-30 минутгача, бунда иш нечоғлик оғир ва жадал бўлса танаффусларнинг муддати шунча давомли бўлади.

Танаффуслар вақтидаги дам олишни оқилона уюштирилишида ишлаб чиқариш гимнастикасини ўтказиш мақсадга мувофик, бу толиқишини камайтиради ва меҳнат унумдорлигини 3-15 %га оширади. Бундай унумли дам олиш лоқайд дам олишга қаранганд бирмунча таъсирчандир. Чунки фаол дам олиш даврида индукция йўли билан ишләётган марказлардан чарчаган асаб ҳужайраларининг тормозланиши чукурлашади, уларнинг бирмунча тез ва тўлиқ тикланиши рўй беради. Бироқ оғир меҳнатда ёки ҳаво ҳарорати юқори шароитда ишлап ҳолларида шамолла-тиладиган хонада суст дам олиш мақсадга мувофик.

Толиқиши профилактикасида сўнгти вақтда эргономика (грекча ergon — иш, nomos — қонун) деган ном билан янги йўналиш вужудга келди, бу фан меҳнат унумдорлигини ошириш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ишда хавфсизликни ва кулай шароит (камфорт)ни таъминлаш мақсадида одамни ишга мослаштириш учун бошқа қатор фанларнинг маълумотларидан фойдаланишга асосланган. Машиналар ва бошқа ускуналарни, жиҳозларни ихтиро қилишда, иш жойларини уюштириш ва режалаштиришда физиологик ва психологик талабларга риоя қилиш эргономиканинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Машиналарни ихтиро қилишда ишләётган кишининг ортиқча ҳаракатлардан ҳоли этиш, турли нокулайликларга барҳам берадиган чоралар кўзда тутилиши керак. Чунончи, озгина энгашиб ишлапца қувват сарфи атиги 22% га ошса, кўпроқ энгашиб бажарадиган ишда 45% га ошади. Бошқарув кўл ва оёқ билан амалга ошириладиган ҳолларда одамнинг сёқ ва кўллари учун мўлжалланган иш майдонининг самарали ўлчамларини ҳисобга олиш лозим.

Кучни тежаш тамойилига амал қилиш ҳам муҳимдир. Одам кўп куч сарфланадиган ишни узоқ вақт мобайнида бажара олмайди; айни вақтда мускул кучи имкон бўлганидан узоқ вақт сақланиб турмаслиги аниқланган. Одам кучининг таъсирини самарали йўналтиришни назарда тутиш керак. Тик турган ҳолатда энг юқори кучнинг ўзига тамон қилинган ҳаракатида ривожланиши узатилган кўлга нисбатан букилган кўлда босимнинг кучи кўпроқ эканлиги маълум. Асбоблар, бошқа турли бошқарув ускуна дастасини қулай ҳажм ва шаклда яратиш йўли билан ҳам

кучни тежашга эришилади. Толиқиши профилактикасида самарали иш вазияти ва тұғри курилғанлығи катта аҳамияттаға эга.

Мускулларнинг эң паст дараражадаги тарандылығы ҳисобига юзага келадиган әркін, одамдан күч талаб қылмайдын қолатта оқылона вазият дейилади. Гавданинг тик ёки бир оз әгилган (күпі билан 10-15 дараја) қолатыда шундай бұлади. Ишни ўтирган, тик турған қолатда, баъзан эса гоҳ ўтириб, гоҳ тик туриб (ўтириб, турған қолда) бажариш мүмкін. Ўтириш вазиятида статик ҳаракаттар камроқ бұлса-да, иш вақтидаги ҳаракаттар күлами ва сарфланадиган күч унчалик катта бұлмаганда (5 кг. гача) уни құллаш мүмкін. Күч 10 кг. га етса, ўтириб-тик туриб ишлеш қолати, бундан катта бұлғанда эса тик туриб ишлеш қолати мақсадға мувофиқ.

Ўтириб ишлеш вазиятида статик ҳаракаттарни пасайтириш учун иш жиҳозлари: стол, стул, оёқдар учун тиргакнинг физиологик жиҳатдан асосланған лойиҳаларидан фойдаланылади. Стулнинг баланд-паст бўлишини бошқариб туриш, суюнчиғи, тирсакни қўйиш учун мосламаси борлиги, ўтириб ишлеш вазиятидаги чарчоқни камайтиради. Қатор ҳолларда ишчи рӯпарасидаги иш юзасини ярим доира қилиб қирқиши, уни қия қилиб қўйиш мақсадға мувофиқ. Физиологик жиҳатда ўтириб-тик туриб ишлеш вазияти ғоят мақсадға мувофиқ, у ишчига ўзи учун қулай вазият танлаш, қон димланиб қоладиган соҳаларда қон айланишини тиклаш имконини беради. Бир маромдаги ишларни бажаришда бундай вазият айниқса фойдалы, чунки вазиятни ўзгартириш руҳий жиҳатдан хилма-хилликни вужудга келтиради.

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш: хоналарни кўзни қамаштирумайдын бўёқда бўяш, ёритиш, мусиқа, интерерни безаш толиқишининг олдини олишда руҳий физиологик йўналиш ҳисобланади. Қўпчилик ишлаб чиқариш биноларини яшил рангга бўяш мақсадға мувофиқ, чунки бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини 'үйғотишга ҳам, тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиласидиган хоналарни ҳамда ускуналарни бўяш мақсадға мувофиқдир. Қизил ва сарық ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган созлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мүмкін.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш ярамайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб, инсон организми ҳимоясини заифлаштиради. Бўёқлардан, шунингдек, ишора-эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади, транспорт воситалари, цехдаги жўмраклар ва бошқа ускуналарни тиниқ рангларга бўяш ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис ёйилиши, цехнинг ички томонини бадиий безатиш, чиройли ва қулай иш кийими толиқишининг олдини олади. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим психофизиологик воситаси жамоада дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳисобланаб, бунда раҳбарнинг ўрни муҳим. Салбий эҳтиросларни бартараф этиш толиқишининг, балки асаб ва юрак-томир касалликлари пайдо бўлишининг ҳам олдини олади.

Меҳнатнинг тиббий шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларга мувофиқ келиши меҳнат унумдорлигини ошириш йўларидан бири ҳисобланади. Чанг, газ, шовқин ва тебранишни камайтириш, меъёрий микроиклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбга алоқадор ва касбга алоқаси бўлмаган қасалликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилиятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шарт ҳисобланади.

Ақлий меҳнатда иш қобилиятини юксак даражада тутиб туриш учун қуидаги қатор шароитларга риоя қилиш: ухлашдан ёки дам олишдан сўнг меҳнат жараёнига аста-секин киришиш, меҳнат фаолиятида дам олиш даврларини тўғри режалаштириш. Бу шароитлардан ташқари, иш жойининг қулайлиги, гавда вазиятини вақтида ўзгартириб туриш имконияти борлиги ҳамда иш сатҳининг бир текис ёритилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2.7. Ишлаб чиқаришдаги метереология шароити

Ишлаб чиқариш муҳитида метериология шароитини ифодаловчи омиллар — ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги, барометрик босими ва иш жойларидаги ҳаво ҳаракатининг тезлиги кишининг иш қобилиятига, меҳнат унумдорлигига ва инсон организми жараёнларига катта таъсир кўрсатади. Инсон танасидаги доимий ҳарорат — организм терморегуляцияси физиологик ва кимёвий жараёнлар асосида ушлаб турилади ва ташқи муҳит би-

лан организм орасидаги иссиқлик алмашинуви тұлиқ таъминла-
нади. Ҳарораттинг 15-20°C, нисбий намликтинг 35-70% бўли-
ши моддалар алмашинуви ва иссиқлик ажралиши жараёнларини
амалда ұзгартирмайди.

20°C даражада ҳароратда организмда иссиқлик ажралиши ва
буғланиш амалга ошади. Инсон организмидан буғланиш ҳисоби-
га тер ажралиб чиқиши, уни иссиқ уришидан сақладайди. Нис-
бий намлик 80-85% дан ортиб кетганда, организмдан ажралаёт-
ган тернинг буғланиши секинлашиб физиологик терморегуля-
циянинг бузилиши содир бўлади.

Организмнинг ташқи мұхит билан иссиқлик алмашинуви ме-
териологик шароитдан ташқари, бажарилаётган ишнинг тури ва
ишчининг физиологик ҳолатига ҳам боғлиқдир. 30°C даражадан
юқори бўлган ҳароратда ишчи бир сменада 10-12 литрдан ортиқ
тер ажралиши ва 10 грамм ўрнига 30-40 грамм туз йўқотиши
мумкин. Бундай миқдордаги туз йўқотиши организмнинг сувни
сақлаб туриш қобилиятини сусайтиради ва иссиқ уриш содир
бўлиши мумкин. Иш жойларидағи ҳаво ҳарораттинг тезланиши
ҳисобиға ҳаво ҳарораттинг пасайиб кетиши танани ҳаддан
ташқари совушига ва бунинг натижасида шамоллаш касаллик-
ларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш зоналарида «Саноат корхона-
ларини лойихалаш санитария меъёри» (СН 245-71) га асосан
бажарилаётган ишнинг тури ва йилнинг фаслларини ҳисобга
олиб, доимий ва ұзгарувчи иш жойлари учун метериология ша-
роитлари даражалари белгилаб берилган. Йилнинг совуқ ва
ұзгарувчан даврлари учун ишлаб чиқариш биноларидаги мұйта-
дил ҳаво ҳарорати 16—22°C, нисбий намлик 60-30%, ҳаво оқими
тезлиги 0,2—0,3 м/с деб қабул қилинган, рухсат этилган
ҳаво ҳарорати эса 18—22°C, нисбий намлик 75%, ҳаво оқими
тезлиги 0,3—0,5 м/с таъминланиши керак. Иссиқ давр учун
мақбул ҳаво ҳарорати 18—25°C, нисбий намлик 60-30 %, ҳаво
оқими тезлиги 0,3—0,7 м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво
ҳарорати 33°C гача, нисбий намлик 75 %, ҳаво оқими тезлиги
0,3 — 1 м/с таъминлаши керак.

Агар ишлаб чиқариш корхоналари биноларидан 1 м³ ҳажми
бўйича бир соатда 20 килокаллориядан ортиқ иссиқлик ажралиб
чиқадиган бўлса, бундай бинолар иссиқ цехлар деб аталади. Са-
нитария меъёрига асосан иссиқ цехларда совуқ ва ұзгарувчан
даврларда мақбул ҳаво ҳарорати 16—22°C, нисбий намлик 60-

30%, ҳаво оқими тезлиги 0,2—0,3 м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво ҳарорати эса 13—24°C, нисбий намлиги 75%, ҳаво оқими тезлиги 0,5 м/с бўлиши керак. Иссик давр учун мақбул ҳаво ҳарорати 18—25°C, нисбий намлик 60-30 %, ҳаво оқими тезлиги 0,2—0,7 м/с белгиланган, рухсат этилган ҳаво ҳарорати 28°C гача, нисбий намлиги 75 %, ҳаво оқим тезлиги 0,3—1 м/с бўлиши керак.

Талабга жавоб берга оладиган метериологик шароит яратиш учун корхоналарни лойиҳалаш, ишга тушириш ва ишлаб чиқариш жараёни давомида, юқорида келтирилган санитария меъёrlарини таъминлаш мақсадида маълум чора-тадбирлар амалга оширилади. Улар қаторига саноат корхоналарининг иссиқ хоналаридаги иссиқлик ахратувчи қурилма ва ускуналарни алоҳида хонага жойлаштириб, уларни пенебетон, асбест каби материаллар билан муҳофаза қилиш ёки ташқарига жойлаштириш тадбирлари киради. Шунингдек, хоналар табиий ва механик шамоллатиш воситалари билан таъминланиши керак. Иссик хоналарда ишловчи ишчилар 0,5% ош тузи солинган ичимлик сувлари билан таъминланиши зарур.

Совуқ шароитда ишловчи ишчилар учун саноат корхоналари бинолари ичини иситиш ва уларни маҳсус кийим-бош билан таъминлаш зарурдир. Ҳаво ҳароратини ўлчаш учун ҳар хил симбли, спиртул ва юқори-куйи контактли термометрлардан, ўзи ёзар термографлардан ҳавонинг нисбий намлигини ўлчаш учун психрометрлардан фойдаланилади.

III боб. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ШОВҚИН ВА ТИТРАШДАН САҚЛАНИШ

3.1. Шовқин, титраш ва ултра-инфратовуш ҳақида умумий маълумотлар

Шовқин, титраш ва ултра-инфратовуш қаттиқ жисм, газ ҳамда суюқлик, моддий жисмларнинг механик тебранишлари-дир. Рухсат этилган санитария талабларидан ортиқ бўлган ишлаб чиқариш шовқинлари, титраш ва ултра-инфратовушлар мунта-

зам равища таъсир этганда одам организми заарланиши, кейинчалик оғир касбий касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Сукунатни бузадиган ёки фойдалы товуш эшитишга ҳалақит берадиган ҳар қандай товуш шовқин деб аталади. Кучли, кескин ва узоқ давом этадиган шовқинлар одамнинг ҳолатига салбий таъсир қилади, инсонни тез чарчатади, асаб ва юрак-томир тизими ишини бузади. Титраш қаттиқ жисмларнинг тебранишидир. У одам соғлиғига нохуш таъсир кўрсатади, муңтазам равища таъсир этганда касбий касалликларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш шароитида шовқин ва тебраниш инсоннинг асаб тизимига таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Машина ва механизмларнинг айланма ҳаракати, бир-бирига урилиши, шунингдек, технологик қурилма ва аппаратлардан газ ва суюқликларнинг катта тезлик билан ўтиши натижасида келиб чиқадиган шовқинларни шовқиннинг асосий манбалари деб кўрсатиш мумкин. Шовқин қаттиқ, суюқ ва газсимон мұхитларда механик тебраниш натижасида вужудга келади. Инсоннинг эшитиш органи механик тебранишнинг 16-20000 Гц.гача бўлган оралиқдаги механик тебраниш тўлқинларини эшита олади. 15 Гц дан паст частотадаги шовқин инфратовуш, 20 000 Гц.дан юқори бўлган товуш эса ултратовуш деб юритилиб, инсон организмига биологик таъсир кўрсатади.

Физиологик нуқтаи назардан шовқин эшитиш органларига ёқимсиз таъсир кўрсатадиган овоз жараёни сифатида қаралиб, сўзлашишга ҳалақит бериб, инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шовқиннинг узоқ муддатли таъсири эшитиш органлари фаолиятини сусайтиришдан ташқари қон босимининг ўзгариши, кўриш қобилиятынинг сусайиши, ҳаракатланиш марказларида ўзгариш пайдо бўлиши оқибатида, ҳаракат координациясининг бузилишига ва организмнинг кувват сарфлаш жараёнинг кучайишига олиб келади. Шовқин инсоннинг юрак ва қон айланиш тизимлари функцияларининг бузилишига, овқат ҳазм қилиш ва бошқа органларда функционал ўзгаришларининг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Инсон организмидаги шовқин таъсиридан келиб чиқадиган ўзгаришлар «шовқин касаллиги» деб юритилади.

Шовқин частотаси – Гц (герц), интенсивлиги – ρ ва товуш босими Р билан ифодаланади. Товуш тўлқинларининг тарқалиши мұхитнинг эластиклик хоссасига, ҳаракат ва зичлигига боғлиқ. Товуш тўлқинларининг 20°C ҳароратли ҳаво мұхитидаги

тарқалиш тезлиги 343 м/с, пұлатда эса 5000 м/с, бетонда 4000 м/с.га теңг. Товуш түлкінларининг тарқалиш чегараси то-вуш майдони деб аталади. Унинг ҳар бир нүктаси маълум товуш тезлиги ва товуш босимига эга бўлади. Товуш тезлигининг ҳавода тарқалиши ҳаво қатламида маълум босим пайдо бўлиши натижасида ҳавонинг қисилиши ва сийракланиш зоналарини пайдо қиласди. Ана шу қисилиш ва сийракланиш орасидаги айрима товуш босимиридан. Товуш түлкінлари тарқалаётган вақтда маълум кинетик қувватни кўчириш вужудга келади ва бу қувватнинг миқдори товуш интенсивлиги (J) билан белгилана-ди.

Товуш интенсивлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$J = \frac{P^2}{\rho \cdot C} \quad (5)$$

бу ерда: J — товуш интенсивлиги, вт/м²;

P — товуш босимининг миқдори, Па;

ρ — муҳит зичлиги, кг/м³;

C — ушбу муҳитдаги товуш тезлиги, м/с.

Одам қулогига чалинадиган энг паст товуш босими P_0 ва то-вуш интенсивлиги J_0 чегара миқдорлар деб аталади. Бу чегара миқдордаги товуш интенсивлиги ва босими частотаси 1000 Гц бўлгандан

$$J_0 = 10^{-2} \text{ вт/м}^2 \quad P_0 = 2 \cdot 10^{-5} \text{ Па} \quad (6,7)$$

ни ташкил қиласди. Кулоқни оғритадиган даражадаги товуш кучи бу миқдорлардан қарийб 10 марта катта. Шундай қилиб, эшитиши органлари жуда катта диапозондаги товуш интенсивлигини сеза олади. Шунинг учун ҳар хил мақсадларда товуш интенсивлигининг ҳақиқий қийматлари билан иш олиб бориш бирмунча қийинчилликлар туғдиради. Акустика ҳисобларини амалга өширишда товушнинг ҳақиқий қийматларини эмас, балки уларнинг чегара қийматлари нисбатига олинган логарифмик даражалари қабул қилинган.

Амалий мақсадларда дБ бирлиги асосий бирлик сифатида қабул қилинган. Товушнинг интенсивлик даражаси шу бирликда ўлчаниб, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$L = 10 \lg \frac{I}{I_0} \quad (8)$$

Товуш интенсивлігі товуш босими квадратига тұғри пропорционал бұлғанлігі сабабли товуш даражасини товуш босими орқали ҳам аниклаш мүмкін:

$$L = 10 \lg \frac{I}{I_0} = 10 Lg \frac{P^2}{P_0^2} = 20 Lg \frac{P}{P_0} \quad (9,10)$$

Бу келтирилген ифодалар билан аникланадиган товуш даражасини акустикада товуш босими даражаси деб аташ қабул қилинганд.

Машина ва ускуналарда, коммуникация ва қурилмаларда механизацияларнинг ҳаракатдаги қисмлари мувофиқдаشتырылмаганлігі сабабли, босим пулсацияси таъсирида суюқлик ва газлар қувур узаттичи орқали нақл қилингандан пайдо бўладиган қисқа тўлқинли тебранишлар титраш деб аталади. Титраш куйидаги нормаланиш кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- титраш частотаси f (Гц);
- титраш амплитудаси A (мм);
- титраш тезлігі v (мм/с);
- титраш тезланиши ω (мм/ s^2).

Титраш аппарат ва коммуникацияларнинг механик мустаҳкамлигини ва герметиклігини сифатсизланишига олиб келиши ва ҳар хил аварияларнинг сабабчиси бўлиши мүмкін.

Титраш таъсирида инсон танасидаги аъзоларнинг функционал ҳолатларини ишдан чиқиши, инсон марказий асаб, юрак ва қон айланиш тизимида ҳамда ҳаракатланиш аъзоларида ўзгаришлар содир бўлади. Унинг зарарли таъсири чарчашиб, бошнинг, панжа ва сук бўғинларининг оғриши, ҳаддан ташқари асабийлашиш ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши билан намоён бўлади ва айрим ҳолларда тебраниш касаллигининг ривожланишига олиб келади. Бу касаллик марказий асаб ва юрак қон айланиш тизимида, шунингдек, ҳаракатланиш аъзоларида қайтариб бўлмас ўзгаришлар билан тавсифланади. Титраш касаллигининг оғирлик даражаси тебранишнинг таъсир даври ва кучига боғлиқ. Бу касалликни бошланғич даврлардагина даволаш мүмкін. Унинг оғир шакллари, албатта, меҳнат қобилиягининг қисман ёки бутунлай йўқолишига олиб келади.

Шовқин ва титрашнинг иш жойларida рухсат этилган даражалари «Саноат корхоналарини лойиҳалаш санитария меъёrlари» билан белгилаб берилган.

3.2. Шовқин ва титрашга қарши кураш усуллари

Шовқин ва титрашга қарши кураш машина, механизм ва технологик жараёнларни лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида бошланиши керак. Корхона бош режасини тузганда, албаттга, шовқинга қарши чора-тадбирлар кўриб қўйилган бўлиши шарт. Бунда асосан, сершовқин цехларни бир жойга, иложи бўлса, уларни ишлаб чиқариш худудининг чекка томонларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Сершовқин цехларни бошқа цехлардан товуш ўтказмайдиган тўсиқлар билан тўсиш керак. Сершовқин цехларнинг эшик ва деразалари маҳсус товуш ўтказмайдиган ёки шовқинни иложи борича кам ўтказадиган материаллардан тайёрланган бўлиши зарур.

Технологик жараёнларни тўғри танлаш, машина ва механизmlарнинг кам юк билан ишлашини таъминлаш шовқин ва титрашга қарши курашда муҳим аҳамиятта эга. Механизмларни сифатли йиғиш, ўз вақтида таъмирлаш ишларини бажаришнинг ҳам аҳамияти катта. Шовқин ва титрашга қарши курашиш мақсадида ташкилий ҳамда техник тадбирлар ишлаб чиқилган.

Улар қўйидагилардан иборат:

- шовқин манбаи бўлган машина ва механизмларни айрим хоналарга жойлаштириш;
- сершовқин цехларни кам шовқин цехлардан ажратиб жойлаштириш;
- кучли тебранишили сершовқин жойларда ишлаётган ишчилар сонини камайтириш;
- шахсий ҳимоя воситаларидан кенг фойдаланиш.

Асосий техник тадбирлар қўйидагилар:

- тебранувчи механизмлар остига мустаҳкам асосларни, динамик кучларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатиш;
- тебранувчи механизмларнинг асосларини асосий конструкция ва коммуникациялардан муҳофаза қилиш;
- тебранувчи механизмлар билан асос ўртасига эластик материалдан тебраниш тўсиги ўрнатиш;
- тебранувчи коммуникациялар юзаларини тебранишни ютувчи резина материаллар билан қоплаш;
- сершовқин машина ва механизмларнинг ҳаракатлантирувчи қисмларини товушни тўсадиган филоф билан муҳофаза қилиш.

Ил жойлари, асбоб-ускуналари ва қурилиш конструкцияларини машина ва механизмлар ҳосил қилган тебраниш таъсиридан сақдашнинг ижобий усулларидан бири титрашни түсиш усулидир. Бу усулда тебранувчи механизм билан унинг асоси ўргасига эластик мато ўрнатилади. Эластик мато тебранишнинг бир қисмини ютиши ҳисобига асосга ўтиши бирмунча камаяди ва иш жойларидаги тебраниш сусаяди.

Титраш түсиқлари ёки аморгизаторлар пўлат пружина, резина ва бошقا эластик материаллардан тайёрланади. Пўлат пружинадан қилинган аморгизаторлар узоқ вақт хизмат қилиши билан бирга юқори тебранишни муҳофаза қиласди. Аммо улар тебраниш кувватининг тезда йўқолишини таъминлай олмайди. Шунинг учун пружина устига ўрнатилган механизмларда тебраниш тезда сўнмайди, балки бирмунча вақт давом этиб туради. Бу айниқса, резонанс тартиби бўлганда аниқ сезилади. Резина аморгизаторлар пружина аморгизаторларидан фарқли бўлиб, ички ишқаланиш коэффициенти катта бўлганлиги сабабли тебранишни тез сўндиради. Бу иккала аморгизаторларни бирга қўшиб ишлатиш йўли билан ижобий натижаларга эришилади.

Шовқинга қарши кураш чора-тадбирлари уни келтириб чиқарувчи манбанинг ўзидаёқ камайтиришга ҳаракат қилишдан бошланниши керак. Машина ва механизмларни сифатли таъмирлаш ва монтаж қилиш, унинг динамик кучларини мувофиқлаштириш, ўз вақтида таъмирлаш ишларини бажариш яхши натижа беради. Машина ва механизмлардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши шовқинсиз ишлайдиган механизмларнинг сершовқин ишлашига олиб келади. Подшибниклар ҳолатини ўз вақтида текшириб туриш, деталлар туташган жойларда ораликларнинг бўлмаслиги, зарба билан ишлайдиган қисмларни йўқотиш, айланувчи қисмларни балансировка қилиш, механизмларнинг қобиқлари ва тўсиқ қурилмаларини мустаҳкам ўрнатилганлигини текшириб туриш керак.

Баъзи қурилмалар товуш тўлқинлари кувватини тарқатиб юбориш хусусиятига эга. Товуш тўлқинлари ғоваксимон товуш ютувчи материаллар юзасига тушгач, товуш кувватининг кўпгина қисми тор ғоваклардаги ҳавони тебранма ҳаракатга келтириш учун сарфланади. Ғоваклардаги ҳаво қисилиб исийди ва бунинг натижасида товуш куввати иссиқлик кувватига айланиши натижасида ташки муҳитга тарқалиб йўқолади.

3.3. Шовқындан ұмояланиш

Шовқинга қарши кураш мақсадида товуш ютадиган ҳамда үтказмайдиган ашёлар ва курилмалардан фойдаланилади. Ҳаво йұллари бүйлаб тарқаладиган аэродинамик шовқин ҳар хил түзилишдағы сұндиригичлар ёрдамида пасайтирилади. Найчасимон шовқин сұндиригичлар квадрат ёки тұртбұрчак кесимли қилиб тайёрланади, бу сұндиригичларнинг қалинлиги 700 мм.ни ташкил этади. Шовқин сұндиригичнинг тури ҳаво сарфига рухсат этилган тезликларга қараб танланади.

Шовқинга қарши курашнинг асосий усули қүшни хонадаги шовқин даражасини пасайтирадиган товуш үтказмайдиган ускуналар үрнатылғандыр. Девор ва пойдеворларнинг товуш үтказмаслик хоссасини ошириш ёки уларнинг оғирлигини камайтириш учун оралиғида ҳаво тирқиши бұлған ҳар хил тұсикларни құллаш тавсия этилади. Шовқинга қарши зичлювчи ашёлар сифатида юмшоқ резиналар, тошпахта (асбест)дан фойдаланиш мүмкін.

Шовқинни сусайтириш учун товушни ютадиган турли ашёлардан фойдаланилади. Товуш қувватини ютувчи ашё ва курилмалар уч гурухға: ғовакли, резонанс ва донали товуш ютқичларға бўлинади. Ғовакли товуш ютқичларға ёғоч толасидан, минерал пахтадан, шиша толадан қилинган плиталар, цементли фибралит, фоторопласт, капрон ва минерал толалардан ясалған тұшаклар, шиша тола киради. Резонанс товуш ютқичлар искала томонига мато ёпиширилиб, шовқин манбаидан маълум масофада жойлаштирилған тешик экрандан иборат. Экран сифатида ёғоч қипиғидан ишланған таҳтачалар ишлатиласы.

Донали товуш ютқичлар маълум шаклдаги жисмлардан иборат бўлиб, улар хонага бир-биридан 1500-2000 мм оралиқда қўйилади. Улар, асосан, ғовакдор ашёлардан тайёрланади. Донали товуш ютқичларнинг афзаллiği шундаки, уларни шовқин манбаини ёнгинасига үрнатиш мүмкін. Агар техник усууллар билан шовқинни санитария мөъёларига қадар пасайтириб бўлмаса, у ҳолда шовқындан якка тартибда ҳимоялаш воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бундай воситаларга кулоқ тақмлари (вкладышлар), кулоқ қопқоқлари (наушниклар) ва шлемлар киради.

3.4. Титрашдан ҳимояланиш

Технологик ускунанинг ашёвий сифими камайтирилиб тезлиги оширилганда унинг титраши кучайди. Титраш (вибрация) тебранишлар частотаси, титращдаги силжиш амплитудаси ва титраш тезлиги билан ифодаланади. Ундан ҳимояланиш учун сўндирувчи қўлқоп ҳамда пойафзалдан, амортизаторлар сифатида кигиз, резина, пўлат шуржинали тўсгичлардан фойдаланилади.

Биноларда титрашни камайтириш мақсадида, пойдеворларнинг остига резинадан, поливинол смолалардан тайёрланган, шиша тола билан кучайтирилган қистирмалар кўйилади.

Титрайдиган машина ва асбоблар билан ишлайдиган ишчиларни хизмат вақтидан ташқари ишлатиш, 16 ёшга тўлмаган ёшлар, ҳомиладор аёллар, ошқозони оғрийдиган ва қон босими юқори кишиларга бундай ускуналарда ишлаш ман этилади.

3.5. Ултратовуш ва инфратовушдан ҳимояланиш

Ултратовушли муҳит 11200 дан 109 Гц гача бўлган доирада механик тарзда юзага келади. Саноатда деталларни тозалаш ва ёғсизлантириш, металларга механик ишлов бериш учун 18000 + 30000 Гц частотали ултратовуш тебранишлари кенг қўлланилади.

Одамга ултратовуш ҳаво муҳити орқали, шунингдек, суюқ муҳит ва қаттиқ жисмлар орқали таъсир қиласиди. Ултратовушли курилмаларда ишлайдиган ишчиларнинг боши оғрийди, тез чарчайди, яхши ухлай олмайди, кўзи хиралашади, оғзи куриб қолаверади, қорни оғрийди, иштаҳаси бўлмайди, тана ва терисининг ҳарорати кўтарилади, юрак уриши сусаяди, қон босими пасаяди ҳамда терморегуляцияси бузилади. Ултратовуш билан ишлаётганди якка тартибдаги ҳимоя воситалари сифатида шовқин сўндиргичлар ва маҳсус қўлқоплардан фойдаланиш лозим.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришда ва транспортда инфратовуш, частотали товуш кенг тарқалган. У катта вентиляторлар, ички ёнув двигателлари ишлаётганида пайдо бўлади. Бу ерда турли ҳимоя қобигларидан фойдаланилади, яъни резинали, юмшоқ жиҳозлар билан зич ёпилади.

IV боб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ЁРИТИШ

4.1. Асосий түшүнчалар

Саноат корхоналарыда ишчилар унумдорлитини оширишининг асосий омилларидан бири иш жойларининг ёритилишидир. Тұғри ташқыл қилинган ёритилгандык мәннат шароитининг меъёрий бўлишини таъминлайди. Фақаттана ёритилгандыкни яхшилаш ҳисобига иш унумдорлиги 5%дан зиёдроқ ошириш мумкинлиги аниқланган.

Инсон 90% ахборотни фақат кўз орқали олади. Шунинг учун корхонада ёритишни тұғри ташқыл қилиш киши саломатлигига ҳамда марказий асабнинг фаолияти меъёрида бўлишига олиб келади. Ёритилгандык етарли бўлмаса ёки у рационал жойлаштирилмаса, баҳтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Ёритилгандык меъёрида бўлса, мәннат унумдорлигининг ошишига ва маҳсулот сифатининг яхши бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқарышнинг ёритилиши миқдорий ва сифат кўрсаткичларга эга. Миқдорий кўрсаткичларга ёруғлик оқими, ёритилиш даражаси сиртнинг равшанлиги, ёруғликнинг қайтариш коэффициенти киради. Ёруғлик оқими (F) деб, нур қувватига айтилади. Бу қувват одам кўзининг ёруғикнинг сезиши билан баҳоланади. Ёруғлик оқимининг бирлиги сифатида люмен (Jm) қабул қилинган:

$$F = I \cdot \omega \quad (4.1)$$

Барча ёруғлик манбалари ёруғлик оқимини фазода нотекис тарқатади. Шу сабабли миқдорий баҳолаш учун ёруғлик оқимининг фазодаги зичлиги – ёруғлик түшүнчеси киритилган. Ёруғлик кучи J ёруғлик оқимининг тарқалаётган моддий (F) бурчакка нисбатидан иборат.

$$I = F/\omega \quad (4.2)$$

Ёруғлик кучи кандел (kd) да ўлчанади. Ёритилгандык Е ёруғлик оқимининг сиртқи зичлигини ифодалайди ва люкс (lk) да ўлчанади:

$$E = F/S \quad (4.3)$$

бу ерда: S – ёритилаётган сиртнинг юзаси, m^2 . Агар ёруғлик оқимининг сиртқи зичлиги 1 Jm/m^2 га тенг бўлса, сиртнинг ёритилгандыкни 1 lk га тенг бўлади.

Сиртнинг равшанлиги L ($\text{кд}/\text{м}^2$) кўриб чиқилаётган йўналишда нур сочайтган кучнинг ушбу йўналишга перпендикуляр текисликдаги проекциясига нисбатига тенг:

$$L = I/S \cdot \cos\lambda \quad (4.4)$$

Кўзниг кўриш ҳолатини белгиловчи ишлаб чиқариш ёритишининг асосий сифат кўрсаткичларига фон, объектнинг фондан фарқи (контрас), кўринувчаник, камайтириш, ёритилганлик пулсацияси коэффициенти киради.

Фон қаралаётган объектга тулашиб турган сиртнинг қайтариш хоссасини белгилайди. $R > 0,4$ ёруғ фонни кўз яхши кўради; $\rho = 2,0 + 0,4$ бўлганда фон ўртача, $\rho > 0,2$ бўлганда эса фон йўқ ҳисобланади.

Объектнинг фондан фарқи (контрасти, K) ёнма-ён турган иккита ёруғлик майдонларининг равшанлигидаги фарқи хусусан, L_f билан қаралаётган объект L_{ob} ўртасидаги фарқ орқали ифодаланади:

$$K = \frac{L_f - K_{ob}}{L_f} \quad (4.5)$$

Объект билан фоннинг равшанликларида фарқ бўлсагина, объект фонда кўринади. $K > 0,5$ бўлганда фарқ катта. $K = 0,2 + 0,5$ бўлганда – ўртача ва $K > 0,2$ бўлганда эса кичик ҳисобланади.

Кўринувчаник (V) объект ёки ёруғлик майдонини кўз қанчалик яхши кўраётганлигини белгиловчи кўрсаткичdir. У нисбий бирликлардаги фарқлар сони билан аниқланади:


$$V = \frac{K}{K_1} \quad (4.6)$$

бу ерда: K – қаралаётган кўз иши шароитидаги фарқ;
 K_1 – кўз аранг ажратса оладиган энг кичик фарқ.

Қамаштириш кўрсаткичи – ёритиш курилмасининг кўзни қамаштирувчи таъсирини баҳолаш мезонидир, бу таъсир натижасида кўз қамашади.

4.2. Ишлаб чиқаришдаги ёритилишнинг таснифи

Иш жойларининг ёритилиши асосан қўйидаги чизма бўйича амалга оширилади:



Табиий ёргуллик манбай қүёшдир. Суннiiй ёргуллик манбай электр куввати бўлиб, у чўғланма лампалар орқали амалга оширилади. Табиий ёргуллик бинонинг ён томонидан, юқоридан ва ён, юқоридан тушган ёргуллик орқали ёритилади. Кундуз куни цехларнинг одамга ёқимли ва фойдали бўлган табиий ёргуллик билан ёритилишга алоҳида аҳамият бериш керак.

Саноат корхоналарида иш икки-уч сменали бўлса, суннiiй ёргуллик кўлланилади, чунки бундай катта цехларда табиий ёргуллик билан етарли ва бир текис ёритилишни таъминлаш мумкин эмас. Суннiiй ёргуллик умумий, маҳаллий, аралаш ҳолда кўлланилади. Агарда бир хил ёргуллик оқими берувчи чироқлар цех бўйича бир текис ўрнатилган бўлса, буни тенг тақсимланган умумий ёргуллик дейилади. Агарда чироқларнинг ўрнатилишида ёргуллик ёқими кўпроқ иш жойларига ёки бошқа зарур участкаларга йўналтириб ўрнатилса, буни умумлаштирилган ёргуллик деб аталади.

4.3. Суннiiй ёргуллик

Ҳозирги пайтда суннiiй ёргуллик, асосан, икки хил – чўғланма ва люминесцент лампалар орқали амалга оширилади. Чўғланма лампаларнинг фойдали иш коэффициенти кичик: уларга келадиган кувватнинг жуда озгина қисми ёргулликка, асосий қисми эса иссиқлик кувватига айланади. Бу лампалар спектри қуёш спектридан кескин фарқ қиливчи ёргуллик беради, шунинг учун улар ишлатиладиган ерларда кишининг идрок қилиш қобилияти сусайди. Лекин бу лампалар тузилишининг оддийлиги, хоҳлаган кувватда ишлаб чиқариш мумкинлиги сабабли ҳам кенг миқёсда кўлланмоқда. Бу лампаларни ёрдамчи цехларда,

фонарсиз биноларнинг техник қаватларида, вентиляция камераларида ва кондиционерлар жойлашган хоналарда құллаап мақсадда мұвофиқдір.

Люминесцент лампалар табиий ёруғлик сектрига яқын спектрда ёруғлик тарқатады. Бу ишчиларни камроқ толиқтиради, идрорек қилиш қобиляйтлари ортади. Бу лампалар электр күвватини тежашда анча афзальдир ва чүгланма лампаларга қараганда ёруғлик чиқарувчи қозалари катта бүлгәнлиги учун күзни қамаштириш хусусияти камдир. Люминесцент лампалар паст ва юқори босимли қилиб тайёрланады. Улар ҳам камчиліктерден ҳоли эмас: улардан ёруғлик оқими пулсациялы тарқалады. Бу бириңчидан, ишчиларнинг физиологиясыга салбий таъсир қылса, иккінчидан строскопик самара пайдо қиласы. Строскопик самара шундай ҳодисасы, машина ва дастгохдарнинг ҳаракатдаги қыслары тұхтаб турған, секин айланадыған ёки нотүғри ҳаракат қылаёттандек бұлиб туғлады, радиотүсіктер пайдо қиласы, яғни товушни тиниқ әшитиші ҳалал беради ва айрым пайтлары шовқын чиқариб ишлайды. Бу эса күштімчә хавф-хатар түғдірады.

4.4. Авария ёритқышлари

Авария ёритқышлари – ҳалокат натижасыда иш ёритқышлари үчіб қолғанда ишни давом эттириш ёки одамларни хоналардан эвакуация қилиш мақсадыда ўрнатылады. Иш ёритқичи ўчса, портлаш, ёнғин, жароҳатлар содир бұлиши ва технологик жараён узоқ муддатта ишдан чиқыши мумкин. Бунда иш сиртларининг әнг кам ёритилғанлиғи меъёрдан камида 5% ни, аммо би-но ичіда 2 люксни ва ташқаридан 1 люксни ташкил қилиши зарур.

Одамларни эвакуация қилишга мүлжалланған авария ёритқышлари 50 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ишлайдыған ишлаб чиқариш хоналарига ўрнатылады. Бунда ёритилғанлик даражаси хоналарда камида 0,5 люкс, ташқаридан 0,2 люксдан кам бұлмаслиғи (айниқса, зина ва йүлакларда) шарт. Хона ва иш ўринларининг ёритилиши камида бир йилда бир марта оддий люксиметр билан ўтчаб күриши лозим. Бунинг учун чүгланма лампалари ва люминесцент лампалар ишлатилиши мумкин. Авария ҳодисалари учун ишлатыладыған ёруғлик системаси алохіда манбадан таъминланиши керак.

4.5. Ёруғликни меъёрлаштириш

Маълумки, табиий ёруғлик билан цехларни ёритганда улар кигта чегарада ўзгаришилар, метеорологик шароитлар, йилнинг фасли ва бошқа бир неча омилларга боғлиқдир. Шунинг учун цехларда табиий ёритилганликни миқдорий жиҳатдан меъёрлаштириб бўлмайди.

Саноат корхоналарида табиий ёруғликни ҳисоблашда ва меъёрлаштиришда табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) сифатида қабул қилинган, бу катталик бир пайтда ўлчангандан ичидаи ёритилганлик (E_u) нинг ташқаридаи (E_t) ёритилганликка нисбати билан ифодаланади:

$$ТЕК = E_u/E_t \cdot 100\% \quad (4.6)$$

Табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) деразаларнинг ўлчамлари, ойна турлари, уларнинг ифлосланиши ҳамда ёруғлик ўтказиш хусусиятига боғлиқдир.

Цех ён томондан ёритилганда ТЁКнинг энг паст миқдори, юқоридан ва аралаш ёруғлик қўлланганда эса унинг ўрта миқдори меъёрлаштирилади. Бу эса ўз навбатида бир хил иш шароитида ТЁКнинг энг паст миқдоридан кам бўлмаслиги кепрак.

4.6. Ёритилганликка бўлган талаблар

Ишлаб чиқариш шароитида ёритилганлик ишчилар саломатлигига зарар етказмаслиги учун у кўзни зўриқтирмайдиган, иш вақтида хонанинг ҳамма қисмларида бир текис тақсимланган бўлиши талаб қилинади.

Ишлаб чиқаришда ёритишга доир асосий талаблар қўйидаги-лардан иборат:

- ёритиш қурилмаси ёруғлигининг спектрал таркиби куёш ёруғлигиникига яқин бўлиши;
- бажариладиган ишларнинг тури ва аниқлигига қараб, ёритилганлик даражаси етарлича бўлиши ҳамда гигиена талабларига мос келиши;
- иш жойида тўғри тушадиган ва қайтган ёруғликлар бўлмаслиги;
- меъёрларга мувофиқ, ишлаб чиқариш хоналарига авария ёритқичлари ўрнатилиши;
- ҳавфли иш ўринлари юқори даражада ёритилган бўлиши;

- ёритиши қурилмаси хавфли ҳамда заарали омиллар, яни шовқин, электр қуввати иссиклик чиқариш ва ёнғин чиқиш манбай бўлмаслиги;
- назорат ўлчаш асбоблари, хавфсизлик сигнализацияси ишончли ва узлуксиз ёритилиши;
- ёритилиш бир текис ва турғун бўлиши, соялар ҳосил қурилмаслиги даркор. Акс ҳолда киши кўзини бир шароитдан иккинчи шароитга тез-тез ўзгартириб туриши натижасида кўзнинг аккоммуляция хусусияти ўзгариб, кўриш органларининг толиқиши ҳолати рўй беради.

4.7. Ёритқичлар

Ёритқич лампалари ёруғлик тарқатиш хусусиятига кўра уч синфга бўлинади:

- тўғридан-тўғри нур тарқатувчи;
- нур ёювчи;
- нур қайтарувчи лампалар.

Тўғридан-тўғри нур тарқатувчи лампалар синфида, кўйи ярим айланаси бўйлаб ўз нурининг таҳминан 90 фоизини тарқатадиган лампалар киради. Нур ёювчи лампалар ўз нурларини юқори ва кўйи айланалар ўртасида таҳсимлашга асосланган. Бунда умумий нурни юқори ва кўйи сфера бўйлаб тарқатади. Ушбу лампалар ҳар қандай сояларга барҳам бериб, ёруғликни бир текисда тарқатиш имкониятини беради. Бундай лампалар шип ва деворлари ёруғлик қайtarиш хусусиятига эга бўлган хоналарга ўрнатилади. Нур қайтарувчи лампаларда асосан 90 фоиздан кўпроқ нур юқори сферага йўналтирилади ва ёритиши асосан қайттан нур ҳисобига бўлади. Бундай ёритқичлар ҳеч қандай соя туширмаган ҳолда, юмшоқ ва майин ёритишини таъминлайди. Улар, асосан, музей, театр каби оммавий биноларда кўлланилади.

Ёнғин ва портлаш хавфи бўлган хоналарни ёритища маҳсус ёнғин ва портлашга қарши ускуналар билан жиҳозланган лампалардан фойдаланилади. Уларнинг патронлари учқун чиқмаслигини таъминловчи мустаҳкам контактларга эга бўлади. Сунъий ёритишининг санитария меъёрлари билан белгиланади, бу ҳужжат саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига таалуқли бўлиб, ишлаб чиқариш хоналари ва иш бажариши юзаларини, шунингдек, турар-жой биноларининг ёритилиши талаб этилади-

ган даражани белгилайди. Разрядли ишлар учун одатда комбинацияли ёритишни құлаш лозимлиги меъёрларда күрсатылған бўлиб, умумий ёритиш тизимидан фойдаланиш имконияти бўлмаган ҳоллардагина улардан фойдаланилади. Бунда умумий ёритиш асосан люминицент лампалар билан амалга оширилади.

Ёритувчи курилмаларининг самарадорлиги кўпинча уларнинг тозалигига боғлик. Шунинг учун ҳам лампалар ўз вақтида артиб тозалаб турилиши, куйган ёки ёруғлик бериши камайган лампалар ўз вақтида алмаштирилиши лозим. Шунингдек, электр тармоғидан кучланишининг пасайишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу ҳол ёритилиш даражасининг камайишига олиб келади.

V боб. ҲАВОНИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРДАН ТОЗАЛАШ

5.1. Саноат чангни ва инсонга таъсири

Халқ хўжалигидаги кўп ишларни бажаришда чанг ҳосил бўлади. Улар келиб чиқиши манбаларига кўра, табиий ва сунъий чангларга бўлинади. Табиий чанглар – инсон таъсирисиз ҳосил бўлади. Бундай чанглар туркумига шамол ва бўронлар таъсирида қум ҳамда тупроқнинг эррозияланган қатламлари учиси, ўсимлик ва ҳайвонот оламида, вулқонлар отилиши бошқа ҳолларда пайдо бўладиган чангларни киритиш мумкин. Табиий чангларнинг атмосфера муҳитидаги миқдори табиий шароитта, ҳавонинг метериология ҳолатига, йилнинг фаслларига ва аниқланаётган зонанинг қайси минтақада жойлашишига боғлик. Масалан, атмосферадаги чангнинг миқдори шимолий туманларга нисбатан жанубий туманларда, ўрмон зоналарига нисбатан чўл зоналарида, шунингдек, қиши ойларига нисбатан ёз ойларида кўпроқ бўлиши маълум.

Аниқланишича, ҳар бир кубометр ҳаво таркибида чанг зарралари далалар ва боғларга нисбатан шаҳарларда ўн марта кўпроқ экан. Тоғли ҳудудларда эса чанг зарралари ундан ҳам камроқ бўлади.

Саноат корхоналари ва курилишларда инсоннинг бевосита таъсири натижасида сунъий чанглар ҳосил бўлади. Ишлаб чиқаришининг баъзи бир тармоқларида шундай ҳавфли саноат чанг-

лари ажраладики, уларни тозаламасдан чиқариб юбориш фо-
жиали оқибатларга олиб келади. Келиб чиқиши хусусияти бүйича
органик, минерал ва аралашма чанглар фарқланади. Чангнинг
зараарли таъсири унинг кимёвий таркиби боғлиқ.

Чангнинг катталиги, яъни дисперслигига қараб уч гурухга
бўлиб ўрганилади:

- катталиги 10 мкм.дан катта бўлган чанглар. Одатда бундай
chanглар ўз оғирлиги таъсирида ерга қўнади;
- катталиги 10 мкм.дан 0,25 мкм.гача бўлган чанглар. Бу
чангларни майда чанглар ёки микроскопик чанглар деб юрити-
лади. Улар ерга жуда секинлик билан тушади;
- катталиги 0,25 мкм.дан кичик бўлган чанглар. Бу чанглар
ултрамикроскопик чанглар деб юритилиб, улар ерга қўнмай
ҳавода учиб юради.

Ишлаб чиқариш чангнинг инсон саломатлигига заарли
таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади. Уларга, биринчи навбат-
да, чанг зарраларининг физик-кимёвий хоссалари, катталиги ва
шакли, ҳаводаги чанг микдори, смена давомида таъсир этиш
муддати ва касб стажи муҳит ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ
бошқа омилларнинг бир вақтда таъсир этиши киради. Масалан,
ташқи ҳарорат кўтаришганда ёки киши жисмоний меҳнат билан
шуғулланганда тез-тез нафас олиши натижасида организмга
чанг кириш даражаси ортади. Бир вақтда радиоактив аэрозоллар
бўлишиб ва ҳаводаги газлар таъсири чангнинг организмга зара-
рини кучайтиради. Организмнинг чантга қарши реакцияси ҳам-
мада бир хил кечмайди, бу нафас йўлларининг филтрлаш хусу-
сияти, биологик қаршилик ва бошқаларга боғлиқ.

Чанг ажралиши натижасида технологик жиҳозларнинг еми-
рилиши тезлашади ва қимматбаҳо металлар ишдан чиқади,
иқтисодий зарар кўпаяди. Бундан ташқари, саноат ишлаб чиқа-
риш муҳитининг умумсанитария ҳолатини ёмонлаштиради,
жумладан, дераза ёритувчи қурилмаларнинг чангланиши оқиба-
тида ёруғлик ҳамаяди. Чангнинг баъзи турлари, масалан, кўмир,
пахта толаси ва ёғоч чанглари ёнғин ҳамда портлашнинг юзага
келишига шароит яратади.

Чангларнинг кимёвий таркиби ва эрувчанлиги, дисперслиги,
заррачаларининг шакли, уларнинг қаттиқлиги, тузилиши (кристи-
талл, аморф), электр зарядланиши хоссалари организмга катта
таъсир кўрсатади. Чангнинг асосий таъсири, энг аввало, нафас
олгандага юзага келади. Бундай ҳаво билан нафас олиш, асосан,

нафас органларини заарлаши: бронхит, пневмокониоз ёки умумий реакция (заҳарланиш, аллергия) ривожланишини вужудга келтириши мумкин. Чангнинг ўпка йўлига кириши пневмония, сил, ўпка ракининг келиб чиқишига шароит яратиши мумкин.

Кремний (II) оксиди (унинг кристалл тури), силикатлар (кремний кислотасининг тузлари), кўмир, баъзи бир металлар (алюминий ва бошқаларнинг) чанглари ҳамда ҳар хил чанглар аралашмаси, масалан, минерал металл чангларининг аралашмаси кимёвий таркибига пневмокониоз касаллигининг ривожланишида хавфли бўлади. Бу чанглар амалда эримайдиган бўлиб, нафас олиш тизимишининг бўлимларида тутилиб қолади ва касалликни, фиброзли ўзгаришларни вужудга келтиради. Шу нуқтаи назардан эркин кристалл кремний (II) оксиди ва унинг бошқа турдаги бирикмалари энг кучли чанг ҳисобланади. Фиброген чангларнинг агресивлиги уларнинг эрувчанилиги билан тўғри пропорционал бўла олмайди.

Эрийдиган чанглар нафас йўлларида тутилиб сўрилади ва қонга ўтади, организмга кўрсатадиган кейинги таъсири уларнинг кимёвий таркибига боғлиқ. Масалан, қўроғошин, мис ва бошқа металларнинг чангзи заҳарловчи таъсир кўрсатади.

Чангларнинг дисперслиги уларнинг ҳаводаги тургунлигини, нафас йўлларига кириш ва қанча чукурликка кириб бориш имкониятини белгилайди. 10-20 мкм катталиқдаги чанг заррачалари, ерга тортиш кучи таъсирида маълум тезлик билан ерга қўнади. Нафас олганда улар нафас йўлларининг юқори қисмида ушланиб қолади.

Микроскопик заррачалар (0,25-10 мкм) ҳавода анча бўлиб, бир хилдаги тезлик билан ерга тушади. Нафас олганда уларнинг асосан 5 мкм гача бўлган катталиқдаги заррачалари организмга киради. Ултрамикроскопик заррачалар (катталиги 0,25-0,1 мкм ва ундан кичик) ҳавода узоқ вақт айланиб юради. Улар бир-бирлари билан тўқнашиши натижасида коагуляцияниб; яъни йириклишиб ерга қўниши мумкин. Нафас олган ҳаводаги ултромикроскопик заррачаларнинг 60-70 % ўпкада тутилиб қолади. Бу заррачаларнинг физик-кимёвий активлигини белгилайдиган солиштирма юзаси катта бўлишига қарамай, чангли шикастлашишларнинг ривожланишида ҳал қўйувчи рол ўйнамайди, чунки уларнинг массаси катта бўлмайди. Моддалар жуда юқори даржада майдаланганда уларнинг эрувчанилиги ортиб, ўпкада уш-

ланиб қолиши вактинг камайиши боис ўпка тўқимасига чангни таъсири кучайиб организм заифлашиши натижасида заҳарли модда таъсири кучаяди.

Чанг зарраларининг шакли сферик, ясси ва бошқа кўринишда бўлади. Аэрозоллар ҳосил бўлишида чанг зарралари конденсациясининг кўп қисми думалоқ шаклга эга бўлади. Заррачаларининг шакли аэрозолнинг турғунлигига ва организмдаги ҳолатига таъсири этади. Четлари ўткир қиррали чанг зарралари ўпка тўқималарини жароҳатлайди. Шиша-тола, асбест слюда каби чанг турлари юқори нафас йўлларининг хужайраларини микрожароҳатлаши, кўзнинг шиллиқ қаватига ва терига таъсири кўрсатиши ҳам мумкин.

Меҳнат Кодексига асосан, ишчилар ишга киришишдан олдин тибиёт кўригидан ўтказилади. Ўпка сили, юқори нафас йўллари ва бронхлар касаллиги, юрак-томир хасталиклари ёки бошқа касалликлар билан оғриган кишилар чангли ишга қабул қилинмайди. Хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити билан таъминлаш учун ишлаб чиқариш зоналарида ҳаво мұхитининг чанг миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордан «ЙҚМ» ортмаслиги керак. Чангнинг ҳосил бўлиши ва тарқалишига қарши курашда технологик жараёнлар автоматик усуllibарга ўтказилган ҳолда жиҳозларнинг зичиги оширилиб, маълум масофадан туриб бошқариш тизимларига ўтиш мұхым аҳамиятта эга.

5.2. Корхоналарда заҳарли газларнинг ажратиб чиқиши ва уларга қарши кураш

Саноатда ишлаб чиқариш заҳарлари деб, одамга меҳнат фаолияти шароитида таъсири этадиган, иш қобилияти ва соғлигини сусайтирадиган касбий ёки ишлаб чиқаришда рўй берадиган заррланишларни вужудга келтирадиган омилларга айтилади. Уларни асосан токсикология фани ўрганади. Бу фан ишлаб чиқариш заҳарларининг организмга таъсири қилиш белгиларини ўрганади, уларнинг заарли ва хавфлилиги даражасини белгилайди, гигиеник меъёрлар ва тасвиялар ишлаб чиқади.

Заҳарлар умумий ва маҳаллий таъсири қилиши мумкин. Умумий таъсири заҳарнинг қонга сўрилиши натижасида ривожланади. Масалан, марганецдан заҳарланишда асаб тизими, бензол таъсирида эса, қон ажратиш органлари зарар кўради. Маҳаллий таъсири кўрсатишида тўқималарнинг шикастланиши: таъсирила-

ниш, яллигланиш ҳодисалари, ишқорли ва кислотали эритмалар ва буғлар билан ишлаганда тери ҳамда шиллик пардаларнинг куйиши содир бўлади.

Ишлаб чиқаришда заҳарланишлар ўткир, ўртача ва сурункали шаклларда ўтади. Ўткир заҳарланишлар асосан гурӯҳ ҳолатида бўлади. Бу заарланишлар куйидагича характерланади:

1. Заҳар қисқа муддатда – бир сменада таъсир қиласди;
2. Организмга заҳар катта микдорда тушиши, ҳаводаги микдори жуда юқори бўлиши, кимёвий моддани билмай ичиб қўйиши ёки тери қаттиқ ифлосланиши натижасида содир бўлади.

Сурункали заҳарланишлар организмга оз микдордаги заҳарларнинг узоқ вақт аста-секин йигилиши натижасида юзага келади. Организмда заарнинг ўзи йигилиши ёки ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин. Масалан, бензолдан ўткир заҳарланишда асосан асаб тизими зарар кўради ва наркотик таъсир кузатилади, сурункали заҳарланишда эса қон ишлаб чиқариш тизими заарланади. Ўткир ва сурункали заҳарланишлар белгиларига кўра ўткир заҳарланишларга ўхшаш бўлса-да, бироқ аста-секин ривожланади ва бирмунча сурункали кечади.

Ишлаб чиқариш заарлари бошқа салбий оқибатларга ҳам сабабчи бўлади. Улар организмнинг биологик қаршилигини пасайтиради, юқори нафас йўллари қатори, сил, юрак-томир тизим касалликлари ривожланишига имкон яратади. Ундан ташқари заарлар аллергик таъсир кўрсатиши натижасида бронхиал астма, экзема ва бошқа касалликлар келиб чиқади.

5.3. Заҳарланишнинг инсон организмига таъсири

Ишлаб чиқаришда заҳарланиш организмга, асосан, нафас йўллари, меъда-ичак йўллари, тери қопламлари орқали, тери-нинг шикастланган қисми орқали ўтади. Заҳарланишнинг кўп турлари нафас олганда газ, буғ, туман, аэрозолларни ютиш натижасида юзага келади. Бир хил заҳарлар билан сурункали ёки ўткир заҳарланишда организм турлича шикастланади. Бунга ўпка тўқимаси сатҳининг катталиги, заҳарнинг қонга тез тушиши ва ҳаводан нафас олганда турли органлар ва тизимларга ўтиш йўлида қўшимча тўсиқларсиз ютилиши сабаб бўлади.

Заҳарли моддаларнинг нафас олиш органлари орқали қонга ўтишида уларнинг ўтиш тезлиги сувда эрувчанлигига тўғри пропорционал бўлади. Турли бирикмаларнинг қонда эрувчанлиги

сувда эрувчанлигига яқинлиги туфайли уларнинг ҳаводан қонга ўтишда ҳам газлар диффузияси қонунiga биноан тақсимлаш коэффициенти деб номланадиган миқдорга боғлиқ. Заҳарнинг ҳаводаги концентрацияси қанчалик юқори ҳамда сувда эрувчанлиги қанча катта бўлса, у қонга шунчалик тез тушади ва қондаги миқдори юқори бўлади.

Айрим бирикмалар ўпкадан артериал қонга ўтиб, сўнг бошқа органлар ва тўқималарга ташилади ҳамда улар билан ўзаро яхши таъсиrlашади. Тез реакцияга киришадиган деб номланувчи бу моддалар қисқа вақт ичидаги бутун организмга тарқалади. Секин реакцияга киришадиган моддалар артериал қон тўқималаридан бирмунча секинлик билан ўтиб, уларнинг артериал қондаги миқдори венадагига нисбатан юқори бўлиб туради. Тўқималар тўйина борган сари бу тафовут йўқолади ва моддаларнинг нафас билан чиқариладиган ҳаводаги миқдори унинг нафас билан оладиган миқдорига яқинлашади. Тез реакцияга киришадиган моддалар нам шиллиқ пардаларнинг юзасидаёқ парчаланишга учрайди ва қонга ўзгарган маҳсулотлар кўринишда сўрилади.

Ҳавода бўлган заҳарли газ ва буғлар тери орқали сўрилиши мумкин, чунки тери нафас олиш жараёнида қатнашади. Бундан ташқари, ҳаводаги заҳарли буғлар ва газлар теридағи ёғ қатламида эриб, кейинчалик у орқали сўрилиши мумкин. Ёғсимон моддаларда эрувчан заҳарли моддалар, хусусан, углеводлар, ароматик аминлар, бензол, анелин каби бирикмалар тери орқали ўтиш хусусиятига эга. Заҳарнинг тери орқали ўтиши уларнинг ёғлардаги эрувчанлигига эмас, балки тери қопламидағи эриган модданинг қонга ўтиш имкониятини маълум даражада белгилаб беради.

Ишлаб чиқариладиги заҳарларнинг тери орқали ўтиш хусусиятини гигиеник меъёрларда ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишида ҳисобга олинади: бундай моддалар учун ҳаводаги йўл қўйиладиган миқдор бирмунча паст белгиланади, тери қопламаларини ҳимоя қилиш чоралари қўзда тутилади, ишдан кейин, албатта, ювиниш тавсия этилади.

Заҳарлар овқат ҳазм қилиш йўллари орқали ҳам таъсиr этиб боради. Айниқса, чанг ҳолатидаги моддалар бурун-ҳалқум ва нафас йўллари юқори бўлимининг шиллиқ пардасида тутилиб, йўталиш, аксиришда шиллиқ билан қисман чиқарилади, қисман ютилади ва меъдага тушади. Заҳарлар овқат ҳазм қилиш органларига шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмагандан: иф-

лос құл билан овқат ейишида, чекишида тушади. Меъданинг кислотали ва ичакнинг ишқорий мұхитидә эрүвчанлиги оргиши мүмкін. Уларнинг меъдага тушиши шиллиқ пардаси заарланишига, секреция безлари фаолиятининг бузилишига сабаб бұлади. Нихоят меъда-ичак йұлларидаги зақарлар сұрилиб, көп қысми томир тизимига тушади ва жигар түсиги орқалы үтади. Жигар уларни заарсиз қолға келтиришда иштирок этадиган энг фаол аъзолардан бири ҳисобланади, бироқ бунда унинг үзи ҳам заарланувчи обьекта айланиб қолади.

Организмга тушгач зақарнинг қон оқими билан тұқималарда ҳужайра мембранны, оқсил ҳужайралари ва тұқималараро мұхитнинг бошқа таркиблари билан үзаро физик-кимёвий таъсирилашуви рўй беради. Бу жараёнларнинг биологик йұналиши организмнинг зақарларга қарши курашидир.

5.4. Ҳаво мұхитидаги зақарлы моддаларга йўл қўйилган миқдорлар меъёри

Хозирги шароитда ишчиларнинг иш жойларидаги мұхитда зақарларнинг бўлмаслигини талаб этиши, албатта, табиий ҳисобланади, шундай натижага эришиш эса жуда мушкул техник вазифа бўлиб, уни бажариш катта моддий харажатлар билан боғлиқдир. Шунга кўра меҳнат гигиенасида йўл қўйса бўладиган безарар миқдорларни асослаш зарурати вужудга келади.

ГОСТ нинг «Иш зонаси ҳавоси» бўлимида бу миқдор қўйида-гича белгиланади: иш зонаси ҳавосида заарлар моддаларнинг 8 соат давомида ёки ҳафтасига 40 соатдан ошмаган меҳнат жараёнида, текшириш услублари билан аниқланадиган касалликлар ёки соғлиқ ҳолатидан четланишлар келтириб чиқармайдиган миқдорга йўл қўйлади. Зақарли моддалар учун ЙҚМ белгиланган бўлиб, уларни асослаб беришда замонавий илмий нуқтаи назарлардан фойдаланилади, организмнинг нозик физиологик ва биохимик кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Меҳнат гигиенаси гигиеник меъёрлар, илмий техника тараққиёти ютуқларига асосланади, мұхандислик тафаккурини бирмунча мукаммал технология ва ишлаб чиқариш ускуналари яратишга жалб этилади.

Заарларнинг ЙҚМ ни асослашда:

- моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари;
- экспериментал текшириш натижалари;

– ишлаб чиқариш гигиеник кузатув маълумотларида ишчи-ларнинг соғ ҳолати ва касалланишига доир материаллардан фойдаланилади.

Ишхона ҳавосидаги заҳарли моддаларнинг ЙҚМ белгилаш мақсадида экспериментал тадқиқотлар тұлиқ ёки қисқартырилған ҳажды бажарилиши мүмкін.

Заҳарли моддаларга қарши курашда санитария шароити, соғломлаштириш тәдбirlари, шунингдек, янги цех ва заводларни лойихалашда амалда ЙҚМларни гигиеник маълумотлари билан тұлдириб, қайтадан күриб чиқылади.

Давлат стандартига асосан заҳарли моддалар организмга таъсир күрсатып даражасига қараб: ўта юқори, ўртача ва кам хавфли синфларға бўлинади. Меҳнат шароитининг яхшиланиши кўпгина цехлар ҳавосида заарли моддалар микдорининг пасайышига, заарланишининг оғир кўринишлари камдан-кам учрайдиган ҳолларга олиб келмоқда. Касбий заҳарланишларга қарши курашда:

– технологик жараёнларда заҳарли моддалар ажralишини бартараф этиш;

– заҳарли моддаларни ҳавога ажralишини камайтирадиган янги технология ва автоматлаштиришни жорий этиш мүмкін.

Ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш, ишчи-ларнинг заҳарли моддалар билан мулоқотда бўлишини чегара-лайди. Бунга мисол тарқасида кимё заводларида заҳарли моддаларни тұлдириш, фільтрлаш ва қуритиш жараёнларини механизациялаштириш, машинасозлик саноатида коррозияга қарши қатламларни ҳосил қилишининг галваник жараёнларини келтириш мүмкін. Ускуна ва коммуникациялардаги (газ кувурлари, транспортёрлар) төшпик тирқишиларидан кўпингча газлар чиқиши мүмкін. Бундай ҳолатларда цехлардаги ҳаво мұхитини соғломлаштиришда эски ускуналарни бирмунча зич, янгилари билан алмаштириш, меҳаник жиҳатдан эскирган ускуналарни ўзғартириш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий техника тараққиётининг ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиш кўпгина технологик жараёнларнинг бориши устидан назорат қилиш автоматик усуллар билан олиб бориш имконини беради. Санитария-гигиеник тадбирларга: гигиеник стандартлаш, ҳаво ҳолатини назорат қилиб туриш, гигиеник талабларга қатый амал қилиш, шахсий ҳимоя воситалари-

ни күллаш, санитария бүйича инструкция бериб туриш кабиларни күрсатиши мумкин.

Ишлаб чиқаришда захарланишларга қарши курашнинг усулларидан бири, юқорида айтганимиздек, иш зонасидаги ҳаво мұхитининг ҳолати устидан назорат ўрнатиш ҳисобланади. Стандарт бүйича хавфлиликтің I синф моддаларини назорат қилишда захарлы моддаларнинг миқдорлари фақат қайд қилиб күя қолинмасдан, балки ЙҚМ ошган тақдирда зарур чоралар күриш учун товуш ва ёруғлик сигналайзаторларини ишга соладиган автомат ёзиш асбоблари билан таъминланиши керак.

Ишчининг хавфли зонада, ускуналар ва катта ҳажмдаги хоналар ичидә бұладыған вактінинг чегараланиши, маҳсус ҳимоя кийимлари кийиши ва бошқа шахсий мұхофазаланиш воситаларидан фойдаланыши, шошилинч тиббий ёрдам күрсатиши ишларининг түғри ташкел қилиниши ҳам мұхим омил ҳисобланади.

Захарланишларга қарши кураш санитария техникасининг энг кең тарқалған тури — шамоллатиш усули катта аҳамиятта әга. Унга күйиладыған асосий гигиеник талаб — захарлы моддалар ҳосил бұладыған зонада уларни ҳаво мұхитига тарқалған тақдирда эса, соғ ҳаво бериш йүли билан миқдорини пасайтириб, кучсизлантиришдан иборат.

Захарлы моддалар билан ишлайдыған шахслар хусусида меңнат қонунида иш кунини чегаралаш, таътилнинг давомиyllигини күпайтириш, нафақага бирмунча әрта муддатда чиқариш каби чора-тадбирлар күзде тутилади. Организмга заарланишнинг хавфли таъсири юқори бұлған корхоналарда аёллар ва ұсмирларнинг ишлашыга рухсат этилмайди. Иш зонасидаги захарлы моддаларнинг ЙҚМ давлат томонидан белгиланған. ЙҚМ завод, фабрика ва бошқа муассасалар учун мажбурийдир.

Касбға доир заарланишларни ҳисобға олиш ва қайд қилиш мажбурий ҳисобланади. «Корхоналарда бағтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобға олиш түғрисидаги Низом»ға мувофиқ ҳар бир зааралайыш ҳодисаси текширилиши ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши керак. Даволаш-профилактика тадбирлари ишлаб чиқаришда рўй берадыған захарланишларнинг олдини олишда мұхым ўрин тутади. Уларга, биринчи навбатда, ишчиларни тиббий күрикдан ўтказиши ва маҳсус овқатланишни ташкел этиш киради. Захарларнинг таъсир қилиш әжтимоли бұлған қатор корхоналарда ишчилар учун күшимишча ва маҳсус овқатланиш күзде тутилған.

Меҳнат шароити бўйича иш жойларини баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1993 йил 25 февралидаги 2/18 сонли қарори асосида амалга оширилади.

5.5. Чанг тутқичлар ва филтрларнинг ёнгин хавфсизлигига қўйиладиган талаблари

Чанг тутқичларнинг ёнгин хавфсизлигига нисбатан қўйиладиган асосий талаблар қўйидагилардан иборат:

- портлаш жиҳатидан хавфли чангни тутиб қоладиган камераларни бинодан ташқарига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир;
- ёнувчи ёки портлаш жиҳатидан хавфли чанг мавжуд бўлган ўтказгичлар ёнгин чиққандা ўз-ўзидан ёпиладиган клапанлар билан таъминланиши керак;
- ўт олган чангни тезда ўчириш учун камералар сув сепадиган мослама билан жиҳозланиши лозим.

Циклонлар каталог ва билдиригичлардаги тегишли жадваллардан фойдаланиб таъланади. Ёнгин хавфсизлиги талаблағига кўра циклонлар ёнмайдиган ашёлардан тайёрланиши зарур. Ҳавони портлаш жиҳатидан хавфли чангдан тозалайдиган циклонлар бинолардан камида 10 м масофада жойлаштирилади. Чанг кўлда олиб ташланадиган тўр филтрларнинг ёнгин хавфсизлигига нисбатан қўйиладиган талаблар чанг тутқич камераларники каби-дир.

VI боб. ШАМОЛЛАТИШ, ҲАВОНИ МЎТЬАДИЛЛАШ ВА ИСИТИШ

6.1. Ишлаб чиқариш хоналарини шамоллатиш

Шамоллатиш ишлаб чиқариш хоналаридаги ҳавони керагича алмаштиришни таъминлайди ва ишловчилар учун ҳамда технологик жараённинг бориши учун қулай шароит яратади, яъни технология ва санитария меъёрларида белгиланган ҳарорат намлик тартиби (режими) ҳосил бўлади, хонадан ортиқча иссиқлик намлик чиқиб кетади, шунингдек, хонада бошқа заҳарли ара-

лашмалар (чанг, газлар) микдори рухсат этилган қийматтагача камаяди. Ҳавонинг ҳаракатланиш усулига кўра табиий ва механик шамоллатишлар фарқланади. Табиий шамоллатишда хонага ҳаво табиий кучлар — гравитацион-иссиқлик ва шамол босими таъсирида киради ва чиқиб кетади. Гравитация — совуқ ва исиган ҳавонинг солиширма оғирликларидағи натижасига кўра юзага келувчи босим.

Бинонинг шамолга рӯпара томонидан таъсир қилганда юқори ортиқча босим, шамолга тескари томондан таъсир қилганда эса ҳавонинг паст босими (сийракланиши) юзага келади. Ортиқча босим (Па) ушбу формуладан аниқланади:

$$P = a \frac{V_{\text{ш}}^2 \cdot \rho}{2} \quad (6.1)$$

Бу ерда: a — аэродинамик коэффициент, у бинонинг ташқи түсиги ёnidаги ортиқча босим сийракланиши тўлиқ шамол босимининг қанча қисмини ташкил этишини кўрсатади,

$\frac{V_{\text{ш}}^2 \cdot \rho}{2}$ — шамолнинг тўлиқ динамик босими, у бинонинг шаклига боғлиқ бўлиб, тажриба йўли билан аниқланади ва билдиригич адабиётидан келтирилади, ρ — ҳавонинг зичлиги, $V_{\text{ш}}^2$ — шамолнинг тезлиги.

Ҳаво гирдобсимон (катта тезликда) ҳаракатланганда босимларнинг тақсимланиши бинонинг катта-кичиклилигига боғлиқ бўлмайди. Бу ҳол ҳар қандай шаклдаги бино учун аэродинамик коэффициентларни асл бинога ўхшатиб геометрик усулда ясалган намунада (моделда) аниқлашга имкон беради. Агар биргина хонанинг очиқ тешиклари яқинида ҳар хил босимлар юзага келса, у ҳолда шамол таъсирида хонада ҳаво алмашинуви (газ алмашинуви) юз беради.

Ҳавонинг филтрланиши деганда, асосан, дераза ва эшиклардаги тирқишлилар орқали ташқаридан ҳаво кириши натижасида тартибсиз равишда табиий ҳаво алмашинуви тушунилади. У ҳар хил ҳароратларда ҳавонинг зичлиги турлича бўлиши туфайли юз беради. Шамол бўлганда филтрланиш кучаяди. Шамол босимидан ва шахталар орқали бўладиган тортиш кучидан фойдаланиши учун шахталарга дефлекторлар деб аталадиган маҳсус шакли учликлар ўрнатилади. Дефлекторнинг ишлапи асбобга ҳаво

оқими тегиб ўтганда унинг сиртида сийракланиш ҳосил қила-диган шамол қувватидан фойдаланишга асосланган.

ЦАГИ дефлектори энг кўп тарқалган. Унинг катта-кичиклиги патрубокнинг диаметрига қараб танланади. Дефлекторлар ипак-чилик саноати корхоналарида қўлланилади (масалан, улар Марғилон шилла тортиш комбинатининг шилла тортиш цехида шамоллатиш системаси ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча сўрувчи тузилмалар сифатида ўрнатилган).

Механик усулда шамоллатишда ҳаво вентиляторлар ёрдамида киритилади ва чиқарилади. Шамоллатиш системалари вазифасига кўра янги ҳаво киригадиган ва эски ҳавони чиқарадиган турларга ажратилади. Улар ҳавони умумий тарзда алмаштириши мумкин. Киритадиган системалар хонага ташқаридан тоза ҳаво киритади, чиқарадиган системалар эса ифлосланган ҳавони хонадан чиқариб юборади. Киритиб-чиқарадиган система юқорида айтилган иkkala системаning биримасидан юқори бўлиб, бир ўзи икки вазифани бажаради, эски ҳавони чиқариб ўrniga янги ҳавони киритади.

Агар заарли ажралмалар манбалари тарқоқ жойлашган бўлиб, бутун хона ёки унинг бир қисми (иш минтақаси) шамоллатиладиган бўлса, бундай шамоллатиш умумий *шамоллатиш* дейилади. Ифлосланган ҳавони бевосита ускунанинг, яъни заҳарли ажралмалар манбайнинг ўзидан чиқариб юбориши ёки хонанинг қандайдир муайян қисмига янги ҳаво бериш *маҳаллий шамоллатиш* дейилиб, ҳаво тақсимлагичлар деб аталади. Уларнинг техник кўрсаткичлари 6.1-жадвалда келтирилган.

4.904-29 серияли ВДШ туридаги олти диффузорли, икки оқимли ҳаво тақсимлагичларнинг техник кўрчаткичлари.

6.1-жадвал

Ҳаводаги газ тақсимлагичлар

Тур ўлчами	Ўлчамлари, мм			F_m^2
	d_a	d	h	.
ВДШ-2	250	500	136	0,05
ВДШ-3	315	630	158	0,08
ВДШ-4	400	800	196	0,13
ВДШ-5	500	1000	222	0,2
ВДШ-6	630	1200	256	0,31
ВДШ-8	800	1600	299	0,5

Плафон бўғизининг юзини (m^2) F_{max} нинг қиймати билан чоклаш лозим:

$$F_{max} = 0,13X_n^2 \quad (6.2)$$

Бу ерда: X_n – плафоннинг чиқиши жойи текислигидан иш минтақасигача бўлган масофа, у одатда $X_n = 4m$ бўлади. Демак,

$$F_{max} = 0,21 m^2 \quad (6.3)$$

ВДШ плафонларининг 5 туридан фойдаланиш тавсия этилади. Иш минтақасида ҳавонинг ҳаракат тезлиги $0,3 m/s$ дан ош маслиги учун хона полининг $1m^2$ юзига ВДШ плафонлари орқали $60 m^3/\text{соатдан}$ ортиқ ҳаво бермаслиги зарур. $12 \times 18 m$.ли битта устунлар панжарасига тўғри келадиган полнинг юзи $216 m^2$ ни ташкил этади ва ҳавони алмаштирилишига қараб, бу майдонга $4+8$ та плафон тўғри келади $K_o=10-20$ ($1/\text{соатда}$). Битта панжара ҳажмига $2\ 6000 m^3/\text{соат}$, майдонга эса $3\ 250 m^3/\text{соатгача}$ ҳаво тўғри келади. Бунда ВДШ-5 нинг бўғзида ҳаво тезлиги ушбу қўрсаткични ташкил этади:

$$V_o = \frac{3250}{3600 \cdot 0,2} = 4,5 m/s \quad (6.4)$$

Ҳаво алмашинувининг бошқа шарт-шароитлари учун плафонлар танлашда ана шу тезликни кўзда тутиш даркор.

Тоза ҳаво тўрт бурчак шаклдаги ҳаво ўтказгичнинг пастки ёки ён деворларидаги эни $60-100 mm$.ли тўртбурчак тирқиши-мон тешиклар орқали $4-5 m/s$ билан кириши мумкин. Тешиклар бир-биридан $2-3 m$ оралиқда жойлаштирилади ҳамда оқимини керакли томонга йўналтириш учун тўсиқчалар ва куракчалар билан таъминланади.

Агар ишлатилган ҳавода заҳарли ва бактериал ифлосликлар бўлса, унинг ҳаммасини ташки тоза ҳаво билан алмаштириш зарур. Бундай шамоллатиш системасининг қўлланилишига ҳавоси заҳарли ва бактериал моддалар билан ифлосланадиган пилла тортиш цехини мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Бундай ифлосликлар учун рухсат этилган чанг тўйингланлигининг 30% га қадарини (йилнинг совуқ даврида) иссиқликни тежаш мақсадида бу ҳаводан қайта фойдаланиши мумкин. Бундай шамоллатиш системаси ҳаводан қайта фойдаланиладиган (рециркуляция) система деб юритилади. Мазкур система ипак йигириш корхоналарида қўлланилади. Бу ерда цехдан олинган ҳаво чангдан тозалангандан сўнг қайта фойдаланиши мумкин.

Маҳаллий сўриш системаси қатор қурилмалардан ташкил топган. Улар машиналарда ифлосланган ҳавони якка тартибда

сүриб оладиган тузилмага, сұрувчи ҳаво алмаштиргичларға ва марқаздан қочма вентиляторға зәға. Ушбу вентилятор ишлатылған ҳавони бино томидан чиқарылған сүриш қувури орқали чиқариб ташлайди.

Айрим фабрикаларда умумий сүриш қурилмаси цехниң шиппі остидан ёки чордоқдан үтказилувчи сұрувчи ҳаво үтказгичлар күринишида ишланади. Бундай сұрувчи қурилмаларда ўқли вентилятор ёки марқаздан қочма вентилятор күлланилмоқда. Уларни ўрнатыш учун цех оралиқлари плиталарида вентиляторнинг ўлчамларига (бириктириш патрубогининг диаметрига) мос тешик ҳосил қилинади. Мазкур вентиляторлар бевосита хонадаги ҳавони чиқариб ташлайди. Томга ўрнатылған катта босим ҳосил қилувчи марқаздан қочма вентиляторлар горизонтал сұрувчи ҳаво үтказгичлар мавжуд бўлганда кўлланилади. Томга ўрнатадиган вентиляторлар ёрдамида шамоллатиш умумий сүриш системаси ҳисобланади.

6.2. Авария ҳолатида цехни шамоллатиш

Доимо одамлар бўладиган, ҳалокат юз бергандан ташкентдан ёки технолого-гик жараён бузилганда тўсатдан кўп микдорда зарарли ёки заҳарли газ ва бувлар пайдо бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш хоналарига шамоллатиш қурилмалари ўрнатилади. Улар ҳалокат натижасида ёнувчи чанг, газ ва бувларнинг портлаш жиҳатдан хавфли концентрацияси юзага келиши мумкин бўлган хоналарда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам ўрнатилади. Ҳалокат шамоллатиш қурилмаси доимий шамоллатиш қурилмасига қўшимча қилинган ҳаво алмаштириш қурилмаси бўлиб, чанг ва бувлар тўйинганлигини рухсат этилган чекли тўйинганликка қадар ёки портлашнинг куйи чегарасидан кам микдоргача камайтиришга мўлжалланган.

Аварияда шамоллатиш қурилмасининг талаб этиладиган иш унумини аниқлаш учун етарли асослаб берилган дастлабки маълумотлар ҳозирча йўқ. Аммо шамоллатиш қурилмасининг иш унуми билан ажralиб чиқадиган заҳарли моддалар микдори, уларнинг жадал ажralиш вақти, авариядан сўнг ҳаво муҳитини меъёрига келтиришга кетадиган вақт ва турли даврлардаги заҳарли моддалар концентрацияси орасида муайян боғлиқлик маълум:

$$C = C_1 e^{-\frac{G}{V}} + \frac{B + G + G_0}{G} \left(1 - e^{-\frac{G}{V}} \right) \quad (6.5)$$

Бу ерда: С – заҳарли моддаларнинг жадал ажралиб чиқабошлигандан сўнг ажралиши тўхтагандан кейин орадан майлум вақт ўтгач хонадаги заҳарли моддалар концентрацияси г/м³; С₁ – хонадаги заҳарли моддаларнинг бошлангич концентрацияси, г/м³; с – натурал логарифм асоси e=2,718; В – ажралиб чиқаётган заҳарли моддалар миқдори, кг/соат; τ – вақт; G – хонада ҳаво алмашуви, м³/соат; V – хонанинг ҳажми, м³; С₀ – бериладиган ҳаводаги чангли ҳавонинг миқдори, г/м³.

Ажралиб чиқадиган заҳарли моддалар концентрацияси хона-нинг бутун ҳажми бўйлаб бир текис тақсимланганда гина бу формула ўринли бўлади. Ҳалокат юз берадиган пайтдан бошлаб, яъни хонадаги заҳарли моддаларнинг бошлангич концентрацияси ҳамда ана шу моддаларнинг кираётган тоза ҳаводаги концен-трацияси жуда кам ва нолга тенг бўлганда (6.5) формула куйидаги кўринишни олади:

$$C = \frac{B}{G} \cdot \left(1 - e^{-\frac{G}{V}} \right) \quad (6.6)$$

(6.6) формулага кўра, ҳалокат юз берган пайтдан бошлаб зарарли моддалар концентрацияси кўпайиб боради, хонада ҳаво алмашинуви ортиб бориши билан эса камайиб боради. Шундай қилиб, кўп ҳолларда ҳалокат бўлганда ҳаво алмашинуви ошириш йўли билан порглаш жиҳатидан хавфли миқдорда ёнувчи газ ёки ёнувчи чанг бўлишининг олдини олиш мумкин. Ҳалокат юз берганда заҳарли моддалар миқдорини камайтиришнинг энг самарали тадбири ана шу моддаларнинг ажралишини тўхта-тадиган курилмалар ўрнатишидир.

Ҳалокат бартараф этилиб, заҳарли моддалар чиқиши тўхтагандан сўнг шамоллатиш қурилмаси ишлаб турганида хонадаги зарарли моддалар концентрациясининг ўзгариши ушбу боғлиқ-лик орқали ифодаланиши мумкин:

$$C = C_1 \cdot e^{\frac{\tau G}{V}} \quad (6.7)$$

Бу ҳолда шамоллатиш қурилмасининг иш унуми оширилса, хонадаги муҳитни меъёрдаги ҳолатта келтиришга кетадиган вақт

анча қисқаради. Босим остида бўлган аппарат ва қувурларнинг зичлиги (герметиклиги) бузилганда хонага кирувчи газ ҳамда буғлар сарфини қўйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

а) оқиш тезлиги (кг/с) критик тезликдан кичик бўлганда:

$$G = F \sqrt{2} \cdot \frac{K}{K-1} P_1 \rho_1 \left[\left(\frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{2}{K}} - \left(\frac{\rho_2}{\rho_1} \right)^{\frac{K+1}{K}} \right] \quad (6.8)$$

б) оқишининг критик тартибида (кг/с):

$$G = F \sqrt{K \left(\frac{2}{K+1} \right)^{\frac{K+1}{K-1}} P_1 \cdot \rho_2} \quad (6.9)$$

Бу ерда: F – газ ёки буғ оқиб ўтадиган тешикнинг юзи, м^2 ; P_1 – аппарат ёки қувурдаги иш босими, Па; ρ – газларнинг зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; P_2 – ҳавонинг атмосфера босими, Па; K – адиабат кўрсаткичи (икки атомли газлар учун = 1,4, кўп атомли газлар учун = 1,3).

Газ ва буғларнинг критик оқиш тезлиги ушбу формуладан аниқланади:

$$V_{kp} = \sqrt{\frac{2 KRT}{K + 1}} \quad (6.10)$$

Бу ерда: R – газ ва буғларнинг газ доимийси; T – аппарат ёки қувурдаги мухитнинг мутлақ ҳарорати.

Оқиш тартиби (режими) ни аниқлаш учун газ ва буғларнинг чиқиши тезлиги қўйидаги формуладан топиллади:

$$V = \sqrt{2 \frac{K}{K-1} \cdot \frac{P_1}{P_2} \left[1 - \left(\frac{\rho_1}{\rho_2} \right)^{\frac{K-1}{K}} \right]} \quad (6.11)$$

Агар (6.10) формулада аниқланган тезлик критик тезликдан катта ёки унга teng бўлса, у ҳолда чиқадиган буғлар сарфи (6.11) формула билан аниқланади.

Авария ҳолатида ажralиб чиқадиган заҳарли моддалар миқдорини аниқлаш ҳозирча кўп ҳолларда қийин бўлганлигидан аварияда шамоллатиш қурилмасининг талаб этиладиган ҳаво алмаштириши тармоқ меъёрларида белгиланади. Мавжуд умумий қурилиш меъёрлари ва қоидаларга кўра, аварияда шамоллатиш

курилмаларини бир соатда хонанинг бутун ички ҳажмидағи ҳавони камида саккыз марта алмаштирадиган қилиб лойиҳалаш зарур. Бунда аварияда шамоллатиш қурилмасининг иш унуми доим ишлаб турадиган механик шамоллатиш қурилмасининг иш унумини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

Авария сұрувчи шамоллатиш қурилмаси үчүн портлаш жиһатдан хавфсиз, портлашдан ҳимояланған двигатели бўлган вентиляторлардан фойдаланиш тавсия этилади.

6.3. Ҳавони мұйтадиллаш

Ҳавони мұйтадиллаш системалари саноат корхоналарининг ҳарорати ва намлигини зарур даражада таъминлайди. Ҳавони мұйтадиллаш системаси ташқи ҳароратдан қатын назар, мұхиттінинг берилган параметрлари (ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тозалиги ва ҳаракат тезлигі)ни бир хилда сақлаб туради. Бунинг учун система ўз-ўзидан (автоматик) ростлаш аппаратлари билан таъминланади. Улар ёрдамида ҳаво шароити назорат қилинади ва кираёттан тоза ҳавога ишлов бериш жараёнлари ростланади. Ҳавони мұйтадиллаш системаларидағи асосий қысмет марказий намунавий кондиционердир. Үнда ҳаво турли хил ишловлардан ўтади. Кондиционерларни бутлаш талаб этиладиган ишлаб бериш жараённега боғлиқ. Кондиционер ичида сув ҳаво билан ўзаро таъсирлашғанда сувнинг адабатик булланиши (ҳаводаги иссиқлик микдори ўзгармас бўлганда) ёки политрик совиши натижасида ҳаво билан совуқ сув ўргасида иссиқлик алмашиниши туфайли ҳавонинг ҳарорати пасайиши мумкин.

Адабатик совиши жараённеда «кондиционер-фильтр-кондиционер»дан иборат ёпік циклда айланиб юрувчи сув қатнашади. Кондиционернинг ҳўллаш камерасида сувдан кўп марта фойдаланилганда сув бактериялар билан ифлосланади. Бунинг оқибатида микроблар тоза ҳавога ўтиб кетиши мумкин. Шу сабабли кондиционердан фойдаланаётганда сувини доим тозалаб туриш керак.

Политрик совишида ҳавога ишлов бериш мақсадида, охирги ҳарорати ишлов бериладиган ҳаво учун мұлжалланган ҳўл термометрнинг ҳароратидан паст бўлган совуқ сувдан фойдаланилади. Политрик совиши жараёни учун сувнинг асосий қисми маҳсус совиши қурилмаларида совитилади, баъзи ҳолларда кичикроқ қурилмалар учун табиий манбалардан олинган

сувдан, масалан, артезиан сувидан ҳамда тоғ дарёлари сувидан фойдаланиш мүмкін.

6.4. Ҳавони иситиши

Иситиши системалари қишда ҳаводан санитария мөйерлари доирасыда иситиши учун хизмат қылады. Иситиши системалари таркибига иситиши асбоблари, иссиқлик келадиган магистрал күвурлар, ростловчи, арматура, устунлар, бириктирувчи күвурлар, ҳаво тұплағищылар, қозон ёки иссиқлик алмаштырылған (иссиқлик таъминоти марказлашынан бўлганда), аралаштириш курилмалари ва церкуляция насослари киради. Иситиши системалари маҳаллий ва марказий бўлади. Иссиқлик бериш турига қараб бугли, иссиқ сувли, ҳаволи ва электр иситиши системалари фарқланади.

Бугли иситиши системаларида иссиқлик берувчи вазифасини иссиқ буғ ұтайди. Уларда иситиши асбобларининг ҳарорати юқори (150°C) бўлади, шу сабабли кам қўлланилади. А, В тоифадаги ишлаб чиқариш хоналарида бугли иситкичдан фойдаланишга рухсат этилмайди. Ҳаволи иситиши системаларида иссиқлик берувчи сифатида иситиладиган хоналар ҳароратидан юқори бўлган ҳароратгача иситилган ҳаводан фойдаланилади. Ҳаволи иситкичининг қисмларига калорифер – иссиқлик манбаи, вентилятор ва ҳаво тақсимлаш курилмалари киради. Ҳаво билан иситиши буғ ва сув билан иситишига нисбатан арzonроқقا тушади. У катта ҳажмли хоналар, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида қўлланилади.

Сувли иситкич энг кўп тарқалган, чунки у гигиена талабларни қаноатлантиради, шовқинсиз, тежамли ва фойдаланишга кулай, хонанинг исишини ташки ҳароратта қараб кенг доира-ларда ростлаб туришга имкон беради. Сув билан иситишида иситиши манбаи сифатида бошланғич ҳарорати 95 , 110°C ли сувдан фойдаланилади. У иситиши асбобидан 70°C ҳарорат билан чиқади. Сувли иситиши системалари вертикаль стояклари бўлган бир күвурли, икки күвурли, разводкаси горизонтал бир күвурли бўлади. Икки күвурли иситиши системасини қуриш учун бир күвурлига қараганда кўпроқ күвур ишлатилади. Лекин уларда иситиши учун иссиқлик камроқ сарфланади, чунки уларда иситиши асбоблари сиртининг ҳарорати бир күвурлиниги қараганда юқори-роқ, шу сабабли икки күвурли системалар кам қаватли биноларда қўлланилади. Сув билан иситишининг афзаллиги шундаки, у

гигиеник талабларни қаноатлантиради, бундай асбобларда иссиқликни рост slab туриш мүмкін, улар узоқ хизмат қылады (агар система ёзда ҳам ҳамиша совуқ сув билан тұлдириб турилса, у 20-25 йил хизмат қилиши мүмкін).

Нархининг нисбатан қымматлиги, иссиқ сув бұлмаганда музлаб қолиши әхтимоли сувли иситиш системасининг камчилигидир. Иситиш системасининг асосий қысмасы иситиш асбобларидир. Уларнинг иситувчи сирти ушбу формуладан аникланади:

$$F_{u.c.} = \frac{Q_{u.c.}}{K_{ub}(t_u - t_{xi})} \cdot \beta \quad (6.12)$$

Бу ерда: $Q_{u.c.}$ – иситиш системасининг иссиқлик күввати, Вт; K_{ub} – танланған асбобнинг иссиқлик бериш коэффициенти, Вт/(М²К⁰); t_u – иссиқ сувнинг ҳарорати; t_{xi} – хонанинг ичидаги ҳарорати; β – күвурларда сувнинг совишини ҳисоблау олувчи коэффициент.

Иситиш системасидеги сув сарфи күйидеги формула ёрдамыда ҳисобланади:

$$G = \frac{Q}{(t_y - t_x) \cdot C} \quad (6.13)$$

Бу ерда: t_y ва t_x – мос равища узатиладиган ва қайтадиган сувнинг ҳарорати, К⁰; С – сувнинг солишиерма иссиқлик сиғими, Дж/(кг К⁰).

6.5. Шамоллатиш, ҳавони мұтадиллаш ва иситиш тизимларининг ёнғинга қарши ҳимоялашының асосий жұналишлари

Шамоллатиш қурилмасини куриш ва ундан фойдаланыш қоидалари бузилғанда у портлаш ва ёнғин чиқиши ҳамда шундай қурилмаларнинг умумий тармоғи воситасида бирлашған бошқа хоналарға алғанга тарқалиши манбаға айланиши мүмкін. Сүрувчи шамоллатиш қурилмалари ёнғин ва портлаш жиҳатидан энг ҳавфли ҳисобланади, чунки уларнинг ҳаво ұтказғичларидан ёнувчи газлар, буғлар ҳамда чант билан ифлосланған ҳаво ҳаралатланади. Бу етарли күвватдаги иссиқлик манбаи мавжуд бүлгап портлаш содир бүлишига олиб келиши мүмкін. Күйида келтирілген ҳолатларнинг содир бүлиши сүрувчи шамоллатиш қурилмаларидан ёнғин чиқишига сабаб бўлади:

- вентиляторнинг электр двигателларидан учқун чиқиши ва қисқа туташув бўлиши;
- вентилятор роторининг куракчалари филофга урилганда ва вентилятор куракчаларига қаттиқ зарралар урилганда келиб чиқадиган учқун;
- ҳараркетланётган ҳаводаги моддалар ўзаро кимёвий таъсирлашганда чиқадиган иссиқлик қуввати;
- ҳаво ўтказгичларига ўтирган чанг ва моддаларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиши;
- статик электр;
- вентилятор ёки двигателлар подшипникларининг қизиши.

Кўп микдорда иссиқ чанг тўпланиши мумкин бўлган чанг ўтирадиган камералар ва бошқа курилмалари катта ҳавф туғдирди.

Тоза ҳаво киритадиган шамоллатиш курилмалари ёнгин жиҳатдан ҳавфсизроқдир, чунки уларда ҳаво алмашинганда ёнгин ва портлаш жиҳатдан ҳавфли аралашмалар ўз-ўзидан чиқиб кетади. Кираётган тоза ҳаводаги чанг ўтказгичларнинг ички сиртига ўтиради ва мабодо ёнгин чиқса, улар аланганинг атрофига тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Калориферлар устига ҳам чанг ўтиради. Уларнинг иш тартиби бузилганда бу чанг ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин. Ёнгин чиққандан ва авж олганда хонада статик босим кўтарилиб, ҳаво ўтказгичдаги тўлиқ ҳаво босими ҳам ошибб кетади. Демак, тоза ҳаво ўтказгичлар умумий шамоллатиш курилмаси воситасида бирлашган хоналарга ёнгиннинг тарқалиш йўлларидан бири эканлиги маълум бўлади.

Шамоллатиш курилмалари ва ҳавони мўътадиллаш система-ларининг ёнгин ҳамда портлаш жиҳатдан ҳавфсиз ишлашини таъминлаш учун «Ёнинга қарши талаблар», «Лойиҳалашнинг асосий қоидалари» ва «Лойиҳалаш меъёрлари»га мувофиқ ёнгиннинг олдини олишга доир кўрсатмаларга қаттий амал қилиши зарур. Талаб этиладиган ҳаво алмашинуви нотўри ҳисобланган шамоллатиш курилмалари самарасиз ишлапши мумкин, чунки бунда хонага чиқадиган заарли моддаларни тўлиқ чиқариб юбориш учун талаб этилганидан камроқ ҳаво берилади, ҳавони ифлослантирадиган ажралмалар хонада тўпланиб портлаш жиҳатдан ҳавфли аралашмаларни ҳосил қиласди. Ҳаво оли-надиган ва чиқариб юбориладиган жойларни нотўри танлаш ҳам худди шундай оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳаво оли-надиган ва чиқариб юбориладиган шахталар нотўри жойлашти-

рилганда, ифлосланган ҳаво тоза ҳаво кирадиган ўтказгичлар орқали яна хонага келиши мумкин, бу эса шамоллатиш самара-дорлигини пасайтиради.

Агар шамоллатиш қурилмасининг иш унуми кам, вентиляторни ҳаракатлантирадиган электр двигателининг куввати кичик бўлса, у ҳолда заарли аралашмаларнинг ҳаммаси ҳам хонадан чиқиб кетмайди. Уларнинг бир қисми хонада қолади ва вақт ўтган сайин кўпайиб, портлаш жиҳатдан хавфли аралашмалар ҳосил қиласди.

VII боб. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАГИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

7.1. Саноат сигналлари ва хавфсизликнинг техник асослари

Ускунга ва механизмларнинг ҳаракатланувчи қисмлари бир-бирига томон айланадиган валлар, тишли фиддираклар ишланмаси, ускуналар вертикал узатмалари ва қиркувчи қисмлар, қайтма-илгариланма ҳаракатланувчи қисмлар ва ҳоказолар ишловчиларнинг соғлиги ҳамда ҳаёти учун яширин хавф тудиради. Ускуналардан фойдалаништган хавфсизлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш учун хавфсизликнинг маҳсус техник воситалари қўлланилади. Уларга куйидагилар киради: ҳимояловчи ва тўсувчи тузилмалар, хавфсизлик масофалари ва ўлчамлари, хавфсизлик, ёргулик сигналлизацияси ва хавфсизлик белгилари, хавфли минтақалар, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш.

Агар технологик ва умумфабрика ускуналарининг барча ҳаракатланувчи қисмлари шикастланиш манбаи ҳамда инсон организми учун хавф манбаи бўлса, улар тўсиққа эга бўлиши керак. Ҳамма валларнинг чиқиб турадиган учлари, тишли шестерня, сегментлар, маховикли фиддираклар, тасмали, тишли ҳамда понасимон тасмали узатмалар, технологик ва умумфабрика ускуналарининг барча ҳаракатланувчи қисмлари тўсиб кўйилиши шарт. Ўрнатиладиган тўсиқлар фойдаланишга қулай бўлиши, айланувчи қисмлар билан қўзғалмас деталлар орасидаги тиркишларни беркитиб туриши ҳамда кийимни, қўл-оёқ ва

сочни ямлаб кетмайдиган тарзда, ишловчиларни шикастлаш эҳтимолининг олдини олиши керак.

Ишлаб чиқариш зарурияти туфайли технологик жараённи кўз билан кузатиб туриш, айни пайтда ишловчиларни отилаётган қириндилардан, тошларнинг майда бўлаклари ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ҳимоялаш учун тўсиқлар органик шиша, сталинит ва бошқа шаффоф ашёлардан тайёрланади. Тўсувчи тузилмалар асосан икки гурӯҳга: муваққат ва доимий тузилмаларга бўлинади. Муваққат (кўчма) тўсиқлар қурилиш-монтаж ва тузатиш ишларини бажаришда қўлланилади. Доимий (кўчмас) тўсиқлар технологик ва умумфабрика ускуналарининг хавфли жойларини тўсиб туриш учун хизмат қиласди. Уларга циркуляр, тебранма ва тасма арраларнинг, абразив доираларнинг, пилла тортиш ҳамда ипак йигириш машиналаридаги меҳаник узатмаларнинг ҳар хил тузилишдаги металл тўсиқлари мисол бўла олади.

Электр қурилмаларнинг ток ўтказувчи ҳамма қисмлари (магнитли туширгичлар, тақсимлаш шитлари, бошқариш тутмалири, калитлари) ҳам доимий тўсиқлар билан ҳимояланган бўлиши зарур. Тузилишига кўра, доимий тўсиқлар ускунанинг ажралмас қисми каби тайёрланади. Уларнинг ташқи сирти ускунанинг рангida, ички сирти эса тўсиқни олиб ёки очиб кўйиб ишлаш хавфли эканлигидан огоҳлантирувчи қизил рангга бўялади. Ҳамма тўсиқларнинг ташқи сирти силлиқ бўлиши ва уларда жароҳатланишга олиб келувчи ўткир қирралари бўлмаслиги керак. Баъзи ҳолларда тўсиқни иш ҳолатига ўрнатмасдан туриб ускунани ишга тушириш мумкин бўлмаслиги учун тўсиқлар ускунанинг ишга туширгичи билан блокировка қилинади.

Доимий тўсиқлар кўзғалмас (олинмайдиган) ва олинадиган бўлади. Олинадиган тўсиқлар ростлаш ҳамда мойлаш ишларини бажариш, шунингдек, вақти-вақтида кўздан кечириш учун ускунанинг ҳаракатланувчи қисмларига кўлни олиб бориш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Кўл ёки кийим ускунанинг ҳаракатланувчи қисмларига тушиб қолиши эҳтимоли бўлганда олинадиган, сурилма ва қайтарма тўсиқлар ишга тушириш ҳамда тўхтатиш механизми билан блокировкалганган бўлиши лозим.

Қайтарма, олинадиган ва сурилма тўсиқлар ўлчамлари ҳамда шакли жиҳатидан кулай ҳалқа ҳамда тутқичларга эга бўлиши ке-

рак. Ускуналардаги ҳаракатланувчи қисмларнинг ҳалқаларда ўрнатиладиган ва юқорига очиладиган тўсиқлари (қопқоқлар очиладиган тўсиқчалар, филофлар ва бошқ.) очилганда қимирлайдиган бўлиши зарур. Тўсиқнинг тузилишига нисбатан кўйиладиган мажбурий талаб шундан иборатки, ускунага хизмат кўрсатадиган киши тўсиқни ололмаслиги ва у бўлмаганда технологик жараённи амалга ошириш мумкин бўлмаслиги керак. Бир неча киши хизмат кўрсатадиган ёки анча узун бўлган машиналар, аппаратлар ва бошқа технологик ускуналарнинг ишга тушириш тузилмаси фақат бир жойда, бошқариш пултгидан бўлиши лозим. Ускуналарнинг заарали газлар, буслар ва чант чиқадиган жойлари ёпиқ бўлиши ва ҳавонинг тозалигини таъминлаши учун маҳаллий сўрувчи тузилмалар билан жиҳозланиши зарур. Технологик ва умумфабрика ускуналарининг куйдириши мумкин бўлган қайноқ сиртлари иссиқликни ўтказмайдиган қилиб ихоталаниши керак. Ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш постлари ва пултлари доимий иш ўрнидан кўпич билан 1-2 м нарида бўлиши лозим. Бошқариш тузилмалари (тугмалар, пишангли ва буралма дасталар, тешниклар ва ҳоказо), ускуналар ҳамда қувурларни очиқ иш механизмлари ва қиздириш элементларидан камида 200 мм масофада жойлаштириш керак.

Технологик ва умумфабрика ускуналари ишини блокировкалашдан мақсад улардан хавфсиз фойдаланиш имконини янада оширишдан иборат.

Блокировкалаш тузилмалари қўйидаги мақсадларга хизмат қиласди:

- технологик жараён ва умумфабрика ускуналарини нотуғри бошқаришга барҳам бериш;
- хавф пайдо бўлганда ишлаётган ускунани дарҳол тўхташиб;
- айрим механизм ва деталларнинг хавфли минтақадан ташқарида ҳаракатланишига имконият яратиш учун.

Меъёрдаги иш шароитининг бузилиши, айрим механизмларнинг ишламай қолиши оқибатида мазкур курилмага хизмат кўрсатадиган киши саломатлигига путур етиши мумкин

Блокировкалаш учун кўпинча ҳар хил релелардан фойдаланилади, улар агрегат ёки технологик жараённинг айрим параметрлари ёки йўналиши ўзгарганини сезиб, ижрочи тузилмага тегишлича таъсир кўрсатади, у эса электр токи, суюқ ёки газсимон муҳит таъсирида ишлаб кетади. Реленинг ишлап тарти-

бини у қабул қиласидан параметрнинг тури (куч, ёруғлик, босим, кучланиш, намлик ва ҳ.к.) ҳамда ёрдамчи қувватнинг хили (механик, электр, гидравлик ёки пневматик) белгилайди. Ҳозирда лампалар ёки ярим ўтказгичлар асосида йигилган кучайтиргичлардан иборат бўлган электрон релелар кенг кўлланимлашади.

Блокировкаловчи тузилма ҳимоя тузилмасидан фарқ қилиб, унинг вазифаси хавфли мингақанинг тўсиғи олингандан ёки очилгандан ускунанинг оператив занжирини ўчириб ва узуб қўйишдан, иш бошланишидан олдин уни ёпишдан ҳамда тўсиқни ёпилган ҳолатда тутиб туришдан иборат. Чеклагичлардан ишлаб чиқаришда шикастланишлар, ускуналарнинг синиши ва хавфли тарзда ишлашининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Сақловчи тузилмалар ўз-ўзидан ишлаб ускунани тўхтатади ва бу билан унинг синиши ҳамда ишдан чиқишининг олдини олади. Ускунанинг ишлаш хусусиятини тиклаш усулига қараб улар икки гурӯҳга ажралади:

- назорат қилинаётган параметр меъёридаги қийматга етганидан сўнг ускунанинг ишлаш хусусияти ўз-ўзидан тикланадиган тузилмалар;
- сақловчи тузилманинг ишдан чиқсан деталлари (эрувчан куйилмалари)ни қўлда алмаштириш йўли билан тикланадиган тузилмалар.

Тиклашнинг олдини олиш мақсадида, атмосфера босимидан юқори босим остида ишлайдиган аппаратлар, баллонлар, кувурлар ва идишлар ўз-ўзидан (автоматик) ишлаб кетадиган сақловчи клапанлар (ёки сақловчи пластиналар) билан жиҳозланади. Аппаратда босим қўтарилиганда сақловчи клапанлар очилиб (узилиб) ортиқча буғ ёки газни чиқарип юборади ва рухсат этилган босим юзага келгандан кейин ўз-ўзидан ёпилади. Электр қурилмаларида ток кучи ошиб кетганда уларда ўта юқланиш ёки қисқа туташув ва ёнғин содир бўлишиб мумкин. Бу ҳолда эрувчан сақлагичлар ёки узуб қўювчи автоматлар ўрнатилади. Блокировка системалари ва сақловчи тузилмалар товуш ҳамда ёруғлик сигнализацияси билан биргаликда қўлланилади.

Ишловчиларни хавф тўғрисида огоҳлантириш учун хавфсизлик сигнализацияси ўрнатилади. Бу мақсадда ёруғлик ранг ва товуш сигналлари, ҳар хил шартли белгилардан ҳамда босимни,

хароратни, суюқлик сатхини күрсаткичлар ва шу каби тузилмалардан фойдаланилади.

Хавфсизлик масофалари ва ўлчамлари. Технологик ускуналарга хизмат күрсатишида мөхнат хавфсизлигини таъминлаш, фалокатлар олдини олиш, бино ҳамда иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш учун машиналар билан тузилмалар, хавфсизлик масофалари ва ўлчамлари деганда, ускуналар ёки обьектлар ўргасидаги рухсат этилган энг кичик масофалар тушиунилади. Бу масофалар қисқартирилганда шикастланиш хавфи пайдо бўлади.

Асбобларнинг энг кўп чиқиб турадиган қисмлари, ускуналар билан деворлар, устунлар орасидаги масофалар одамлар, моддий бойликларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, технологик ускуналарга хизмат күрсатиш қулай бўлишини таъминлаш учун қолдирилади. Бу ускуналарнинг турига, оралиқ масофаларда иш ўринлари, ёрдамчи тизимлар, одамлар юрадиган йўлаклар, цехнинг ички транспорти қатнайдиган йўлларнинг бор-йўқлигига боғлиқ. Супачалар ва кўчма зиналар (нарвонлар) ГОСТга мос бўлиши лозим. Коммуникациялардан ўтиш жойларида хавфсиз йўлаклар ёки ўтиш кўприкчалари қурилиши зарур.

7.2. Рангли сигналлар ва хавфсизлик белгилари

Корхоналарда фалокатлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида рангли плакатлар ҳамда хавфсизлик белгиларидан фойдаланиш мөхнат хавфсизлиги нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Рангли сигналлар ва хавфсизлик белгилари ишловчиларнинг дикқат-эътиборини бевосита хавфга жалб этишга, мумкин бўлган хавфдан огоҳлантиришга, хавфсизликни таъминлаш мақсадида муайян ишларни бажариш учун кўрсатмалар бериш ва рухсат этишга, шунингдек, ахборот беришга мўлжалланган.

Хавфсизлик белгилари корхоналар, қурилиш майдонлари нинг ҳудудлари, ишлаб чиқариш хоналари, иш ўринлари ва ишлаб чиқариш ускуналарига ўрнатилиши керак. «Рангли сигнал ва хавфсизлик белгилари»га мувофиқ рангли сигналлар ҳамда хавфсизлик бегиларининг тўрт тури – қизил, сарик, яшил, кўк белгиланган.

Қизил – тақиқлаш, бевосита хавф, ёнғинга қарши техника-нинг белгиланиши.

Сарық – огоҳлантириш, мумкин бўлган хавф белгиси.

Яшил – хавфсизлик, «шу ердан чиқилсин» белгиси.

Кўк – кўрсатма, ёнгин хавфсизлиги белгилари, ахборот.

Корхона ҳудуди ишлаб чиқариш хоналари ва иш ўринларида хавфсизлик белгиларини ўрнатиш жойлари, улар ўлчамлари-нинг тартиб рақамини, шунингдек, хавфсизлик белгиларига доир тушунтириш ёзувларини кўллаш тартибини корхона маъмурияти касаба уюшмаси кўмитаси ва тегишли давлат назорат ташкилотлари билан келишган ҳолда белгилайди.

Хавфли минтақа деб, ишлаётган ускуналар ва ҳаракатланувчи узел ҳамда деталлар ёки иш асбоби ҳаракатининг чекка нуқталари яқинидаги бўшлиққа айтилади. Хавфли минтақа ишлов берилаётган ашёлардан отилиб чиқаётган майда заралар-нинг ускуналардаги ёмон маҳкамланган ёки синган деталлар-нинг отилиб бориши масофаси, шунингдек, иш ўрнида тўпланган буғлар, газлар ва чант миқдори билан белгиланиши мумкин. Ишловчилар хавф-хатардан ҳоли бўлиш учун жомакор, сочни яхши беркитиб турадиган бош кийим билан таъминланишлари керак.

Тўғри лойиҳаланган ва замонавий ускуналардан кўл-оёқ ҳамда кийимнинг хавфли минтақаларга тушиб қолиши эҳтимоли бўлмайди. Ускуналарда фойдаланишдаги хавфсизликни ошириш мақсадида маҳсус сақловчи тузилмалар кўлланилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш саноатимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Унинг вазифаси меҳнат унумдорлигини оширишдан, ишлаб чиқариш технологик жараёни такомиллашувини ва ишлаб чиқаришининг яхши ташкил қилинишини таъминлашдан иборат.

Корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг қаттиқ чарчаши ва зўриқишига барҳам берадиган кулай меҳнат шароитини яратиш учун оғир ҳамда сермеҳнат ишлар механизациялаштиришиши ва ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилиши зарур. Сер-меҳнат (иш) жараёнлари механизациялаштирилганда маҳсулот миқдори ортиб, ишлаб чиқаришда шикастланишлар сони кескин камаяди.

Корхоналарда жорий этиладиган механизациялаштириш во-ситалари ташиш ишларини бажаришни тезлаштиради, аммо улар доимий кузатув остида ва бевосита инсон иштироки билан

ишилайди. Республика мизда ишилаб чиқаришни автоматлаштириш көнт доира да амалга оширилмоқда, бу эса технологик, транспорт ва бошқа ишилаб чиқариш ишиларидар, инсоннинг иштирокисиз бажариладиган жойларда меҳнатни енгиллаштирумокда, меҳнат шароитини яхшиламоқда. Бунда ишчи машина ва механизмлар ишини назорат қиласи ҳамда хавфсиз масофада туради. Энг муҳими – шикастланиш хавфи барҳам топади.

7.3. Жароҳатловчи омиллар ва хавфли зоналар

Ишилаб чиқаришда жароҳатланиш ҳодисалари машина ва дастгоҳларнинг ҳаракатланувчи қисмлари, қайишлар, барабанлар, шкивлар, шнеклар, тишли иш шестернялари ва бошқалар, иссиқ юзалар, электр токидан фойдаланиладиган заҳарли кимёвий моддалар, матоларни пардозлашда ишлатилиладиган кислота, ишқор ва бошқа ўювчи моддаларнинг бехосдан тушиб кетиши иш жойларидаги түсиксиз ишилаш туфайли содир булиши мумкин.

Инсон ҳаётига ёки соғлигига доимий ёки вақти-вақти билан хавф түғдирувчи жой хавфли зона деб аталади. Саноат корхоналаридаги машина ва дастгоҳларнинг ҳар қандай айланувчи қисми хавфлидир/Масалан: тўқимачилик корхоналарининг барча машиналари тез айланувчи қисмларга эга, горизонтал тўкувчи машинанинг пичоқли барабани 450-700 айл/мин., саваш машинасининг қабул қилювчи барабани 900-1200 айл/мин., бош барабан эса 200-400 айл/мин. тезликка эга бўлиб, чизиқли тезлиги 800-1600 айл/мин.ни ташкил қиласи.

7.4. Эргономика элементлари ва иш жойларини ташкил қилиш

Эргономика инсоннинг иш жараёнидаги ҳаракатидир. Эргономика ишилаб чиқариш жараёнидаги ишчининг чарчамасдан, меҳнат қобилияти пасаймаган ва соғлигини йўқотмаган ҳолда энг юқори иш унумдорлигига эришишда функционал имкониятларини ўрганувчи фандир. У назарий фан бўлиб, физиология, психология, антропометрия, меҳнат гигиенаси ва инсоннинг иш фаолиятигини комплекс равишда қамраб олади.

Кулай иш зонасини ташлаш. Ҳозирги пайтда янги технологик жараён, кичик корхоналарнинг янги машина ва ускуналари, албатта, ГОСТ маҳсулот сифатига биноан бўлиши, эргономик

кўрсаттичлар бўйича белгиланган талабларга жавоб берishi керак.

Иш жойида жиҳоз ва ускуналарнинг нотўғри жойлаштирилиши, уларнинг шакли, рангининг нотўғри танланиши ишчини чарчатади, тўғри жойлаштирилганда эса аксинча, иш унумдорлигини оширади. Ускуналар шундай жойлаштирилиши лозимки, ишчи улардан ортиқча ҳаракатсиз, ўзини зўриқтирмасдан осонлик билан фойдалансин. Иш жойининг баландлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Одатда у 1000-1600 мм оралиқда бўлгани мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, кўзнинг имконият доирасини ҳам ҳисобга олиш керак. Горизонтал бўйича кўриш бурчаклари қўйидагича:

18° — кўзнинг иш жойида оний кўриш бурчаги;

30° — кўзнинг иш жойида самарали кўриш;

120° — кўзнинг бош қўмирлатмай кўриш;

220° — кўзнинг бош бурганда кўриш бурчаги.

Вертикал бўйича кўриш бурчаги 55-60°ни, пастни кўриш бурчаги эса 70-75°ни ташкил қиласди. Бунда ҳам самарали кўриш бурчаги эса 30-40°ни ташкил қиласди.

7.5. Ортиш-тушириш ишларида хавфсизлик тадбирлари

Саноат корхоналарида ортиш-тушириш ва кўтариш-ташиш ишлари технологик жараённинг бир қисми ҳисобланади. Бу юмушнинг енгиллашуви ва меҳнат хавфсизлиги юкларни ортиш, тушириш ва ташиш ишларининг кенг кўламда механизациялантирилишига боғлиқ. Юкларни ортиш, тушириш, тахлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ ҳамма ишлар Мехнат ҳақидаги Конунлар асосида «Ортиш, тушириш ишлари. Хавфсизликнинг умумий талаблари»га мувофиқ белгилаб қўйилган.

Ортиш-тушириш ишлари кўтариш-ташиш тузилмадаридан фойдаланиб бажариладиган бўлса, корхона маъмурияти ишларнинг хавфсиз амалга оширилишига жавобгар шахсни тайинлайди. Бу шахс юкни ортиш-тушириш ва ташиш воситалари ҳамда усулларнинг тўғри танланишини кузатиб туриши лозим. Бу ишлар тажрибали ходим раҳбарлигига олиб борилади. Бундай шахслар хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларидан имтиҳон топшириши керак. Юк кўтариш кранларидан фойдаланилганда эса бу имтиҳон «Ўздавконтехназорат»

ташкылтлари вакили иштирокида үтказилиши зарур. Имтихондан үтгандарга маҳсус гувоҳнома берилади.

Иш юритувчи (бригадир) юклар тушириладиган майдончани тайёрлайди, юкларни ортиш-тушириш ҳамда тахлаш тартиби ва усулларини аниқлайди, ишларни амалга ошириш технологияси ҳамда хавфсизлик йўллари талабларини бажариш, бу юмушларни хавфсиз амалга ошириш усуллари юзасидан йўл-йўриқ беради, иш ӯринларини соз ҳолатдаги мослама, механизм ва кранлар билан таъминлайди. Ортиш-тушириш ишлари механизацияштирилган усулда, яъни туширгичлар ёрдамида, ишлар ҳажми кичик бўлганида эса кичик механизация воситалари ёрдамида амалга оширилади. 20 кг.дан оғир юклар учун, шунингдек, юкларни 3 м дан баландга кўтаришга ортиш-тушириш ишлари механизацияштирилган усулда амалга оширилади. 500 кг.дан оғир юкларни кранлар билан ортиш-туширишга руҳсат этилади.

Юкларни горизонтал йўналишда ташици ва ортиш учун полда юрадиган транспортдан фойдаланилади. Бундай транспорт асосан, юкларни технологик жараён бошланадиган жойга ва тайёр бўлган маҳсулотни омборхонага ташиб келтиришга имкон беради. Юк кўтариш машиналарининг мустаҳкамлигини текшириш мақсадида улар уч йилда бир марта статик ва динамик синовлардан үтказилади. Кранлар статик юк билан синалади. Юкнинг оғирлиги краннинг энг кўп юк кўтариш имкониятидан 25% зиёд бўлади. Кўтариш механизмидаги тузилманинг мустаҳкамлиги, тормозларнинг созлиги ва машинанинг қўллашга турғунлиги текширилади. Синов юки, юк қамраш тузилмаси ёрдамида 200-300 см баландликка кўтарилиб, шу ҳолатда 10 мин. турилади, сўнг кран ёки кўприкда қолдиқ деформациянинг йўқлиги аниқланади.

Статик синовлар муваффақиятли үтса, динамик синовлар үтказилади. Юкнинг оғирлиги юк кўтариш машинасининг юкланишидан 10% ортиқ бўлади. Синов юкни тақрор-тақрор кўтариб тушишдан иборатdir. Натижалар иш дафтарига ёзил кўйилади. Олинадиган юк қамраш мосламалари (арқон, занжир, траверсалар) уларнинг иш юкланишидан 1,25 баравар оғир юк билан синалади.

Кўтарилашак юкни тўғри маҳкамлаш ортиш-тушириш ишларининг хавфсиз бажарилишида катта аҳамиятга эга. Агар юкни кўчириши вақтида занжир ва арқонларнинг ўз-ўзидан ечилиб ёки силжиб кетиш эҳтимоли бўлса, юк тушиб кетиши, кўнгилсиз

ходиса юз бериши мумкин. Ишләёттанды фалокат ва шикастланыштар бүлмаслиги учун барча юк күтариш машиналари сақловчи ҳамда блокировкалар тузилмалар билан ускуналанды. Уларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- күтариш механизми 10% дан зиёд юкланданда двигателларни ўз-ўзидан ўчириб қўядиган тузилма (юк күтариш имкониятини чеклагач). Бу ўта юкланишга йўл кўймайдиган тузилмадир. Агар юкланиш меъёридан ошиб кетса, трос пружинани сикади ва кўтариш механизмларини юргизувчи узиб-улагич (выключатель) билан боғланган роликни силжитади;

- охиригина узиб-улагичлар. Улар кранларнинг двигателини ўз-ўзидан ўчириш, осма кран йўлларида ҳаракатланишини чеклаш, металл кесиш, дастгоҳлар суппортини ҳаракатдан тўхтатиш, турли дастгоҳлар иш столининг ҳаракатини ўзгартириш, чала маҳсулотларнинг бункерлар тузилмаларга узатилишини чеклаш учун хизмат қиласди.

Кранларга уларнинг юк кўтариш имкониятини кўрсатувчи белгилар ўрнатилади. Сигнал асблори (кўнгироқ, гудок, сирена) машинадан ҳаракат оладиган кўчма кранлар кабинасидан ташқарига ўрнатилади. Барча юк кўтариш машиналарида уларнинг энг кўп юкланиши, қайд қилинган тартиб рақами ва навбатдаги синовдан ўтказилган куни кўрсатилган бўлиши керак.

7.6. Юк кўтариш ва ташинишларини ташкил қилиш

Полда юрадиган транспортни хавфсиз ишлатишдаги асосий талаблар. Саноат корхоналарида оғир ҳамда сермашаққат ишларни комплекс механизацияштириш турли машина ва механизmlар (N , 0-1,5 т юк кўтара оладиган электр кўпrik кранлар ҳамда юк кўтариш лифтлари), осма юк кўтариш механизmlари (блоклар, кўлда ишлатиладиган таллар ва механик юритмали электр таллар) ва шу кабилар ёрдамида амалга оширилади.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун барча механизmlарнинг кўтариш тизимлари, «Ўсаноатконтехназорат» ташкилоти тасдиқлаган лифтларни қуриш ва хавфсиз ишлатиш қоидаларига мувофиқ ҳар бир кўтариш тузилмаси ўз паспортига эга бўлиши, унда тузилманинг тавсифи (тури, қанча юк кўтара олиши, ҳаракат тезлиги ва ҳоказо) кўрсатилиши лозим. Бундан ташқари, тузилмаларда ўтказилган тузатиш ишлари ёзib бориладиган дафтар ҳамда рухсат этилган чекли иш юкланиши ҳамда

шавбатдаги синов ва «Уздавтотехназорат»га тақдим қилиш муддатини күрсатувчи үчіб кетмайдыган ёзув бўлиши зарур.

Юк кўтариш механизмларининг соз ҳолатда сақланишига ва улардан хавфсиз фойдаланишга жавобгарлик ана шу механизмлар ишлатиладиган корхона бўлинмаси ёки цехнинг муҳандистехник ходими зиммасига юклатилади. Бу ходим маҳсус буйруқ билан тайинланади. Юк кўтариш механизмларидан хавфсиз фойдаланиш учун, айниқса, уларнинг таянч қисмлари, арқон, трос, илгак ва бошқа қисмлари каттароқ мустаҳкам захира билан тайёрланади. Механизм ва тузилмаларда уларнинг имкониятидан оғирроқ юкларни, одамлар ҳамда бегона юкларни кўтариш, носоз юк кўтариш механизмлари ва тузилмаларидан фойдаланиш ман этилади. Ёши 18 дан кичик бўлмаган, ўқиган, йўл-йўриқ олган ва малака синовидан (аттестациядан) ўтган, шунингдек, тегишли гувоҳномаси бўлган кишиларга юк кўтариш тузилмалари ҳамда механизмларида ишлашга рухсат этилади.

Юк кўтариш ва ташиш воситаларини хавфсиз ишлатишга кўйиладиган асосий талаблар кўйидагилардан иборат: ҳамма айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлари ҳамда механизмлари ишончли тўсиқча эга бўлиши, сигнализацияси, блокировкали тормозлари ишончли ишлаши керак. Орқага юриб кетмаслиги учун траспортёр ва конвейерларда соз тормозлар бўлиши лозим. Омборхоналар ва айрим цехлардаги конвейерларнинг энг хавфсиз ҳаракат тезлиги 0,2 м/с.дан ошмаслиги зарур. Тезликни чеклаб туриш учун траспортёр ва конвейерлар тезликни чеклагичлар билан таъминланиши даркор.

Осма ташиш тузилмалари (электр релслар, осма электр шатакчилар), тортгичлар (электр поездлар, ролланглар, тасмали транспортёrlар ва б.), одатда, иш ўринлари ҳамда йўлаклар тепасида жойлаштирилмаслиги керак, ишлаб чиқариш шароити талаб этган ҳоллар бундан мустаснодир. Ишлаб чиқариш шароитига кўра, улар ишончли ҳимоя воситалари ёрдамида ўрнатилиши, тушиб кетган юкни тутиб қола оладиган даражада мустаҳкам бўлиши керак. Юкларни одамлар тепасидан ҳамда тушиб кетса порглаш, ёнгин ва бошқа хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган жойлар устидан олиб ўтилишига рухсат этилмайди.

Ерда юрадиган транспортни (автоюоклагичлар, электр аравачалар, электр каралар ва қўл аравачаларни) хавфсиз ишлатиш-

нинг асосий талабларига ташиш вақтида юкни тұғри жойлаштырыш ва маңкамлаш, ҳаракатнинг чекли тезликларига амал қилиш кабилар киради.

7.7. Босим билан ишлайдиган курилмаларни хавфсиз ишлатиш

Хозирги замон техникасида саноат корхоналарида зич беркиладиган системалар көнг құлланилади. Уларнинг ичидә суюқлик ва сиқиған газлар босим остида сакланылади. Бу системалар хавф манбаи бұлыб ҳисобланади, шу сабабли уларни лойи-халаш, тайёрлаш, ишлатиш ва улардан фойдаланиш өнімдегі белгиланған қоида ҳамда мөндерларга қатый амал қилинади. Уларни тайёрлашда мөндерлар ва қоидаларда күзде тутилған талабларға жағоб берадиган ашёлар ҳамда танаворлар (заготовкалар) ишлатылади. Саноат корхоналари шундай ускуналар билан жиҳозланғанки, технологик жараёнларда ускуналар курилмаларидан келувчи буғ ёки қайноқ сув көнг күламда құлланилади. Босим билан ишлайдиган аппарат ва идишлар жумласига буғ қозонлари, буғ қабул қылғычлар, буғ ва қайноқ сув кувурлари, сиқиған ҳамда суюлтирилған газлар сақланадиган ва ташиладиган баллон ҳамда цистерналар киради. Улардан хавфсиз фойдаланишга захира коэффициенті катта бўлган энг мақбул курилмаларга назорат-ўлтчаш асбоблари ўрнатиш йўли билан эришилади.

Бундай ускуналарнинг ишдан чиқиши ва портлашига механик мустаҳкамларининг йўқолиши, босимнинг чекланған босимдан ошиб кетиши, беркитувчи арматуранинг йўқлиги ёки бузилиши, зичларининг бузилиши, ишлатилаётганда белгиланған тартибга риоя қиласылар, тегишлича назоратнинг олиб борильмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Босим билан ишлайдиган идишларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига амал қилиш зарур.

Қоидаларда идишлар тузилишининг тұғри бўлиши, уларнинг тұғри ўрнатилиши, ашёларнинг мос таңланиши ва мустаҳкам бўлишига идишларни тайёрловчи ҳамда ўрнатувчи ташкилот жағобгар бўлиши күзде тутилған. Босим билан ишлайдиган идишларни кувурлардан узиб қўйиш учун улар беркитувчи арматура (вентилятор, жўмраклар, суримла қопқоқлар) билан, сақловчи тузилмалар, муҳит ҳарорати ва босимини ўлчовчи асбоблар, суюқлик миқдорини (сатҳини) кўрсаткич билан

тъминланган бўлиши керак. Ҳар бир идишда ундаги муҳитнинг камини тўлдириш, шунингдек, конденсатни чиқариб юбориш учун маҳсус тузилмалар кўзда тутилган бўлиши лозим. Берки-тувчи арматура идишга буг, газ ёки суюқлик келадиган ва ундан кетадиган қувурлар ўрнатилиш даркор. Беркитувчи арматурани идиш билан сақловчи клапан орасига ўрнатиш таъкиданади.

Сақловчи клапанлар идишдаги босим рухсат этилганидан ошиб кетганида ортиқча буг, газ ёки суюқликни ташқарига чиқариб юбориш учун мўлжалланган. Сақловчи клапан хизмат кўрсатувчи ходимга клапанга тушадиган юкланишни оширишга имкон бермайдиган тузилма билан, шунингдек, ҳаво билан то-залаш тузилмаси билан тъминланган бўлиши керак. Босим бел-гиланган қийматдан ошиб кетганидан пружина ёки юкнинг ку-чи етарли бўлмай қолади, натижада клапан уясидаги тешик очилади ва газ идишдан чиқиб кетади.

Сақловчи клапанлар сони, ўлчамлари ва ўтказиш имконияти шундай ҳисоб билан танланади, идишдаги босим 300 кПа.га-ча босимли идишлар учун иш босимидан 50 кПа.дан ортиқ, 300-600 кПа босимли идишлар учун эса 15% дан ошиб кетмас-лиги керак.

Сақловчи клапанларнинг ўтказиш имконияти ушбу формула-дан аниқланади:

$$G = 1,59\alpha \cdot F \cdot B \sqrt{(P_1 - P_2) \cdot \rho \cdot t_1}. \quad (7.1)$$

Бу ерда: α – клапаннинг газ сарфлаш коэффициенти (кла-паннинг паспортида кўрсатилади); F – клапан кесимининг юзи; B – суюқлик учун коэффициент $B=1$; P_1 – клапандан олдинги ортиқча босим; P_2 – клапандан кейинги ортиқча босим; ρ – муҳитнинг зичлиги; t_1 – клапандан олдин муҳитнинг ҳарорати.

Ортиқча босимни аниқлаш учун манометрлар ўрнатилади. Улар уч хил бўлади: иш, назорат ва намуна манометрлар. Мано-метрлар иш шароитида босимни ўлчаш, назорат манометрлари иш манометрларини текшириш, намуна хили эса манометрларни лабораторияда текшириш учун ишлатилади. Манометрларнинг аниқлик синфи сон билан белгиланади ва циферблатида кўрсатилади. Иш манометрларининг аниқлик синфи қўйидагича бўлади: 0,5; 1; 1,5; 2,5; 4. Идишлардаги босимни ўлчайдиган ма-нометрлар иш босимига мослаб танланиши ва аниқлик синфи 2,5 дан паст бўлмаслиги керак. Унинг шкаласида идишдаги рух-

сат этилган иш босимини кўрсатувчи қизил чизикча бўлиши лозим.

Кўйидаги ҳолларда, яъни манометрда тамға бўлиб, уни текшириш муддати ўтиб кетса, агар манометр ўчирилганда унинг мили шкаланинг нолинчи бўлинмасига қайтмаси, ойнаси синган ёки бошқа жиддий нуқсонлари бўлса манометрдан фойдаланиш мумкин эмас. Манометрлар камида йилига бир марта текширилиб турилиши зарур. Текшириш чоғида улар тамғаланади. Корхонада узоги билан олти ойда бир марта манометрларни назорат манометри ёрдамида қўшимча текширилиб, натижалари назорат-текширув дафтарига ёзиб қўйилиши керак.

7.8. Қозонхона, буғ ва қайноқ сув қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари

Қозонхона қурилмалари корхоналарни технологик эҳтиёж ва иситиш учун зарур бўлган буғ ҳамда иссиқ сув билан таъминлайди. Босим 70 кПа ва ундан юқори бўлган буғ қозонлари ҳамда сувни 115°C дан юқори ҳарораттacha иситадиган қозонлар бўлади. Буғ ишлаб чиқарадиган қозонлар ва ана шу буғни ишлатадиган аппаратлар ёпиқ система ичидаги босим билан ишлайди. Бундай системада ишлаш ишловчида хавфсизлик қоидаларини қатъий бажаришни талаб қиласди. Буғ қозонларидан эҳтиёtsизлик билан фойдаланиш оғир фалокатга – қозоннинг портлашига олиб келади. Портлаш содир бўлганда қисқа вақт ичидагина қувват (потенциал қувват) йўқотилади.

Газ адиабатик кенгайгандаги рўй берадиган портлашнинг иши ушбу формуладан аниқланади:

$$A = \frac{P_1 - V}{n-1} \left[1 - \left(\frac{P_2}{P_1} \right) \frac{n-1}{n} \right] \quad (7.2)$$

Бу ерда: V – газнинг бошлангич ҳажми, m^3 ; P_1 ва P_2 – ичидаги бошлангич ҳамда охирги босимлар, Pa ; n – адиабат кўрсаткич (ҳаво учун $n=1,41$).

Статистик маълумотлар асосида, қозон деворлари бутунлигининг бузилишига олиб келадиган деворлар ашёси зўриқишининг қўйидаги асосий сабаблари аниқланган:

- қозонда сув камайиши натижасида деворларнинг ўта қизиши;

- ашёнинг мос эмаслиги, тузилишидаги камчиликлар, қозоннинг сифатсиз тайёрланиши;
- металлининг ўйилиши оқибатида қозон девори айрим жойларининг бўшашиб қолиши, ҳаддан ташқари кўп тош (накип) ҳосил бўлиши ва кирланиши натижасида қозон деворларининг ортиқча қизиши;
- сакловчи клапан бўлиши, хизмат кўрсатувчи кишиларнинг эътиборсизлиги туфайли босимнинг ҳаддан зиёд ошиб кетиши;
- ўтхоналарда газларнинг портлаши.

Мана шу сабаблар ўз вақтида бартараф этилса, қозонлар портламайди. Сув босими ва ҳароратни назорат қилиб туриш учун сув иситиш қозонларининг кириш ҳамда чиқиш жойларига манометр ва термометрлар, булардан ташқари, насослар ўрнатилади, улар қозонни сув билан таъминлаши билан бир қаторда, ундаги сувни канализацияга ҳайдаб чиқариши ҳам мумкин. Қозонхона курилмаларига хизмат кўрсатадиган кишилар 18 ёпдан кичик бўлмаслиги, тиббий кўрикдан ўтган, маҳсус дастур бўйича ўқиган ва қозонга хизмат кўрсатган малака комиссияси томонидан бериладиган гувоҳномага эга бўлишлари шарт.

Қозонхона курилмасида ишлашни бошлишдан олдин сменани қабул қилиб олиш ва агрегатни ўша пайтдаги аҳволини, ишлаш тартибини албатта иш дафтарига (журналга) ёзиб қўйиш керак.

Қуйидаги ҳолларда буғ қозонларини ўчириш зарур:

- қозондаги босим меъеридағидан 10% ошиб кетганда;
- сув камайганда;
- таъминловчи тузилмалари ишламай қолганда;
- сув микдорини кўрсатувчи асбоблар ёки сакловчи клапанлар ишламай қолганда;
- қозондан сув сизаётганда;
- газ йўлларида газ портлаганда.

«Ўздавтоғтехназорат» ходимлари қозонларни мунтазам развища техник кўрикдан ўtkазиб туришади. Қозонлар капитал тузатилгандан кейин ҳам техник кўрикдан ўtkазилади. Даврий кўриклар тўрг йилда бир марта, гидравлик синовлари эса саккиз йилда бир марта амалга оширилади. Қозонлар, бугни қайта қиздиригичлар, буғ ёки қайноқ сув қувурлари ва бинолар 5 мин. атмосфера мобайнида синов босими билан гидравлик синалиши керак (7.1-жадвал).

Гидравлик синов мөшерлари

№	Курилма, идиш	Иш босими, (Р), мПА	Синов босими, мПА
1.	Бүг қозони ва бүгни қайта қиздиргич, газ қувури	Кўпи билан 0,5	1,5 Р, аммо=0,2 мПа
2.	Шунинг ўзи	0,5 дан юқори	1,25 Р, аммо=Р+0,3 мПа
3.	Сув иситадиган қозон	Иситганча	1,25 Р, аммо=Р+0,3 мПа
4.	Бүг ёки қайнок сув қувури	Шунинг ўзи	1,25 Р
5.	Баллон	Шунинг ўзи	1,25 Р

Баллонлардан фойдаланиш қоидалари. Катта босим остида сиқилган, суюлтирилган ёки эритилган газлар билан тўлдирилган баллонларни ишлатаётганда жуда эҳтиёт бўлиш ва «Ўздав-контехназорат» тасдиқлаган ҳамма қоидаларга қатъий амал қилиш керак. Баллонларнинг ёрилиши билан боғлиқ фалокатлар шуниси билан хавфлики, кўп ҳолларда улар, айниқса, кислородли, карбонат ангидрид газли ва ацетиленли баллонлар бор бинолар яқинида одамлар бўлади.

Фалокатга, асосан, қўйидагилар сабаб бўлади:

- баллонларнинг тайёрланиш сифати пастлиги;
- газ билан мөшеридан ортиқ тулдирилиши;
- ташиш ва саклаш вақтида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши.

Кислородли баллонларни мой билан ифлосланиши ва айниқса, ичига мой тушишидан эҳтиёт қилиш зарур. Ҳар бир баллонда вентилл, аниқ кўриниб турадиган тәмға бўлиши лозим. Тамғада баллоннинг рақами ҳақиқий оғирлиги, тайёрланган (синалган) куни (йил ва ой) ҳамда иш босимини навбатдаги синаш йўли, гидравлик синов босими, баллоннинг сифими кўрсатилади.

Ишлаетган баллонлар камида 5 йилда бир марта даврий синовлардан ўтказилиши лозим. Занглатадиган газлар (хлор, водород, хлорид, сероводород) билан тўлдирилган баллонлар камида икки йилда бир марта синовдан ўтказиб турилади. Хизмат

күрсатувчи шахс, агар даврий синов муддати ўтиб кептән бўлса, қоидаларда кўрсатилган тамғалар бўлмаса, винтиллари бузилган ёки корпуси шикастланган бўлса, баллонларни газ билан тўлдириш тақиқланипни билиши шарт. Баллонлар тик ҳолатда сақланиши, уларнинг ағанаб кетиши, ифлосланиши ва қизишга йўл кўймайдиган тузилма билан тўсиб кўйилиши зарур.

Босим билан ишлайдиган идишларни ўрнатиш ва хавфесиз ишлатиш қоидаларига кўра, сиқилган газ баллонларининг қолдиқ босими 50 кПа.дан, азетилен баллонлариники эса 59 кПа.дан паст ҳамда 100 кПа.дан зиёд бўлиши даркор.

Буг ва қайноқ сув қувурларидан фойдаланиш. «Ўздавтехназорат» тасдиқлаган буг ва қайноқ сув қувурларини ўрнатиш, хавфесиз ишлатиш қоидаларига амал қилиш зарур. Мазкур қоидалар иш босими 70 кПа ва ҳарорати 115°Cдан юқори бўлган сув буғи келадиган қувурларга тааллуқлидир. Ушбу қоидаларга мувофиқ, корхоналардаги қувурларни бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказиш, яъни кўздан кечириш ва гидравлик синовдан ўтказиш керак. Бундан ташқари, янги ўрнатилган қувурларни ишга туширишдан олдин яна бир бор кўздан кечириш лозим.

VII боб. ЭЛЕКТР ТОКИДАН ҲИМОЯЛАНИШ

8.1. Иисон организмига электр токининг таъсири

Саноатда электр қувватидан кенг кўламда фойдаланиш йўлга қўйилганлиги сабабли электр токи таъсирида рўй бериши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисалар ва улардан сақланиш муҳим масалалар қаторига кириб бормоқда. Электр токининг энг хавфли томони шундаки, бу хавфни олдинроқ сезиш имкони йўқ. Шуннинг учун ҳам электр токи хавфига қарши ташкилий ва техник чора-тадбирлар белгилаш, тўсиқ воситалари билан таъминлаш, шахсий ва жамоа тизимларини ўрнатиш ниҳоятда муҳим. Умуман, электр токи таъсири фақат биологик таъсир билан чегараланиб қолмасдан, балки электр ёйи, магнит майдони ҳамда статик электр таъсирлар ҳам бўлиб, буларни билиш ҳар бир киши учун керакли ва зарурий маълумотлар жумласига киради.

Электр токи инсон организмига термик (яни, иссиқлик), электролитик ва биологик таъсир кўрсатилади. Термик таъсир инсон танасининг баъзи қисмларида куйиш, қон томирлари, асаб ва хужайраларнинг қизипи сифатида кузатилади. Электролитик таъсирда эса қон ёки хужайралар таркибидағи тузларнинг парчаланиши натижасида, қоннинг физик ва кимёвий хусусиятлари ўзгаради. Бундай ҳолат электр токи марказий асаб ва юрак тизимини кесиб ўтмасдан, тананинг баъзи бир жойларигагина таъсир кўрсатишида рўй беради.

Электр токининг биологик тасири натижасида инсон организмидаги тирик хужайралар мускулларнинг кескин қисқариши натижасида тўлқинланади, бу асосан, организмдаги биоэлектрик жараёнларнинг бузилиши туфайли рўй беради. Инсон организмидаги ток уриш ҳодисаси ташқи муҳитдан юқори кучланишдаги электр токининг тасири, яъни биотоклар режимининг бузиб юборилиши натижасида вужудга келади. Бунда бошқарилмай қолган организмда ҳаёт фаолиятининг баъзи бир ва-зифалари бажарилмай қолади, нафас олиш тизими ишларининг бузилиши, қон айланиш тизимининг ишламай қолиши ва ҳоказолар содир бўлади. Электр токининг инсон организмига тасирини икки кўринишда кўрсатиш мумкин: маҳаллий электр тасири ва ток уриши.

Маҳаллий электр таъсирига электр таъсири натижасида ку-
йиб қолиш ҳолатини мисол қилиб келтириш мумкин. Терининг
металланиб қолиши электр белгилари ҳосил бўлганини кўрса-
тади. Электр таъсиридан куйиш, асосан, организм билан электр
ўтказгич ўртасида кучланиш ёйи ҳосил бўлганда содир бўлади.
Электр ўтказгичдаги кучланишнинг таъсирига кўра, бундай ку-
йиши турлича бўлади. Енгил куйиш фақат яллиғланиш билан че-
гараланиши, ўртача оғирликдаги куйиш пулфакчалар ҳосил
бўлиши ва оғир куйиш хужайра ҳамда териларнинг кўмирга ай-
ланиши билан ўтиб, оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Электр үриши (ёки ток үриши деб ҳам юритилади) түрт даражага бүлинади;

1 — мускуллар кескин қисқариши натижасида одам токтасыридан чиқып кетади ва хүшини йўқотади;

2 — мускулар кескин қисқариши натижасида одам хушини йүкөтади, аммо юрак ва нафас олиш фаяолияти ишлаб туради;

З — күшиниң йүқтөб, нафас олиш тизими ёки юрак уриши тұхтаб қолади;

4 — клиник ўлим ҳолати — бунда инсонда ҳеч қандай ҳаёт аломатлари күрінмайды.

Клиник ўлим ҳолати 5-8 дақиқа давом этади. Ҳеч қандай ёрдам бўлмаган тақдирда энг олдин бош мия қобигидаги хужайралар парчаланиб, клиник ўлим ҳолати биологик ўлим ҳолатига ўтади.

Биологик ўлим — қайтариб бўлмайдиган жараён бўлиб, организмдаги биологик жараёнлар бутунлай тўхташи билан изоҳланади, шунингдек, организмдаги оқсил моддалари парчалана-ди. Бу клиник ўлим вақти тугагандан кейин рўй беради. Одам ток таъсирида қанча кўп қолиб кетса, у шунча кўп заарланади.

Организмнинг ток таъсирига маълум қаршилиги, шунингдек, токнинг кучланиши маълум таъсир даражасини белгилайди, чунки инсон аъзоларининг қаршилиги ўзгармаган ҳолда, кучланиш кўпайиши натижасида аъзолардан оқиб ўтган ток миқдори ошиб кетади. Организмнинг қаршилиги тери қаршилиги ва ички аъзолар қаршиликлари йифиндиси сифатида олинади.

Тери, асосан, тирик ва ўлик хужайраларнинг қаттиқ қатламларидан ташкил топган. Одамнинг куруқ заарланмаган териси 2.000 дан 20.000 Ом.гача қаршиликка эга бўлса, намланган, зарранган тери қаршиликки 40-500 Ом қаршиликка эга бўлади. Умуман, техник ҳисоблар учун инсон аъзосининг қаршилиги 1000 Ом деб қабул қилинган.

Инсон аъзоси орқали 50 Гц.ли саноат электр токининг 0,6-1,5 mA оқиб ўтса, буни у сезади ва бу миқдордаги ток сезиш чегарасидаги электр токи деб аталади. Агар инсон аъзосидан оқиб ўтган токнинг миқдори 10-15 mA.га етса, мускуллар тартибсиз қисқариб, инсон ўз аъзолари қисмларини бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлади, яъни, электр токи бўлган симни ушлаб турган бўлса, панжаларини оча олмайди, шунингдек, унга таъсир кўрсатаётган электр симни олиб ташлай олмайди. Бундай ток чегара миқдоридаги ушлаб қолувчи ток дейилади.

Агар ток миқдори 25-50 mA.га етса, унда ток таъсири кўкрак қафасига таъсир кўрсатади, бунинг натижасида нафас олиш қийинлашади. Таъсир қилувчи ток миқдори 100 mA ва ундан ортиқ бўлса, у юрак мускулларига таъсир кўрсатади ва юракнинг ишлаш тартиби бузилади, натижада қон айланиш тизими бутунлай ишдан чиқади ва бу ҳолат ўлимга олиб келади.

Организм орқали оқиб ўтган ток узоқ давом этса, инсон аъзосининг ток ўтказувчанлиги орта боради ва токнинг зарарли

таъсири аъзоларда йигила бориши натижасида асорат оғирлашади. Токнинг тури ва частотаси ҳам заарли таъсир кўрсатишда муҳим рол ўйнайди. Энг заарли ток 20-100 Гц атрофидаги электр токи ҳисобланади. Частотаси 20 Гц.дан юқори токларнинг таъсир даражаси кескин камаяди. Катта частотадаги электр токларида ток уриш бўлмайди, лекин куйдириши мумкин.

8.2. Электр токидан шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва электр токидан муҳофазаланиш воситалари

Электр токи таъсирига тушган кишига биринчи, шифокор келгунга қадар кўрсатиладиган ёрдам икки қисмдан иборат бўлади, яъни ток таъсиридан кутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш. Электр қурилмасининг бирор қисмига келаётган токни ўчиришнинг иложи бўлмаса (масалан, ўчириш қурилмаси узокда бўлса) унда ток кучланиши 1000 В дан кўп бўлмаган электр қурилмаларида электр симларини ёғоч дастали болталар билан кесиш, чопиш ва заарланганларни кийимидан тортиб, ток таъсиридан кутқариб қолиш мумкин. Агар токнинг кучланиши 1000 В дан ортиқ бўлса, унда диэлектрик қўлқоп ва мустаҳкам бўлган электр асбобларидан фойдаланиш керак.

Электр таъсирига тушган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш, унинг ҳолатига қараб белгиланади. Таъсиранган киши ҳушини йўқоттан бўлса, унда унинг тинчлигини таъминлаб, шифокорни кутиш ёки уни тезда даволаш муассасасига олиб бориш зарур. Агар ток таъсирида ҳушини йўқотган, аммо нафас олиши ва юрак тизими ишлаётган бўлса, унда уни қуруқ ва қулай жойга ётқизиш, ёқасини бўшатиш ҳамда ҳаво келишини таъминлаш зарур. Жароҳатланган кишининг нафас олиши қийинлашиб, қалтираш ҳолати рўй берса, аммо юрак уриши нисбатан яхши бўлса, унда бу кишига сунъий нафас олдириш зарур.

Клиник ўлим ҳолати юз берган тақдирда сунъий нафас олдириш билан бир қаторда юрак устидан уқаланиши керак. Бу муолажа жароҳатланган киши организмидаги қон айланишини сунъий равишда тиклаб туриш мақсадида амалга оширилади. Одам икки фазали электр токида ишлаётib, икки ток ўтказгичга тегиб кетса, унда бундай ҳолатни икки фазали токка тушиб қолиш деб юритилади. Бунда инсон организми орқали оқиб ўтган ток кучи физик қонунига биноан, куйидаги ифодага эга:

$$I = \frac{U_p}{1,73 \cdot R_u} = \frac{380}{1,73 \cdot 1000} = 0,3 A. \quad (8.1)$$

Юқоридан күриниб турибдики, бундай ҳолларда электр ўтказгичларнинг изоляцияси ҳеч қандай ёрдам бермайди. Шунингдек, одам турган пол, сёқ, кийимининг қаршилиги ҳам ёрдам бермайди. Бундай электр токи ҳаёт учун хавфли бўлиб, ўлимга олиб келади. Кўриб ўтилган электр токининг ҳар икки ҳолатига тушшиб қолиш ҳаётда кўп учрайди, бу назарий жиҳатдан исботланган.

Одам, асосан, электр қурилмаларида ишлаётган вақтда бирор-бир сабаб натижасида электр қурилмани электр билан таъминлаётган электр симларининг изоляцияси емирилиши ёки электр қурилмасини ҳаракатга келтираётган ички электр ўрамларни ташкил қилган электр ўтказгичларнинг муҳофаза қобиқлари емирилиши сабабли электр қурилмаси корпусига ток ўтказиб юбориши натижасида тушшиб қолади. Бунда электр қурилмасининг корпуси электр кучланиши таъсирида бўлади. Агар бу электр қурилмада ишлаётган кипи унга тегиб кетса, бир фазали ток уриши сингари жароҳатланиш рўй беради.

Электр токи таъсиридан жароҳатланишнинг асосий сабаблари қўйидагилардир:

- кучланиш остида бўлган электр тармоқлари ёки электр ўтказгичларга хавф тудибувчи масофада яқинлашиш;
- электр қурилмалари, асбоб-ускуналарнинг устки металл қопламалари ва қопқоқларида электр ўтказгичларнинг муҳофаза қобиқлари шикастланиши натижасида электр кучланиш ҳосил бўлиши;
- электр токини ўчириб таъмирлаш ишлари бажарилаётган вақтда, тасодифан электр токини улаб юбориш;
- узилиб тушган электр ўтказгичи ер юзаси бўйлаб электр токини тарқатаётгандан ток потенциаллари айирмаси бўлади, ана шундай кучланишлар таъсирига билмай кириб қолиш.

Электр токидан жароҳатланишнинг олдини олишга қаратилган асосий чора-тадбирлар қўйидагилардир:

- кучланиш остида бўлган ўтказгичларни қўл етмайдиган қилиб ўтказиш;
- электр тармоқларини алоҳида жойлаштириш;
- электр қурилмалар корпусида электр токининг ҳосил бўлишига қарши хавфсизлик чора-тадбирларини белгилаш:

- а) кам күчланишта эга бўлган электрлардан фойдаланиш;
- б) икки қаватли муҳофаза қобиқлари билан таъминлаш;
- в) потенциалларини тенглаштириш;
- г) ерга улаб муҳофазалаш;
- д) нол симга улаб муҳофазалаш;
- е) муҳофаза ўтиш курилмаларидан фойдаланиш;
- маҳсус электр муҳофазалаш тизимларидан фойдаланиш;
- электр курилмаларини хавфсиз ишлатишнинг ташкилий чораларини кўллаш.

Кучланиш остида бўлган электр ўтказгичларни қўл етмайдиган қилиб ўтказишда ток ўтказгичларини муҳофаза қобиқлари билан таъминлаш, уларни бўй етмайдиган баландликларга ўрнатиш, шунингдек, ўтказгичларни тўсиқ воситалари билан таъминлаш керак.

Электр тармоқларини айрим жойлаштиришда уларни ўзаро трансформатор ёрдамида тармоқларга бўлиб юбориш тушунилади. Бунинг натижасида ажратилган тармоқлар катта муҳофаза изоляцияси қаршилилигига эга бўлади, шунинг билан ўтказгичларнинг ерга нисбатан сифими кичкина бўлганилигидан хавфсизлик таъминланади.

8.3. Электр токи таъсиридаги хоналарнинг таснифи ва ерга улаш муҳофаза мақсадлари

Саноат корхонахоналари одамлар учун ток уришга хавфлилик даражаси бўйича уч синфга бўлинади:

- хавфсиз хоналар деганда нисбий намлиги ва ҳаво ҳарорати меъёрида бўлган ва электр токи ўтказмайдиган поли ёғочли хоналар тушунилади. Бунга мисол тариқасида маъмурий бинолар хоналари, лабораториялар, асбоблар сакланадиган омборхоналарни келтириш мумкин;

- хавфли хоналарга нисбий намлиги узоқ вақт 75% ва ундан юқори бўладиган нам, ҳаво ҳарорати узоқ вақт 35°C ва ундан ортиқ бўлган хоналар, ток ўтказиши мумкин бўлган кўмир ва металларнинг чанглари бўладиган, поли ток ўтказувчи, металл, темир-бетон, ер, фишт ва ишлайтган ишчи бир вақтнинг ўзида бир томондан ерга уланган металл конструкциялари, иккинчи томондан электр курилмаларининг металл корпусларига тегиб кетиши мумкин бўлган саноат корхоналарининг хоналари киради;

— ўта хавфли хоналарга намлиги жуда юқори девор, шип, полларида сув томчилари бўлган, ҳарорати 35°C ва ундан юқори, ҳаво таркибида кимёвий актив моддалар бор (булар электр ўтказгичларнинг муҳофаза қобижларини емириш хусусиятига эга) бўлган, шунингдек, хавфли хоналарга хос белгиларга эга бўлган саноат корхоналарининг хоналари киради. Саноат корхоналарининг синаш станциялари, гальваник цехлар ва очик ҳавода ер қазиш ишларини бажарадиган жойлар шулар жумласидандир.

Ҳар қандай электр қурилмасини, агар унинг металл қобижларида электр кучланиш ҳосил бўлиши хавфи бўлса, қайси жойда ва қандай бинода ишлатилишидан қатни назар, корпуси ерга уланиб қўйилади. Ерга улаб, муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти ишлатилаётган электр асбобларининг металл корпусларида электр кучланиш пайдо бўлса, уни ерга ўтказиб юборишидадир. Бундай муҳофазанинг хавфсиз кучланиш даражасига тушириш, шунингдек, ерга уланган жой атрофида потенциаллар айримаси ҳосил бўлмаслигини таъминлашдан иборат. Бир жойга йигилган, ерга улаб муҳофаза қилиш қурилмасида ерга уланган металл қозиқлар цехдан ташқаридаги айрим майдонларга ёки цехнинг маълум бир участкасига ўрнатилган бўлади. Бу усулда муҳофаза қилишнинг асосий камчилиги — ерга уланган қозиқ билан муҳофазаланаётган қурилма орасида ма софа борлигидир. Қурилмага тегиб кетиш коэффициенти (L) 1 га тенг, демак электр қурилмасида кучланиш U_T (В) га тенг. Бу эса ўз навбатида ерга уланган конструкциялар J_{ep} потенциалига тенг, яъни,

$$U_T = J_{ep} \cdot R_{ep}$$

бу ерда: J_{ep} — ерга ўтиб кетаётган ток кучи; R_{ep} — ерга улаб муҳофаза қилиш қурилмасининг қаршилиги, Ом.

Шунинг учун ҳам бундай ерга улаб муҳофаза қилиш қурилмаси кучланиш 1000 Вдан ошмаган элекстр қурилмаларида, ерга ўтиб кетаётган ток кучи унча катта бўлмаган ва одам учун хавфли бўлган кучланишлар ҳосил қўлмайдиган электр қурилмаларини муҳофаза қилишда қўлланилади. Бундай қурилманинг ижобий томони қаршилиги кам бўлган, тупроғи нам жойларни танлаш имконияти борлигидир.

Контур бўйича жойлаштирилган ерга улаб муҳофаза қилиш қурилмасининг асосий хусусияти ерга улашга мўлжалланган металл қозиқлар электр қурилмаси ўрнатилган майдон атрофи ёки

бутун майдон бүйлаб ҳисоблаб чиқилған маълум оралиқлар бүйича жойлаштириб чиқылади ва ўзаро металдан қилинган ўтказгич ёрдамида бир-бири билан пайвандлаб улаб қўйилади. Бунда ерга уланган қозиқлар ўрнатилған майдоннинг кучла-нишлари ерга баб-баравар тақсимланган. Ерга улаб муҳофаза қилиш курилмалари икки хил кўринишда бўлиши мумкин: сунъий курилмалар, улар фақат ерга улаб муҳофаза қилишга мўлжаллаб ўрнатилади ва табиий, бошқа мақсадлар учун ўрнатилған металл конструкцияларнинг маълум қисми ерга те-гиб туради.

Сунъий ерга улаш курилмаларининг горизонтал ва вертикал ўрнатилған металл таёқчалардан ташкил топган турлари бўлади. Ерга улаш курилмасининг вертикал ўрнатиладиган тури учун диаметри 3-5 см бўлган пўлат қувурлар ва 40x40 ва 60x60 мм.ли пўлат учбурчакларнинг (уголник) 2,5-3 м узунликдаги таёқ-чалари олинади. Уларни 0,8 м чуқурликдаги ариқчалар қазиб маълум оралиқда ерга қоқиб чиқылади ва ўзаро пўлат полоса ёр-дамида пайвандлаб бириктирилади. Пўлат полоса қирқим юзаси 4x12 мм.дан кам бўлмаслиги керак. Полоса ўрнига диаметри 6 мм.дан кам бўлмаган думалоқ пўлат таёқчалардан фойдаланиш мумкин.

Табиий ерга улаш курилмалари сифатида, сув учун ёки бошқа нарсалар учун ерга ўрнатилған темир қувурлар (портлов-чи ва енгил алангаланувчи суюқликлар ва газлар учун ўрна-тилған темир қувурлардан ташқари), артизиан қудуклари қувурлари, ерга уланган қисмларга эга бўлган биноларнинг темир-бетон қисмлари, кабелларининг кўрошин қобиқлари ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Табиий ерга улаш курил-маларининг афзаллиги, уларга токнинг ерга оқиб ўтишига қаршилик кам бўлиши билан бирга куриш учун қилинадиган сарф-харажатнинг камлигидир.

Электр курилмаларининг ток ўтмайдиган металл қисмларини олдиндан нол сим билан улаб қўйиш **нолга улаб муҳофаза қилиш** деб юритилади. Муҳофазаловчи нол сими электр манбай фалта-гининг нейтрал қисмларини мустаҳкам ерга улаш билан бошлиниб уч фаза билан бирликда тўртингчиси нол сим тариқасида бу-тун тармоқ бўйлаб тортилади ва иложи борича кўпроқ (маълум масофаларда) ерга улаб борилади. Бу усулда корпусга ўтиб кет-ган электр токини нол сими билан улаш ҳисобига қисқа тўқна-шиш вужудга келтириш билан, электр курилмасига келаётган

ток кучининг ортиб кетишига эришилади. Бунинг натижасида электр курилмасини муҳофаза қилиш учун ўрнатилган сақловчи, эрувчи курилмани ёки сақловчи автоматни ўчириш билан электр курилмасига келаётган электр токи узиб кўйилади. Бундай вазифани бажарувчи сақловчи, эрувчи курилмалар ёки автоматлар олдиндан электр курилмасидаги электр токининг маълум миқдорда ошишига мўлжаллаб ўрнатиб кўйилади. Корпусига ток ўтказиб юбораётган (бузилган) электр курилмасини сақловчи эрувчи курилмалар ўрнатилган тақдирда ўчириш 5-7 секунд, автоматлар ёрдамида эса 1-2 секунд давомида амалга оширилади.

Уч фазали, 4 та симли электр тизимлари нолга улаб муҳофаза қилиш тизими сифатида нейтрал ерга мустаҳкам уланган, 1000 В кучланишга эга бўлган курилмаларда кенг жорий этилган. Одатда бундай курилмалар 380/220 В, 220/127 В ва 660/380 В кучланишлар билан машинасозлик саноат корхоналари, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқ корхоналарида кенг кўлланилади. Нолга улаб муҳофаза қилиш тизимида тўртинчи нол симининг бўлиши шарт. Агар нейтрал ерга уланган бўлиб тизимда нол сим йўқ бўлса, унинг ишламаслигини кўришимиз мумкин.

Агар нол сими йўқ деб фараз қилиб, нол симини ерга улаш билан алмаштирасак, электр курилмаси корпусига ток ўтиб кетган тақдирда ер орқали уланиш бўлиб, оқиб ўтаётган электр токини ташкил қиласди.

$$I_e = U_\phi / (R_0 \cdot R_e) \quad (8.2)$$

Бунинг натижасида электр курилмаси корпусида ерга нисбатан қуйидаги кучланиш ҳосил бўлади:

$$U_k = I_e \cdot R_e = U_\phi \frac{R_e}{R_0 \cdot R_e} \quad (8.3)$$

Бу ерда: U — фаза кучланиши, В; $R_0 R_e$ — нейтрал ва корпуснинг қаршиликлари, Ом.

Трансформатор ғалтагининг қаршилигини бу қаршиликларга нисбатан оз бўлганлиги сабабли ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Агар $U_{\Phi} = 220$ В; $R_0 = R_e = 4$ Ом деб фара兹 қилсак:

$$I = \frac{220}{8} = 27,5 \text{ A}; \quad U_t = \frac{220 \cdot 4}{8} = 110 \text{ В}. \quad (8.4)$$

Бу ҳолда оқиб ўтаётган ток кучи муҳофазаловчи қурилманинг ишлаши ва ток кетишини тұхтатиши учун камлик қилиши мумкин. Бунда, үз-үзидан маълумки, электр қурилмаси ишлашда давом этади ва бу фақат электр қурилмасини бошқарувчи кишигина ўчириш мумкин. Бунда инсон учун электр қурилмасига тегиб кетиши натижасида ток уриш хавфи вужудга келади. Буни эса электр тизими орқали оқиб ўтаётган ток микдорини ошириш йўли билан бартараф этиш мумкин. Яъни, электр тизимига нол симини киритиш керак. Нейтрал мустаҳкам ерга уланган 1000 В кучланишдаги электр тизимларида ишлаганды электр хавфсизлигини таъминлашда нол сими асосий вазифани бажарди. Шунинг учун ҳам бундай қурилмаларда нол симисиз ишлаш тақиқланади.

Нейтрални ерга улашнинг асосий вазифаси нол симиининг кучланиши, шу билан бирга унга уланган электр қурилмалар корпуслари кучланишини, бирор фаза тұстадан ерга ўтиб кетган тақдирда хавфсиз микдоргача камайтиришга қаратилган.

Ҳақиқатан ҳам 4 симли уч фазали электр симида нейтрал ерга уланган бўлса, нолга уланган электр қурилмалари билан ер ўртасида, тармоқнинг бир фазаси кучланишига тенг бўлган кучланиш U_{Φ} ҳосил бўлади ва бу кучланиш токи электр қурилмасини ўчириб қўйгунча давом этиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Агар нейтрал ерга уланган бўлса, бутунлай хавфсиз ҳолат юзага келади. Бунда кучланиш (U_{Φ}) фазанинг ерга уланиш қаршилиги (R_e) ва нейтралнинг қаршиликлари (R_0) ўртасида мутаносиб тақсимланади, натижада ерга уланган қурилма ўртасидаги қаршилик кескин камаяди:

$$U_t = I_e \cdot R_0 = U \frac{R}{R_0 + R_e}. \quad (8.5)$$

Умуман ерга тасодифан тушиб қолган симнинг ерга уланиш қаршилиги R_0 қаршиликка нисбатан анча катта бўлганлиги са-

бабли U_k нинг қиймати хавфсиз бўлади. Масалан, $U_\Phi = 220$ В, $R_o = 4$ Ом, $R_e = 100$ Ом деб фараз қилсак, унда:

$$U_k = \frac{220 \cdot 4}{4 + 100} = 8,5 \text{ В.} \quad (8.6)$$

Бундай кучланиш ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳеч қандай хавфли вазият яратга олмайди. Нейтрални ерга уланмаган 4 симли уч фазали электр тармоқлари электр токи уриши жиҳатидан хавф туғдиради. Нол симни ерга улашдан мақсад, у ерга уланган жойдан узилган тақдирда хавфли вазият юз бермаслигини, яъни токнинг ерга тўғридан-тўғри ўтиб кетишини таъминлашдир.

Ҳақиқатан ҳам, нол сими ерга уланган жойдан бир оз ўтгач узилиб қолса, нол сими ва унга уланган электр курилмаларининг корпуслари ерга ток ўтказиб турган фаза таъсирида ерга нисбатан U_Φ кучланишга тенг бўлган кучланиш таъсирига тушиб қолади. Бундай кучланишдаги курилма жуда узоқ муддат инсон ҳёти учун хавф солиб, ишлаб туриши мумкин, чунки бу курилмани автоматик равишда ўчириш мумкин бўлмай қолади ва кўплаб яхши ишлаётган дастгоҳлар орасида унинг хавфлигини аниқлаш ҳамда ўчириб кўйиш қийин.

Агар нол сими ерга уланган бўлиб, асосий қисмидан узилиб кетса ҳам I_e токини ерга ўтказиб юбораётган занжир сақланиб қолади, шунинг учун нолга уланган корпусдаги кучланиш бир-мунча миқдорда камаяди:

$$U_k = I_e \cdot R_0 = U_\Phi \frac{R_e}{R_0 + R_e}. \quad (8.7)$$

Бу ерда: R_0 — нол симининг қайта ерга улангандаги қаршилиги, Ом.

Кўриниб турибдики, нол симини қайтадан ерга улаш, ерга нисбатан кучланишни бутунлай йўқотмаса ҳам хавфли кучланишни камайтириш имконини беради. Шунинг учун ҳам нол симидаги ҳар қандай узилишлар бўлмаслигини таъминловчи чора-тадбирлар кўрилади. Бу ўтказгичларга муҳофазаловчи қурилмалар, ўчириш воситалари ўрнатишга рухсат этилмайди. Чунки, бундай воситалар нолга улаб муҳофазалаш тизимининг бирлигини бузиши мумкин.

Электр курилмаларини ўрнатиш қоидаларига асосан, муҳофазаловчи нол сими ўрнатилган вақтда, муҳофазаловчи нол сими ишчи нол сими билан қўшилган ҳолда қайтадан ерга улашади. Ҳар бир қайта улаш қаршилиги 127 В кучланишларда

60 Ом, 380/220 В кучланишларда 30 Ом ва 660/380 кучланишларда 25 Омдан ошмаслиги керак. Ҳамма қайта уланишлар қаршиликларининг умумий йигиндиси 220/127 В кучланишларда 20 Ом, 380/220 кучланишларда 10 Ом ва 660/380 В кучланишларда 5 Омдан ошмаслиги зарур.

8.4. Муҳофазаловчи электр токини ўчириш қурилмалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Агар электр қурилмаси корпусида инсон ҳёти учун хавфли кучланиш ҳосил бўлиб қолса, уни тезда ўчириш имкониятини берадиган қурилмаларга **муҳофазаловчи ўчириш қурилмалари** дейилади. Муҳофазаловчи ўчириш қурилмаси хавф ҳосил қиласан электр асбобини 0,2 сек. дан ошмаган вақт давомида ўчириш имкониятини бериши керак. Бу қурилма ўчириш асбоби ва автоматик равишда токни узувчи қисмлардан ташкил топади.

Автоматик ток узиш қисмининг асосий вазифаси олинган сигналга асосланиб таъминланаётган электр тармоғини бутунлай узуб қўйишдан иборат. Автоматик ўчириш тизимлари жуда хилма-хил бўлиб, улар ток даражаларининг ўзгаришига асосланган.

Агар электр токи корпусга ўтиб кетса,унда биринчи навбатда ерга ва нолга улаш муҳофаза тизимларининг ишлари кузатилади, бунда корпус кучланиши маълум Ук кучланишдан ошиб кетмаслиги керак. Агар Ук кучланиш йўл қўйиши мумкин бўлган Ук. дан ошиб кетса унда реле ишга тушади ва токни узувчи қурилма фалтагига ток ўтказа бошлайди. Фалтакдан ток ўтиши у ерда кучли магнит майдони ҳосил қиласди ва ўчириш қурилмасига бириктирилган металл асосни тортиб олиши ҳисобига электр қурилмасига ток бериш тўхтатилади. Бундай муҳофазаловчи ўчириш қурилмалари 1000 В гача кучланишга ва ерга улаш тизимига эга бўлган электр қурилмаларида ишлатилади.

Электр двигателлари, уларни уловчи ўтказгичларнинг муҳофаза қобиқлари, ток ўчириш ва сақловчи қурилмаларга уларни ўрнатиш ва фойдаланишда маълум талаблар қўйилади. Электр қурилмаларининг электр ўтказгичларини муҳофаза қобиқлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. У биринчидан, кўп миқдордаги электр токини йўқотишдан сақладайди, иккинчидан, ишлатиладиган кишиларни электр токи таъсирига тушиб қолишига йўл қўймайди, учинчидан, электр тизимларининг ўзгарувчи

кучланишларидан учкунлар чиқиши билан пайдо бўладиган синфин хавфини йўқотади.

Саноат корхоналари хоналаридаги электр ўтказгичлар сифатида кабеллардан фойдаланиш мумкин. Бу ўтказгичлар механик кучлар таъсири остида бўладиган ҳолларда, уларни металл кувурлар ичига ўрнатиб, муҳофаза қилинади. Муҳофаза қилинмаган очиқ симлардан фойдаланиладиган ҳолларда уларни энг камида 3,5 м баландликларда ўрнатиш тавсия этилади. Бундай симлар узилиб кетган тақдирда уларни токсизлантириш автоматик тизимлари ўрнатилган бўлиши керак.

Электр тизимларининг сақловчи қурилмалари жуда содда тузиленган бўлиб, электр куввати номинал микдордан ортиб кетган тақдирда автоматик равишда токни узиб қўяди. Электр тизимидағи ток куввати номинал микдоридан 25% ортиб кетса, муҳофаза қурилмасига ўрнатилган эрувчан қисм эриб кетади ва ток келиши тўхтайди. Бу эрувчан қисмни электр тизимига бораётган ток кучининг максимал зарур микдорига мосланиб танланади. Унинг эриб кетиши вакти ундан ўтаётган ток кучига боғлиқ.

Қандай турдаги сақловчи қурилмалардан фойдаланишдан катъи назар, уларни алмаштириш учун, албатта, ўчириш воситаси билан электр токини ўчириб кўйиш тавсия этилади. Ўчиришнинг иложи бўлмаган ҳолларда уларни, албатта, шахсий муҳофаза аслаҳалари, резина қўлқоп ва ерга изоляция воситалари тўшаб, алмаштириш керак. Бундан ташқари, автоматик сақловчи қурилмалардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг ишлаш тартиби ҳам жуда содда тузиленган. Бундай қурилмаларнинг афзаллиги шундаки, уларни электр тизимидағи камчиликлар тузалмагунча ишга туширишнинг имконияти бўлмайди.

Саноат корхоналарида, асосан, берк, портлашга хавфсиз электрдвигателларидан фойдаланилади. Уларнинг ток ўтказувчи қисмлари пухта муҳофазаланган, электр токи билан таъминлаш клеммалари муҳофаза қопқоқлари билан беркитилади.

Электрдвигателларининг ҳаракатдаги қисмлари тўсик қурилмалари билан таъминланishi шарт. Электр тизимларига бериладиган электр токини ёқиб-ўчириш қурилмаларининг ҳавода очиқ ҳолда маҳсус мойларнинг ичига ишлатиладиган турлари мавжуд бўлиб, уларни танлаш тизимдаги ток кучланишига боғлиқ. Ҳавода очиқ ҳолатда ишлатиладиган ёқиб-ўчириш қурилмасини рубилниклар деб юритилади. Улар беркитиладиган қопқоқлар билан жиҳозланади. Чунки ўчириш ёки ёқиб вақтида

ҳосил бұладиган электр ёйлари инсон ҳаёти учун хавфли ҳисобланади.

Тұгмачасимон үчириш-ёқиши қурилмалари, рубилникнинг бир тури бўлиб, бунда улаш ва үчириш электромагнит ёрдамида амалга оширилади. Магнитли ёқиши қурилмаси маҳсус кутиларга жойлаштирилган бўлиб, унинг бошқариш тұгмачаларини хоҳлаган жойға ўрнатиш мумкин. Улар ҳам ишлатилаётган жойнинг ҳолатига қараб (газ, пар, чанг) очиқ, берк, чанг кирмайдиган ва портлашга хавфсиз қилиб ўрнатиласди.

Кўлда ишлатиладиган асбобларни фақат хавфсиз хоналарда 110 В ва 220 В кучланишларда ишлатишга рухсат этилади. Ўта хавфли хоналарда ва очиқ ҳавода иш олиб боришида электр кўл асбоблари фақат 36 В гача бўлган кучланишда рухсат этилади. Баъзан асбобларнинг куввати бундай кучланишларда етмай қолса, унда электр асбоби корпусини ерга мустаҳкам уланган ҳолда, 220 В кучланишларда ҳам ишлатишга рухсат этилади. Ишлатиган киши, албатта, шахсий муҳофаза анжомларидан фойдаланиши шарт. Бу анжомларга резина қўлқоп, резина кавуш, резина гиламча ва фартуклар киради.

Кўлда ишлатиладиган электр асбобларининг тузилишида хавфсизликни таъминлаш элементлари бўлиши, шунингдек, 36 В кучланишдан ортиқ кучланишда ишлайдиган асбоблар учун диаметри 4 мм.дан кам бўлмаган ўтказгичдан тайёрланган, нол симига ёки ерга уланган симга улаш учун қисқич бўлиши шарт. Электр асбобини токга улаш кўп симли кабеллардан ташкил топган бўлиши, оддий сим бўлган тақдирда резина шланг кийгизилиб муҳофазаланган бўлиши шарт.

Саноат корхоналарида доимий ўрнатилган ва кўчириб юритиладиган электр пайвандлаш қурилмаларидан кенг фойдаланилади. Доимий ўрнатилган электр пайвандлаш ишларини маълум жиҳозланган ва шамоллатиш тармоқларига эга бўлган хоналарда амалга оширилади. Машина ва агрегатлар билан пайвандлаш агрегати орасидаги масофалар электр жиҳозларини ўрнатиш қоидаларида белгиланади.

Доимий ток билан ишлайдиган машиналарни саноат корхоналарида марказлаштирилган ҳолда жойлаштирилади, аммо улар ўрнатилган жойлари билан пайвандлаш постлари оралиги 40 м. дан ортиқ бўлмаслиги керак. Пайванд қилиш генератори, трансформатор ва аппаратларни очиқ ҳавода ўрнатиш, берк ва намликин сақловчи муҳофаза қурилмасига эга бўлган ҳоллар-

дагина рухсат этилади. Уларни, асосан, усти ёпилган ва ёнувчи материаллардан ҳоли бўлган жойларга жойлаштириц тавсия этилади. Ҳар бир пайванд қурилмасини уни таъминлаётган электр тармоғига сақловчи муҳофаза қурилмалари орқали улаш керак. Пайвандлаш ишлари иккита сим орқали амалга оширилади. Биринчи сим асосий ҳисобланиб, у яхши муҳофаза қобигига эга бўлган кабелдан иборат. Иккинчи сим эса қайтувчи сим бўлиб, у етарлича кесимга эга бўлган ҳар қандай металдан ясалган ва шунингдек, пайванд қилинаётган конструкцияга қотирилган бўлиши шарт. Бу симларда муҳофаза қобигининг бўлиши шарт эмас. Ўтказгичлар сифатида сўрилар, пайвандлаш плиталари ва пайванд қилинаётган металл конструкциялардан ҳам фойдаланиш мумкин. Пайванд қурилмасининг иккинчи сими сифатида газ қувури, сув ўтказувчи қувур, биноларнинг металл конструкциялари, шунингдек, технологик жиҳозлардан фойдаланиш мутлақо тақиқланади. Иш бажармаётган пайвандлаш генераторларининг кучланиши 70 В, трансформаторларнинг кучланиши 80 В дан ортиқ бўлмаслиги шарт.

Ёйсимон пайвандлаш ишларини ҳар хил идишлар, қозонлар ёки шунга ўхшаш ёпиқ жойларда кўлда ёки автоматик рâвища олиб бориш, бу қурилмаларда ёй узилгандан кейин 0,5 сек. дан ортиқ бўлмаган вақт ичида ўчирувчи қурилма билан ҳоллардагина рухсат этилади. Шу билан бирга, ташқарида, бирор кор-ҳол юз берса ёрдам беришга тайёр бўлиб турган кузатувчи бўлиши шарт. Пайванд ишларини босим остидаги идишларда, шунингдек, енгил алангланувчи ёки портловчи моддалар бўлган идишларда олиб бориш тақиқланади.

8.5. Электромагнит майдонининг инсонга таъсири, куйиш ҳолатлари ва улар ҳақида тушунча

Ҳозирги замон техника тараққиёти даврида юқори частоталарга эга бўлган магнит майдонларидан ҳар хил техника ишларида кенг фойдаланилмоқда. Бундай воситалар билан техник ишларни бажаришнинг қулайлиги ортиқча иссиқликнинг ажralmasлиги ва ортиқча ускуналарга бўлган эҳтиёжнинг камайишидадир. Шу билан бирга бу усул иш шароитини яхшилаш ва иш жойларида ҳавонинг тозалигини таъминлаши сабабли санитария-гигиена томонидан бирмунча қулайликлар туғдиради. Ҳозирги вақтда радио ва электрон қурилмаларнинг радиотеле-

метрия, радионавигация ва бошқа электромагнит тебранишларга асосланган аппаратларнинг кенг кўламда қўлланиши кўпчилик ишчиларнинг радиоаппаратлар билан мулоқотда бўлишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам электромагнит тебраниш тўлқинларидан муҳофазаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш тақозо қилинмоқда. Кейинги вақтда электромагнит тўлқинлар инсон организмига таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунинг хатарли томони шундаки, инсон бу нурлар таъсирига тушганигини сезмайди.

Электромагнит майдон маълум кучланишдаги электр майдони E (V/m) ва магнит майдони H (A/m) векторлари орқали ифодаланади. Ҳаракатланувчи электромагнит тўлқинларининг E ва H векторлари ҳар вақт ўзаро перпендикуляр бўлади.

Ўтказувчи муҳитда тарқалаётганда улар ўзаро куйидаги боғланишга эга бўлади:

$$E = H \frac{WM}{J} \cdot \epsilon^{-k} \quad (8.8)$$

Бу ерда: W — электромагнит тебранишларнинг айланма частотаси; J — экран моддасининг солиштирма ўтказувчанилиги; M — бу модданинг магнит ўтказувчанилиги; k — сўниш коэффициенти; z — нурланаётган экран юзасидан аниқланаётган нуктагача бўлган масофа.

Электромагнит тўлқинлари вакуумда ёки ҳаво муҳитида тарқалаётган бўлса, $E=377$ N бўлади. Бу тўлқинларининг тарқалиши майдондаги қувватни кўчириш билан боғланган. Электромагнит тўлқинлари қувват оқимининг зичлиги вектори (интенсивлиги) I (W/m^2) куйидагича ифодаланади:

$$\vec{I} = \vec{E} \cdot \vec{H} \quad (8.9)$$

Электромагнит майдони назариясига асосан ўзгарувчан электр ёки магнит майдони манба яқинида икки: яқин зона ёки индукция зонасига бўлинади,

$$R \leq \frac{R}{C} \cong \frac{H}{D}. \quad (8.10)$$

Тұлқин узунлиғи қүйидегі тенгламаға ассоан аниқланады:

$$l = \frac{C}{f}.$$

Бу ерда: С — электромагнит тұлқинларининг тарқалиш тезлигі (вакуум ёки ҳаво мұхити учун ёруклик тезлигі); f — электромагнит тұлқинларининг частотаси ва нурланиш зонаси ($R f \frac{1}{d}$ масофаларда жойлашган).

Индукция зонасида ҳаракатланаёттан электромагнит майдон ҳосил бўлиб улгурмаган бўлади, яъни электр билан магнит майдонларини бир-бирларига боғланмаган деб ҳисоблаш мумкин.

Нурланиш зонасида эса, майдон ҳаракатланаёттан электромагнит тұлқинини вужудга келтиради ва унинг мұхим параметри тұлқин оқимининг зичлик куввати ҳисобланади. Бу зонадаги меъёрлаштириш интенсивликка ассоан олиб борилади ва бу интенсивлик нұқтасимон манбагача бўлган масофа квадратига тескари мутаносибликда бўлади.

$$I = \frac{Pm}{4\pi R^2}. \quad (8.11)$$

Бу ерда: Р — манбанинг нурланиш куввати.

Агар бу манба йўналтирилган ҳаракатта эга бўлса, унда

$$I = \frac{Pm \cdot G}{4\pi R^2}. \quad (8.12)$$

Бу ерда: G — кучайтириш коэффициенти, у ҳисоблашлар ёрдамида аниқланади.

Индуктор, термик қурилманинг конденсатори, генераторнинг айрим қисмларини, трансформатор, антенна, тұлқин узатгичларининг очик қисмлари ва ўта юқори частота генераторларга электромагнит тұлқинларининг манбалари сифатида қарааш мумкин. Кутбланган молекулалар электромагнит майдони тарқалаёттан йўналишларга қараб ҳаракатлана бошлайди.

Қон ҳужайралар ва улар оралиғидеги суюқлик таркибида ташқи майдон таъсирида ионлашган ток ҳосил қиласи. Ўзгарувчан электр майдони инсон танаси ҳужайраларини ўзгарувчан дизелектрик қутбланиш, шунингдек, ўтказувчи токлар ҳосил бўлиши ҳисобига қиздиради. Иссиклик таъсири электромагнит майдонларининг кувват ютиши ҳисобига бўлади.

Ўзгарувчан магнит майдони атом ва молекулаларнинг магнит моментлари йўналишларининг ўзгаришига олиб келади. Бу инсон организмига кучсиз таъсири кўрсатади, лекин организм учун бефарқ деб бўлмайди.

Майдоннинг кучланиши қанча кўп бўлса ва унинг таъсири давомли бўлса, организмга таъсири кўрсатиши шунча кўп бўлади. Тебраниш частотасининг ортиши тана ўтказувчанлигини ва қувват ютиши нисбатини оширади. Узунлиги 10 см.дан қисқа бўлган тўлқинларнинг асосий қисми тери хужайраларида ютилиши тажриба асосида тасдиқланган. 10-30 см диапазондаги нурланишлар тери хужайраларида кам ютилади.

Организмда ҳосил бўлган ортиқча иссиқлик маълум чегарагача инсон организмининг терморегуляцияси ҳисобига йўқотилиши мумкин. Иссиқлик чегараси деб аталувчи маълум микдордан бошлаб ($I > 10 \text{ мвт}/\text{см}^2$), организм ҳосил бўлаётган иссиқликни чиқариб ташлаш имкониятига эга бўлмай қолади ва тана ҳарорати кўтарилади, бу эса ўз навбатида соғлиққа катта зарар етказади.

Иссиқлик ютилиши инсон организмининг сувга сероб қисмларида яхши кечади (қон, мускуллар, ўпка, жигар ва ҳ.к.). Аммо иссиқлик ажралиши қон томирлари суст ривожланган ва терморегуляция таъсири кам бўлган аъзолар учун жуда зарарлидир. Буларга кўз, бош мия, буйрак, овқат хазм қилиш аъзолари ва ўт халтаси киради. Кўзнинг нурланиши кўз қорачигининг хиралашishiшига олиб келади. Одатда кўз қорачигининг хиралашishiши, нурлангандан кейин бир неча кун ёки бир неча ҳафтадан кейин сезилади.

Электромагнит майдони инсон организмига маълум таъсирини кўрсатибгина қолмасдан, тўғридан-тўғри марказий асаб тизимига таъсири кўрсатади, хужайраларнинг йўналишини ўзгаририди ёки молекула занжирини электр майдони кучланиши чизиклари йўналишига айлантиради, қон таркибига, оқсил молекулаларининг биокимё активлигига таъсири кўрсатади. Қон-томир тизимининг функцияси бузилади. Организмдаги углевод, оқсил ва минерал моддалар алмашинуви ўзгарамади. Аммо бу ўзгаришлар функционал характеристерда бўлиб, нурланиш таъсири тўхташи билан унинг зарари ва оғриқ йўқолади.

Электр токидан куйишлар ток манбаига тегиб кетганда рўй беради, улар одатда термик куйишлардан фарқ қиласади. Электр токидан куйиш токи бўлган агентнинг юзасига қараб нуктаси-

мон оқиширок ёки пуштиранг доғға ўхшайды, кейинчалик эса шу жой қаттік қават (струп)га айланади. Бундай куйишнинг ўзига хос хусусиятлардан бири, фақатгина терининг эмас, балки теварак атрофдаги тұқымаларнинг ҳам чукур заарланиши ҳисобланади. Жароҳат бутун организмнинг заарланиши интоксикацияси билан биргаликда кечади.

Портлашдан келиб чиқадиган нурланиш қуввати (инфрақызил ва ултрабинафша нурлар) бирданига куйишга олиб келади. Ёнган жиҳозлар ва кийимлардан келиб чиқадиган иккинчи куйишлар ҳам кузатилиши мүмкін. Ўта ёруғликда куйишлар тананинг очиқ ва портлашга қараган ёки контур томонидан, қора рангли кийимларнинг баданға зич ёпишиб турған жойида рўй берип мүмкін. Бу контактлы куйишлар деб аталади. Нурланиш туфайли келиб чиққан куйишларнинг кечиши ва даволаш, худди термик куйишлардагига ўхшаш.

Комбинацияланган заарланишлар бошқалардан тубдан фарқ қиласы. Ядро бомбаси портлашидан келиб чиқадиган куйишлар механик жароҳат ҳамда нурланиш таъсири билан биргаликда күзатиласы. Бунда бир касалнинг кечиши иккинчисига салбий таъсир күрсатади. Чукур куйишларнинг тозаланиши ва битиши нурдан заарланиш таъсирида секинлашади ёки тұхтайди. Бунда гемотома, юқумли асоратлар, қайта қон йўқотишлар кучаяды. Битии жараёнлари секинлашади. Нурланиш ўтиши билан битиши жараёнлари мөърлашади. Бундай беморларда паталогик чандиқлар, узок битмайдиган яралар пайдо бўлади. Комбинацияланган заарланишда биринчى ёрдам ва даволаш умумий қоидага мувофиқ олиб борилади (шокка қарши кураш, транспортировка ва бошқалар).

Куйиш деб, тұқымаларнинг юқори ҳарорати, кимёвий моддалар, нурланиш ҳамда электр токи таъсири натижасыда шикастланишига айтилади. Этиологик ҳолатига кўра термик, кимёвий, нур ҳамда электр таъсирида куйишларга ажратиласы. Термик куйиш шикастланишлар ичида энг кўп тарқалған бўлиб, у тұқымаларга юқори ҳарорат таъсир этганда рўй беради. У ҳароратнинг юқорилиги, куйган жой үрнининг чукурлиги ҳамда шикастланган кишининг ўшита қараб баъзан енгил, баъзан оғир кечиб, bemor аҳволини оғирлаштиради ва ҳайтига хавф туедиради. Қайноқ сув ва турли иссиқ суюқликлардан куйиш шу билан характерланадики, бунда энг баланд ҳарорат 100°C.дан ош-

майди. Куйишнинг интенсивлиги, таъсир муддати унча катта бўлмайди, шунинг учун ҳам бу ҳоллар юза куйиш дейилади.

Будан куйганда жароҳат камдан-кам ҳолларда тери ичига ўтади, тери юзасида эса унинг сатҳи катта (60% гача ва ундан ортиқ) бўлади. Ёнгидан келиб чиқадиган куйишлар энг оғир куйишлардан ҳисобланади. Жабрланувчининг кийим-кечаги ёниши оқибатида жароҳатнинг тарқалиши ва ичкаригача ўтиб кетиши кучаяди. Эритан металлдан куйишлар чуқур куйишлардан бўлиб, бунда фақаттинга тери эмас, тери ости қаватлари ҳам куяди. Бундай куйишнинг ёйилиб кетиши чекланган ҳолда бўлади, шунинг учун ҳам куйиш касаллиги содир бўлмайди. Этиологик табиатига кўра иссиқ жисмлардан куйишлар куйишнинг бошқа кўринишлари ичida ажralиб туради.

Куйган жойдаги тўқиманинг паталогоанатомик ўзгаришлари, заарланиш чуқурлигига қараб куйиш даражаси 4 хил бўлади:

I даражали куйиш — бунда тери қизаради, шишади, қаттиқ оғрийди;

II даражали куйишда сариқ суюқлик йифилган пуфакчалар пайдо бўлади. Агар пуфакчалар ёрилган бўлса, бармоқ билан босганда тўқ пушти рангли суюқлик чиқиб, тери юзаси қаттиқ оғрийди;

III даражали куйиш эса тери некрози билан ифодаланади;

III (а) даражали куйишда эса II даражали куйишда бўлганидек пуфакчалар ҳосил бўлади, фақат ундаги суюқлик геморрагик тусда бўлади. Пуфаклар ёрилганда уларнинг таги кўпинча оч, баъзан оч пушти рангда, босганда ажralиб чиқсан суюқлик рангсиз бўлмайди. Оғриқни сезиш кескин камаяди.

III (б) даражали куйиш терининг бутун қатламини чуқур шикастлайди. Бунда, одатда қуруқ қалин, сариқ-кўнғир рангли қасмоқ ҳосил бўлади, баъзида тери ости венасида тромб (ивиб қолган қон) ҳосил бўлиши кузатилади, оғриқ сезилмайди.

IV даражали куйишда терининг бутун қавати ва тери ости тўқималари куяди, баъзан куйиш суяккача тарқалади. Бунда аввалгидек қалин қасмоқ юзага келади. Даволаш нуқтаи назаридан I, II, III (а) даражали куйишларда терининг битиши (эпителизация) терининг ўз-ўзидан ўсиши ҳисобига, жарроҳ арадашувисиз битади, тери чуқур куйганда (III (б), IV даражали) жарроҳлик йўли билан даволаш лозим.

8.6. Электр токи билан ишлаганда ёнғинга қарши хавфсизлик чоралари

Маълумки, саноат корхоналарида электр кувватидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бу технологик жараёнларда ишлатиладиган дасттоҳ, аппаратлар, кўтариш воситалари, қиздириш, эритиши тизими ва ёритиши воситаларининг ҳаммаси электр куввати ёрдамида амалга оширилади. Агар электр воситаларидан тўғри фойдаланилса, унда ёнғин хавфи бўлмайди. Аммо электр курилмаларидан ҳамма вақт ҳам тўғри фойдаланиш имкониятлари мавжуд деб бўлмайди. Электр тизимидағи қисқа туташув, электр курилмалари ва симларида кучланишнинг кўпайиб кетиши ва уларда катта қаршиликлар вужудга келиши иш жараёнида нокулайликлар туғдиради.

Агар электр симлари ўзаро уланиб қолса ёки электр курилмаларининг ерга уланган корпуслари билан уланиб қолса, қисқа туташиб юз беради. Электр курилмаларига катта юзага эга бўлмаган ўтказгич орқали катта ток оқими юборилса, электр симларининг ниҳоятда қизиб кетиши кузатилади. Электр симлари бирори билан уланган участкадан ток ўтаётганда яхши уланмаганилиги натижасида ток оқиб ўтишига кўрсатиладиган қаршилик ниҳоятда кўпайиб кетади ва бунда электр ўтказгич қизиб чўғланаб кетиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолларда қизиган электр ўтказгич муҳофаза қобиқларини ёндириб юбориши мумкин. Чунки, муҳофаза қобиги сифатида ёнувчи материаллардан фойдаланилади.

Агар оқиб ўтаётган ток кучи ҳисобланган катталиқдан ортиб кетса, унда ўтказгичда иссиқлик ажralиши рўй беради ва бунинг натижасида муҳофаза қобиги ўзининг муҳофазалаш хусусиятини йўқотади.

Электр ўтказгичларда ҳосил бўлган иссиқлик миқдорини куйидагича аниқлаш мумкин:

$$Q = 0,24 \cdot I \cdot R \cdot t. \quad (8.13)$$

Бу ерда: I — ток кучи, А; R — ўтказгичнинг электр қаршилиги, Ом; t — вақт, сек.

Электр тизимларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ўтказгичлар «Электрдан фойдаланиш курилмаларини ишлатишдаги техник қоидалар» асосида ҳисобланади ва керакли кўндаланг кесимларга эга бўлган симлардан ва уларни муҳофаза

қилиш воситаларидан фойдаланилади, шунингдек, тармоқдаги электр қувватини ҳисобга олган ҳолда сақловчи курилмалар билан жиҳозланади.

Электр жиҳозларини ўрнатишда корхона ва хонанинг ёнгинга хавфлилик даражасини ҳисобга олиш шарт. Агар электр курилмалари қоидага мувофиқ ўрнатилган бўлса ҳам унинг ток ўтказувчи қисмлари енгил алангаланувчи ёки ёнувчи суюқликларга тегиб турса, унда бундай ҳол унинг ёнгинга хавфлилик даражасини камайтирамайди.

Электр курилмалари ва электр тизимларини ўрнатганда қисқа туташув бўлган тақдирда уларни ўчириб қўйишни таъминлайдиган сақловчи курилмаларни тайёрлаб қўйиш керак. Электрни ўчирувчи тизимларни берк қопқоқлар билан таъминлаб ўчириш, ёқиши вақтида чиқадиган учқун ёнгин ёки портлашга сабаб бўлмаслигини таъминлаш керак. Электр тақсимлаш тизимлари ҳам улаш ва ўчиришда учқунлар чиқариб ёнгин хавфини кучайтиради. Шунинг учун уларни ёнмайдиган материаллардан курилган, хавфли аралашмалар бўлмаган хоналарга ўрнатилади.

Электр ёритиш тизимлари ҳам муҳофаза қобиқларининг қизиши ва алангаланиши мумкинлиги жиҳатидан ёнгин хавфини туддиради. Шунинг учун ҳам ёритиш тизимларини ўрнатишда уларнинг ўтказгичлари яхши муҳофаза қилинганлигини текшириб резина ёки металл қувурлар орқали ўтказиш тавсия этилади. Электр лампалари ёритаётган вақтида кўпроқ ҳароратда қизиши мумкин. Бундай шароитда унинг юзасига ўтирган чантларнинг ёниб кетиш эҳтимоли кучаяди. Унинг олдини олиш электр лампаларининг тузилишини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

8.7. Электростатик зарядлар ва яшин қайтаргичлар

Кўпгина материаллар ўзаро ишқаланиши натижасида электростатик зарядлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Бундай хосса қаттиқ ва суюқ моддаларда бўлиши мумкин. Айниқса, электростатик зарядланиши сунъий матоларда кучли бўлади. Ҳосил бўладиган электростатик зарядларнинг миқдорига материалларнинг электр ўтказмаслик хосаси, уларнинг ўзаро таъсир босими, ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги катта таъсир кўрсатади. Куруқ ва мўътадил иқлум шароитида ҳосил бўлган электр

зарядлари жуда катта, бир неча ўн минг волт кучланишларга эга бўлиши мумкин.

Саноат корхоналарида ҳосил бўлган электростатик заряд ҳавонинг намлиги, курилмаларнинг электр ўтказувчанлиги на-тижасида ерга ўтиб кетиши мумкин. Баъзи ҳолларда, масалан, ҳаво намлиги кам бўлган, ерга уланмаган қисмларда йиғилган электростатик заряд учкун чиқариб ерга ёки бирор ўтказгичга ўтиб кетиши мумкин. Бундай учкунларнинг қуввати саноат корхонаси хонасида тўпланган ёнувчи газ ёки суюқликлар парлари ва чанглар аралашмасини ёндириб юбориши ҳамда портлаш учун вазият вужудга келтириши мумкин.

3000 В кучланишдаги электростатик заряд электрсизланиши на-тижасида ҳосил бўлган учкундан ҳар қандай газ, буг-ҳаво аралашмаси аланталаниши мумкин. Агар кучланиш 5000 В бўлса, унда ҳар қандай ёнувчи чанглар ва толасимон материаллар аланталаниши мумкин. Саноат корхоналарида ҳосил бўлиши мумкин бўлган электростатик зарядлар биноларда ёнувчи материаллар бўлган тақдирда ёндирувчи восита сифатида ёнгин ва портлашнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Электростатик зарядлар хавфини йўқотиш учун саноат ускуналари, енгил аланталанувчи ва ёнувчи суюқликлар сақлана-диган идишлар ерга уланган бўлиши керак. Чакмоқ чаққан вақтда атмосферада ҳосил бўладиган электр кучланишлари 150 000 000 В ва ток кучи 200.000 А га бориши мумкин. Бундай катта кучланиш ва ток кучи таъсирида ер юзидаги кўпина бинолар ёниб, бузилиб кетиши мумкин.

Курилиш биноларини муҳофазалаш қилиш, одамларнинг хавф-сизлигини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарида яшин қайтаргичлар ўрнатилади. Улар асосан, қайтаргич ўрнатиладиган устун, яшин тушиб қурилмаси, ток ўтказгич ва ерга уланган қисмлардан иборат бўлади. Яшин қайтаргичнинг икки хил тури бўлади, стерженсизмон ва троссимон. Улар бинодан айри ёки бино ичига киритилган ҳолда ўрнатилади.

Яшин қайтаргичнинг муҳофазалаш хусусияти унинг электр токини яхши ўтказувчанлиги ва ерга чуқур ўрнатилган металл қисмлар орқали яшинни ерга ўтказиб юборишига асосланган. Бунда яшин қайтаргич муҳофазаланаётган бинога нисбатан ба-ланд ўрнатилган бўлганлиги ва унинг электр токи оқиб ўтишига қаршилиги кам бўлганлиги учун яшин бинога заар етказмай

ерга ўтиб кетади. Яшин қайтаргич муҳофаза қилаётган ҳудуднинг муҳофаза қилиш коэффициенти 0,99 га тенг.

Стерженсимон яшин қайтаргичлар муҳофазаланаётган объект эгаллаган майдонга қараб, битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Трессимон яшин қайтаргичлар бино устига тортилган битта ёки бир неча симлардан иборат бўлади. Ҳар бир сим икки томонидан устунларга тортилади ва бир томонлама ерга улаб кўйилади. Яшин қабул қилувчи сифатида пўлатдан қилинган симлар, қувурлар, рухланган пўлат трос ва бошқалар қабул қилиниши мумкин. Ток ўтказгич сифатида пўлатнинг хоҳдаган хили ва шаклидан кўндаланг кесими 36 мм.дан кам бўлмаган тақдирда фойдаланиш мумкин. Яшин қабул қилиш қурилмаси ва ток ўтказгичлар кавшарлаб мустаҳкамланади.

Ерга улаш қурилмаси юзаки бўлиши мумкин: бунда шохсимон ҳолдаги ёки нурсимон тартибда ер остига 0,8 м чуқурликда 30 м дан кам бўлмаган «нур»лардан ташкил топган темир стерженлар горизонтал ҳолатда кўмилади. Чуқурлаштирилган ерга улаш қурилмаси эса 2-3 м.дан кам бўлмаган темир қувурларни (ёки бошқа шаклдаги металл таёқчаларни) ер юзасидан 0,7-0,8 м чуқурликкача ерга кўндаланг қоқилади. Бу таёқчалар ва юқори усулдаги «нур»лар ўзаро темир тасмалар билан туташтирилиб, кавшарланади. Бундай ерга улаш қурилмасининг электр токини ўтказишга қаршилиги 10 Ом.дан ошмаслиги керак.

IX боб. ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

9.1. Ёнгиннинг келиб чиқиши сабаблари ва турлари

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бераб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий оғатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир баҳтсиз ҳодисаларга: заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга

карши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Мураккаб оксидланиш жараёнида ёнувчи моддалардаги бир модданинг иккинчи моддага айланиши оқибатида катта миқдорда иссиқлик ва нурланиш ажralиши билан кечадиган ҳолатга **ёниш** деб тушунилади. Ёнгинга асосан уч омил: ёнувчи модда, ёндирувчи муҳит, қиздириш жараёни сабаб бўлади.

Ёниш жараёни, асосан, икки хил бўлиши мумкин. Биринчидан, қаттиқ жисмлар ёниш жараёнида ҳаво муҳитидан ажralган ҳолда бўлади. Бундай ёниш ҳаво ҳарорати натижасида ёниш зонасини кислород билан таъминлаганилиги учун диффузияли ёниш дейилади, уни ёғоч, кўмир ва бошқа моддалар ёнганда кузатиш мумкин. Ёнишнинг иккинчи хили ёнувчи газлар ва суюқликларнинг парлари, ёнувчи моддаларнинг чанглари ҳаво билан аралашган ҳолатдаги ёниши бўлиб, у кинетик ёниш деб юритилади. Бундай ёниш ҳажмли ёниш жараёнида ўтади.

Ёниш тезлиги модда тўйинганлигига, ҳаракатига боғлиқ бўлади. Агар бундай ёниш ёпиқ ҳажмларда ёки идишларда бўлса, портлаш ҳодисаси рўй беради.

Ёниш қўйидаги турларга бўлинади:

- ёнувчи аралашманинг бир лаҳзада ёниб, ўчиши;
- қиздириш натижасида ёнишнинг вужудга келиши;
- учқунланиш натижасида алантага айланиш;
- органик моддалар ичидаги рўй берадиган экзотермик реакциялар натижасида, ёнувчи аралашманинг ташқаридан қиздиришсиз ўз-ўзидан ёниб кетиши;
- ўз-ўзидан алантаганиш, ўз-ўзидан ёнишнинг алантага билан давом этиши;
- портлаш — кимёвий жараённинг босим ва қувват ҳосил қилиш билан ўтиши.

Ёнувчи модда маълум ҳароратда ўзидан ёнувчи буғ ажратиши натижасида алантаганишни таъминласа, бу ҳарорат **алантаганиш ҳарорати** деб юритилади. Баъзи бир органик моддалар (торф, қипик, пахта, кўмир маҳсулотлари) ўз-ўзидан ёниб кетиши хусусиятига эга. Чунки булар ғовак асосга эга бўлганлиги ва оксидланиши мумкин бўлган юза жуда катталиги туфайли, очиқ жойларда маълум миқдорда йиғилиб, об-ҳаво ўзгариши, кислород таъсирида қизиб, ёниб кетади. Бунинг асосий сабаби, органик моддалар намланганда унинг ички қисмida микроорганизмлар

ривожланади ва натижада иссиқлик ажralиб чиқади. Бу ҳодиса органик моддаларнинг ўз-ӯзидан қизиш жараёни деб аталади.

Ёниш жараёни ёнувчи модда молекулаларининг кислород молекулалари билан бирикиш ҳодисаси ҳисбланади. Уни академик Н.Н. Семёновнинг занжирли реакция назарияси асосида тушунилади. Оксидланиш реакцияси натижасида одатда иссиқлик ажralиши маълум шароитда тезлашиб кетиши мумкин. Мана шу тезланиш даври ёнишга ўтган даврга тўғри келиб, буни ўз-ӯзидан аллангаланиш ҳодисаси деб юритилади.

Ўз-ӯзидан аллангаланиш иссиқлик таъсирида ёки занжирли реакция асосида юз бериши мумкин. Иссиқлик таъсирида ёнишда реакция натижасида ажralиб чиқаётган иссиқлик ташки мұхитта тарқалаётган иссиқликдан катта бўлган тақдирдагина вужудга келади. Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Фараз қилайлик, идишда V ҳажмида ёнувчи газ ёки буғланиб ёнувчи газ ҳолатига келган суюқлик ҳаво билан бирга тўлдирилган бўлсин. Шу хонадаги ҳарорат ва атмосфера босими билан идишдаги аралашма ўртасида ҳеч қандай реакция бўлмайди. Маълумки, реакция жараёни фақатгина ҳарорат кўтарилиши билан рўёбга чиқади. Агар биз идиш ҳароратини аста-секин кўтара борсак, яъни идишни қиздирсак, ундан аралашма ҳарорати ҳам кўтарилиб, реакция тезлиги ҳам ортиб боради ва ўз навбатида ажralиб чиқаётган иссиқлик ҳам кўтарилади. Берилётган иссиқликка нисбатан ажralиб чиқаётган иссиқлик миқдори қуйидаги формула асосида бўлади:

$$q = Q \cdot Y \cdot K \cdot C^Y \cdot e^{-E/\{RT\}}. \quad (9.1)$$

Бу ерда: q — иссиқлик ажralиши тезлиги; Q — газ ёнганда ажralадиган иссиқлик; Y — ёнувчи аралашманинг ҳажми; K — реакция тезлиги константаси; C — реакцияга киришувчи моддалар миқдори; E — активлашув қуввати; R — газнинг универсал ўзгармас миқдори; T — аралашма ҳарорати.

Кимёвий реакция тезлиги сифатида маълум вақт бирлигига маълум ҳажмдаги модданинг бирикиш миқдори қабул қилинган. Активлашув қуввати молекулалар ўртасидаги боғланишни ўзгартиришга сарфланиши зарур бўлган қувват миқдоридир.

Реакция натижасида ажralиб чиқаётган иссиқлик ёнувчи аралашманинг қизишига олиб келади. Аралашманинг ҳарорати идиш деворлари ҳароратидан ошиб кетса, ундан ажralаётган иссиқлик атроф мұхитта тарқала бошлайди. Маълум вақт бирлигига идиш деворлари орқали тарқалаётган иссиқлик миқдори,

идиш девори ва аралашма ҳарорати орасидаги айирмага түгри пропорционал бўлади, яъни

$$V = A \cdot S(T - T_n). \quad (9.2)$$

Бу ерда: V — идиш девори орқали тарқалаётган иссиқлик тезлиги; A — иссиқлик тарқатиш коэффициенти; S — идиш деворлари юзаси; T — аралашма ҳарорати; T_n — идиш девори ҳарорати.

Моддалар учун ўз-ўзидан аланталаниш ҳарорати ҳар хил бўлади. Масалан, А-73 бензинининг ўз-ўзидан аланталаниш ҳарорати — 255°C , ёғочники — 400°C , линолеумники — 400°C га тенг.

Табиятда шундай аралашмалар учрайдики, уларнинг ҳароратини ташқаридан оширганиш ҳолда кимёвий жараёнлар рўй бериси ва бу жараёнлар ўз-ўзидан аланталаниш ҳодисасини вужудга келтириши мумкин. Бундай ҳодисаларни занжирли кимёвий жараёнлар деб юритилади. Бу ҳодисанинг бўлишига асосий сабаб аралашма ҳолидаги ёнувчи моддаларда, маълум шароит тақозоси билан, ҳарорат ўзгармаган ҳолда, бир неча марказда модданинг актив атомлари ҳосил бўлади ҳамда улар модда таркибидаги молекулалар билан актив реакцияга киришади, натижасида ёнувчи модда молекулалари парчаланади ва янги актив марказлар ҳосил қиласи.

Агар занжирсизон реакциянинг маркази битта бўлса, унда занжирли реакция суст кечади ва бу тармоқланмаган занжир реакцияси деб аталади. Агар марказ бир нечта бўлса, реакция кескин кучаяди ва ўз-ўзидан аланталаниш жараёнига олиб келувчи реакция — тармоқланган занжир реакцияси содир бўлади.

Буни хлор билан водород молекулаларининг ўзаро бирикиши мисолида кўриш мумкин.

Атом ҳолидаги хлор водород билан енгил бирикади — $\text{H} + \text{CL} = 2\text{HCL} + \text{H}$. Атом ҳолидаги H CL яна парчаланади, $\text{H} + \text{CL} = \text{HCL} + \text{CL}$. Буларни ўзаро қўшсак $\text{CL} + \text{H} + \text{CL} - \text{CL} + 2\text{HCL}$. Кўриниб турибдики, занжирсизон реакция марказлари тугамайди ва давом этаверади. Занжирсизон реакциянинг ўз-ўзидан аланталанишига олиб келувчи хусусияти ҳарорат кўтарилиганда тезлашади.

9.2. Газсимон моддаларнинг ёниш ва портлаши хусусиятлари

Ҳар қандай газсимон модданинг ёнгинга ва портлашга хавфлилиги алангаланиш чегаралари, ёниш ҳарорати ҳамда аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги билан белгиланади. Газнинг ҳаво билан аралашиб ёниши ҳар қандай ҳолатда ҳам амалга ошавермайди, балки маълум чегарарадаги аралашма ҳосил бўлгандагина ёниш рўй беради. Шунинг учун ҳам аралашмаларнинг алангаланиш чегаралари кути ва юқори чегаралар сифатида белгиланади. Кути чегара деганда газнинг энг кам миқдори аланга ҳосил қиласидиган ҳолат тушунилади ва мана шу чегара саноат корхонанинг ёнгинга ҳамда портлашга хавфлилик даражасини белгиловчи омил ҳисобланади.

Ҳавонинг газ билан аралашмаси, ёниш учун етарли миқдорда йиғилган бўлса, маълум шароитда қиздирилганда алангаланиб кетади, мана шу ҳарорат ёниш ҳарорати деб аталади. Бу ҳарорат ёнувчи аралашма ҳолати ва бошқа омиллар таъсирида жуда юқорилашиб кетиши мумкин ($450^{\circ}\text{Сдан } 2000^{\circ}\text{Сгача}$).

Кўпгина газ аралашмаларининг ёниш тезлиги — уларнинг миқдори ва газнинг хусусиятига боғлиқ. Газларнинг ёниш тезлиги $0,3\text{--}0,8 \text{ м/сек.}$ бўлади. Бундан водород билан ацетилен гази мустасно, уларнинг ёниш тезлиги $2,76 \text{ м/сек.}$ ва $5,6 \text{ м/сек.}$ ни ташкил қиласиди. Ёнишнинг тез кетиши *портлаш* дейилади. Ёниш қанча қисқа муддатда амалга ошса, портлаш кучи шунча катта бўлади.

Суюқликлар газсимон муҳитда ёниб, бугга айланиш жараёни тезлиги суюқликнинг физик ва кимёвий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шунингдек, бугга айланиш жараёни ташки мухит ҳароратига ҳам боғлиқ. Маълум ҳарорат ва босимдаги суюқлик юзасида суюқлик буғи ҳосил бўлади. Бу буғ миқдори ҳарорат ўзгармаган ҳолатда ортиб ёки камайиб кетмайди. Уни тўйинган буғ деб аталади. Тўйинган бугга айланадиган молекулалар сонига тенг бўлганлигидан унинг миқдори ҳаво мухитига бир хил сақланиб туради. Бундай ҳолатдаги суюқликнинг ҳаво мухитига нисбатан зичлигини миқдор босими деб юритилади. Яъни, буғнинг ҳаво таркибидағи тўйинган миқдори 20% ни ташкил қиласа, унда бу аралашманинг миқдорий босими $0,20 \text{ Р}$ деб қабул қилинади. Бунда, Р — атмосфера босими.

Агар түйинган буғнинг миқдор босими маълум бўлса, шу ҳароратда ҳаво муҳитидаги зичлигини аниқлаш мумкин.

Газларнинг ёниши, маълум ҳаво муҳитида рўй бериши мумкин. Ҳавода ёнувчи газнинг ҳажми, умуман түйинган ҳолатдаги ҳажмдан кўп бўлиши мумкин эмас, шунинг учун модданинг ёниш чегарасини фақат ҳарорат билангина белгилаш мумкин ва бу ҳажм ёнувчи модданинг юқори чегараси деб юритилади. Суюқлик ва газларнинг ҳаво муҳитидаги зичлиги тўйиниш нуқтасидан паст бўлган ҳолларда ҳам маълум ҳароратда аланталаниш ҳодисаси рўй бериши мумкин. Шунинг учун ҳар хил ёнувчи моддалар энг кам миқдори учун ҳам аланталаниш ҳарорати аниқланади. Демак, ҳар қандай ёнувчи суюқликнинг ёниши учун у маълум ҳароратгача қиздирилиши ва бу вактда суюқликдан ажralиб чиқаётган буг миқдори алантани давом эттира оладиган миқдорда бўлиши керак. Суюқликларнинг ана шу хусусиятлари асосида уларнинг чақнаш ва аланталаниши ўрганилади. Чাқнаш ҳарорати деб, унча юқори бўлмаган ҳароратдаги суюқлик юзасида буғларнинг ҳаво билан аралашмаси ҳосил бўлиб, аралашма ташқаридан қиздирилса, ёниб кетиши мумкин бўлган ҳароратга айтилади.

Мана шу хоссага асосланган ҳолда суюқликлар икки туркумга бўлинади:

1. Агар суюқликнинг чақнаш ҳарорати 45°C .га тенг ёки кичик бўлса, енгил аланталанувчи суюқлик деб аталади. Енгил аланталанувчи суюқликларга бензин, спирт ва бошқа моддалар мисол бўлади.

2. Чাқнаш ҳарорати 45°C .дан юқори суюқликлар ёнувчи суюқликлар деб аталади.

Аланталаниш ҳарорати деб суюқликнинг минимал ҳароратдаги чақнашида суюқликдан маълум даражада буғлар ажralиб чиқишини натижасида аланталаниш давом этадиган ҳолатга айтилади. Енгил аланталанувчи суюқликлар учун бу ҳарорат чиқнаш ҳароратидан $1-5^{\circ}\text{C}$ юқорироқ бўлади, ёнувчи суюқликлар учун эса $30-35^{\circ}\text{C}$.га бориши мумкин.

9.3. Моддаларнинг ёниш ва портлаш хусусиятлари

Моддаларнинг ёниш хусусияти деб, қиздириш натижасида уларнинг парчаланиб ёнувчи газсимон ва буғсимон моддалар ҳосил қилиши тушунилади. Ёнувчи моддаларнинг парчаланиш

ҳолатини учувчи қисмининг ёниш қонуниятини ўрганишда қўллаш мумкин.

Масалан, қуруқ моддаларни қиздириб ҳайдаш йўли билан газга айлантириш мумкин. Ҳайдашдан кейин ҳосил бўлган ёки қолган қолдиқ Кокс қолдиги деб юритилади. Кокс қолдигининг ёниши газсимон моддаларнинг ёниш жараёнидан бир мунча фарқ қилсада, ўз-ўзидан алангаланишнинг иссиқлик назариясини ўрганишда юқоридаги жараёндан фойдаланиш мумкин. Қаттиқ моддаларнинг ёнгинга хавфлилик хусусиятлари қаттиқ модда ёнганда ажralиб чиқадиган иссиқлик миқдори, ўз-ўзидан алангаланиш, ёниб кетиш тезлиги ва материал юзасида ёнишнинг тарқалиши билан ифодаланади.

Ёниш харорати қаттиқ жисмлар ёнганда ҳосил бўладиган иссиқлик миқдори ва ёниш зонасига келаётган ҳаво миқдорига боғлиқ. Қаттиқ ва суюқ ёқилғи ёниши учун керак бўладиган ҳаво миқдорини куйидагича ҳисоблаш мумкин.

Ҳар қандай ёнувчи модда таркибига углерод, олtingугурт, водород ва кислород киради. Шулар таркибидан келиб чиқиб, жисмнинг ёниши учун сарфланадиган ҳаво миқдорини ҳисоблаб чиқиши мумкин:

$$V = 1/23(2,67C + S + 8H - O). \quad (9.4)$$

Қизиш натижасида жисмларнинг ёниши учун ҳаво алмашшиш — конвекция ҳодисаси сабабли ёниш зонасига назарий жиҳатдан керак бўладиганига нисбатан кўпроқ ҳаво оқимига олиб келади. Ҳақиқатда сарфланган ҳаво миқдорининг, назарий жиҳатдан ҳисобланган ҳаво миқдорига нисбати ортиқча ҳаво миқдори деб юритилади. Ёнгин вақтида бу коэффициент доираси ниҳоятда катта бўлиб, 2-20% гача ўзгаради. Етарли бўлмаган ҳаво муҳитида ёниш тўлиқ бўлмайди, ҳосил бўлган ёнгин маҳсулотлари (CO , қурум, спиртлар) яна ёниш хусусиятига эга бўлади. Бундай маҳсулотлар оз миқдорда бўлсада, тутун таркибida бўлади.

Қаттиқ моддаларнинг майдаланган $10^{-9} \dots 10^{-7}$ м катталикдаги зарралари ҳаво муҳитида узоқ вақт юриши катта зичликка эга бўлган тумансимон муҳитни вужудга келтиради. Бундай майда заррачаларнинг кўп миқдорда йиғилиб қолиши худди газ ва ёнувчи суюқликлар каби портлаш хусусиятига эга бўлади. Одатда ҳаво таркибидаги чанглар миқдори g/m^3 ёки mg/l бирликларда ўлчанади. Кўпгина ёнувчи моддалар чангларининг портлаши учун пастки зичлик миқдори жуда катта бирликларни ташкил

қиласы. Қанд ва торф чангининг портлаши учун қуи чегарадаги зичлиги $13500 \text{ г}/\text{м}^3$ ва $2200 \text{ г}/\text{м}^3$ ташкил этиб бундай чангларни портлатиб юбориш учун катта күвватдаги ёндирувчи импулс зарур.

Портлашнинг бошлангич фазасида ҳаво таркибидағы эң майда зарралар ҳамда уларнинг ажраттан иссигидан катта зарралар алангаланади, шундан кейин зичлик етарлы бўлса, алангланиш ҳажмий тус олади ва портлаш юз беради. Шунинг учун ҳам зичликнинг қуи чегараси асосида чангларнинг ёнфинга ва портлашга қарши хавфлилiği аниқланади. Алангаланишнинг қуи чегараси $65 \text{ г}/\text{м}^2$ гача бўлган зичликка тўғри келган чанглар портлашга хавфли (олтингугурт чанги, ун ва б.), бу чегара $65 \text{ г}/\text{м}^2$ дан ортиқ зичликка тўғри келса, унда ёнфинга хавфли чанглар тоифасига киради (тамаки, ёғоч чанги).

9.4. Саноат корхоналарининг ёнгин ва портлаши хавфи бўйича даражалари

Саноат корхонасининг ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, тайёрлайдиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг лойиҳасини ҳисобга олиб ёнгин чиқишига, портлашга, ёнгин чиқдан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек, ёнгиннинг асоратига асосланган ва портлашга хавфлиллик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир саноат корхонасида ёнгин хавфи биринчи навбатда у ерда ишлатилаётган хом ашёниг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнгинга хавфлиллик даражаси билан ўлчанади. Масалан, корхона газсимон ёнувчи моддалар ишлатиб, оладиган маҳсулоти енгил алангаланувчи суюқлик ҳолатида бўлса, унда ёнгиннинг тарқалиб кетиши эҳтимоли бўлиб, бундан корхона жуда катта зарап кўриши мумкин.

Саноат корхоналарида ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меъёр ва қоидалар (ОНТП 24-86) асосида барча саноат корхоналари ёнгин ва портлаш хавфи бўйича бешта даражага бўлинади.

А даражали ёнгин ва портлашга хавфли саноат корхоналари. Булар суюқлик таъсирида ҳаводаги кислород билан бирикиш натижасида ёниши ва портлаши мумкин бўлган моддалар, чақнаш ҳарорати 28°C .гача бўлган суюқлик ва газларни портлаш

имкониятини түгдериши мумкин бўлган саноат корхоналари бўлиб, босим 5 КП.гача бўлиши керак.

Бу даражага олтингугурт, углерод, эфир, ацетон ва бошқа шунга ўхшаш моддалар ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

Б даражали портглаш ва ёнгинга хавфли корхоналар. Уларга чақнаш ҳарорати 28°C.дан юқори бўлган ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида чақнаш ҳароратигача қиздирилган суюқликлар, чанг ва толалар бўлган ҳолда бу газ, суюқлик ва чанглар хонада 5 КП.дан кўпроқ миқдорда тўпланиб, портловчи аралашма ҳосил қилиши мумкин бўлган саноат корхоналари киради.

В даражали корхоналарга ёнгинга хавфли бўлган, буғ, ҳарорати бўлган суюқликлар, шунингдек, бир-бири билан, ҳаводаги кислород сув билан бириккан ҳолда ёнувчи моддалар ва қаттиқ ёнувчи жисмлар билан иш олиб бориладиган саноат корхоналари киради.

Г даражали корхоналар. Бу даражага ёнмайдиган жисм ва материалларга, қиздириб, чўғлантириб ва эритиб ишлов бериш жараёнида турли иссиқлик, учқун ва аланталар чиқиши мумкин бўлган, қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар ёқилғи сифатида ишлатиладиган саноат корхоналари киради.

Д даражали корхоналарга ёнмайдиган жисмлар ва материалларга совуқ ишлов берадиган саноат корхоналари киради.

X боб. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАПДА ЁНГИНГА ҚАРШИ АСОСИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

10.1. Ёнгинга қарши кураш тадбирлари

Саноат корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда ёнгинга қарши кураш тадбирлари кўрилади. Ҳамма қурилиши конструкциялари халқаро стандартларга асосан ёниши бўйича уч гурухга бўлинади:

- ёнмайдиган конструкциялар — буларга катта иссиқлик ҳарорати ёки алантга таъсирида ёниб кул ё кўмирга айланмайдиган қурилиш конструкциялари киради;

- қийин ёнадиган конструкциялар — буларга иссиқлик ҳарорати ёки кучли алант доимий таъсир этган тақдирда тутаб ёнадиган, алантга таъсири ўйқолиши билан ўчадиган саноат конструкциялари киради;

- ёнадиган конструкциялар — буларга аланга ёки юқори ҳарорат таъсир этганда алангаланиб ёнадиган саноат конструкциялари киради.

Бино курилишида ишлатиладиган курилиш конструкцияларининг ёнгинга чидамлилиги уларнинг қандай материалдан тайёрланганлигига боғлиқ бўлади.

Ёнгин шароитида курилиш конструкцияларига юқори ҳарорат таъсиридан ташқари бошқа кучлар, масалан, конструкциянинг ўз оғирлиги, у кўтариб турган умумий оғирликдан ташқари яна қўшимча статик ва динамик кучлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай кучлар таъсирида конструкциялар эзилиши, букилиши ва мустаҳкамлигини йўқотиб, кўтариш хусусиятига путур етиши мумкин.

Бундан ташқари, ёнгин вақтида курилиш конструкциялари хавфли даражадаги юқори ҳароратда қизиши, эриб ёки куйиб кетиши, шунингдек, ёриқлар ҳосил бўлиши мумкин, бу ёриқлар орқали ёнгиннинг қўшни хоналарга тарқалиш хавфи кучайиб кетади. Шунинг учун ҳам маълум муддат ўтгач, саноат конструкцияларининг бардошлиқ ҳолатлари намоён бўлиб, бу уларнинг ўтга чидамлилиги деб юритилади.

Материал ва конструкцияларнинг ўтга чидамлилик чегараси тажриба йўли билан аниқланади. Тажрибада маҳсус стендлардан фойдаланилади. Синалаётган конструкция ўрганилиб, уни маълум вақтгача, ёнгин вақтида ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳароратда қиздирилади. Бунда курилиш конструкциясида баъзи бир ўзгаришлар рўй бериши, яъни конструкцияда ёриклар ҳосил бўлиши мумкин.

Синалаётган конструкция юзасининг қиздира бошлангандаги ҳароратидан қатъи назар 220°C ҳарорат ҳосил бўлса, конструкция ўз юк кўтариш имкониятини йўқотиб бузилиб тушса, унда бу конструкция ўтга чидамлилик даражасига етди, деб ҳисобланади. Ўтга чидамлилик чегараси вақтларда белгиланади. Шу вақтларнинг давомийлигига қараб саноат курилиши конструкцияларининг ўтга чидамлилик даражаси белгиланади. Бу даражалар рим рақамлари билан ишораланади.

I даражали ўтга чидамли бўлган биноларнинг асосий деворлари, зинапоя майдонлари ва устунларининг ўтга чидамлилик чегараси 2,5 соатдан кам бўлмаслиги, II даражали девор ва майдонларнинг чидамлилик чегараси 1 соатдан, ташқи девор ва оралиқ деворларники 0,5 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Курилиш конструкцияларининг ўтга чидамлилик даражасини ошириш имкониятлари мавжуд. Масалан, металл конструкцияларнинг ўтга чидамлилик даражаси ниҳоятда паст бўлиб, тахминан 15-20 дакиқа ичida ўз кўтариш имкониятини йўқотиб, эгилиб букилиб кетади. Агар бу конструкцияни ўтга чидамли бўёқлар билан мойласак, унинг ўтга чидамлилиги бирмунча ортиши мумкин. Ёки алебастр, цемент қоришималари билан сувасак, унинг ўтга чидамлилиги 1 соатга етиши мумкин. Металлдан қилинган устунларни 6 см.дан кам бўлмаган, ганч плиталар билан қопласак, унда бу устунларнинг ўтга чидамлилик чегараси 3,8 соатга етиши мумкин.

Ёғоч конструкцияларни ўтга чидамлилигини ошириш муҳим аҳамиятта эга, чунки улар 270-280°С.гача қиздирилганда ёна бошлияди. Агар ёғочдан қилинган конструкциялар ўтга чидамли қобиқлар билан сувалса, уларнинг ўтга чидамлилиги ортади. Сувоқ қилиш учун асбестцемент ва ганч қоришималаридан фойдаланиш мумкин. Сувоқнинг қалинлиги 20 мм бўлганда ёғоч конструкциясининг ўтга чидамлилигини ошириш 20-25 минутга етиши мумкин. Бундай конструкцияларнинг ўтга чидамлилигини оширишда антипириинни ёғоч устига сепиш ёки шимдириш яхши натижага беради. Антипириин кимёвий бирикма бўлиб, ёғоч таркибига кириб бориши натижасида унинг ёнишини қийинлаштиради. Агар ёғочга 75 мм микдорда шимдирилса, яхши натижага эришилади. Бундай шимдириш чукур шимдириш деб аталади ва маҳсус мосламаларда амалга оширилади. Антипириин билан ёғоч юзасига ишлов бериш билан ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунда антипириин тежалади, чунки 1 м юзага 100 г антипириин тузи сарфланади. Юқоридагича ишлов беришлар ёғоч конструкциясининг ёнишини бирмунча қийинлаштириш ҳисобига ўтга чидамлилигини оширади. Корхоналарни лойиҳалаш ва куриш жараёнида ёнғинга қарши чора-тадбирлар белгиланади. Бу чора-тадбирлар саноат корхонасининг бош режасига киритилади. Саноат корхоналарини лойиҳалаштиришда, корхона жойлашган ернинг баланд-пастлиги, шамолнинг асосий йўналиши ва кучи ҳисобга олинади. Корхоналарда иситиши воситалари, қозон курилмалари одатда очиқ аланга ёрдамида ишлатилади ва улардан чиқиши мумкин бўлган учқунлар ёнғин хавфини туғдирувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай воситалар шамол йўналишига қарама-қарши томонда, енгил алангаланувчи суюқликлар ва суюлти-

рилган ё сиқилган газларнинг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда ташкилот худудидаги автомобил йўлларини тўғри таъмирлаш катта аҳамиятга эга. Чунки ёнгин вактида ўт ўчириш машинаси ҳеч қандай тўсиқсиз исталган жойга бора олиши лозим.

10.2. Ёнгинга қарши оралиқлар, эвакуация йўллари ва хоналардаги тутунни чиқарип юбориш воситалари

Ёнгин бўлган вактда аланга бир бинодан иккинчи бинога ўтиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ёнгинга қарши оралиқлар ташкил қилинади. Бундай оралиқлар белгиланаётганда, асосан, ёнма-ён жойлашиши мумкин бўлган биноларнинг ёнгинга хавфлилик даражаси, конструкцияларининг ўтга чидамлилиги, аланталаниш майдони, ёнгинга қарши тўсиқларнинг мавжудлиги, бинонинг тузилиши, об-ҳаво шароитлари ва бошқалар ҳисобга олинади. Ёнгинга қарши оралиқларни ташкил қилишда биноларнинг ўтга чидамлилик даражаси ҳисобга олиниади.

Саноат корхоналаридаги асосий бинолар, ёрдамчи хона, омбор курилишлари орасидаги оралиқларнинг биноларнинг ўтга чидамлилик даражасига нисбати 10.1-жадвалда келтирилган.

10.1-жадвал

Саноат корхоналаридаги ёнгинга қарши оралиқлардаги биноларнинг ўтга чидамлилик даражасига нисбати

Бир бинонинг ўтга чидамлилик даражаси	Утга чидамлилик тоифаси асосида бинолар ўртасидаги ёнгинга қарши оралиқ (м)			
	I ва II	III	IV ва V	
I ва II	Г ва Д даражали корхона бинолари учун меъёrlанмайди	9	12	
III	9	12	15	
IV ва V	12	15	18	

Баъзи ёнгин хавфи деярли йўқ бўлган бинолар учун ёнгинга қарши оралиқлар белгиланмайди. Г ва Д даражадаги саноат корхоналари, уларнинг ўтга чидамлилик тоифаси I ва II даражали ҳамда томи ёнмайдиган материаллар билан ёпилган бўлса, шу-

нингдек ташқи деворлари ёнгинга қарши түсиқ сифатида қурилған бўлса, ёнгинга қарши оралиқ белгиланмаслиги мумкин.

Ҳар бир саноат корхонаси учун мўлжалланган бино лойиҳаланаётган вақтда кишиларни у ердан ўз вақтида чиқариб юбориш – эвакуация йўллари билан таъминланади. Эвакуация йўллари ҳар қандай саноат корхонаси учун, албатта, энг камидаги иккита бўлиши керак. Ёнгин бўлган тақдирда ишчи ва ходимлар бу ҳудуддан энг қисқа йўл орқали зудлик билан чиқиб кетишила-ри зарур.

Эвакуация йўллари бинонинг қарама-қарши томонида жойлашган бўлиши шарт. Лифт ва бошқа одамларни чиқариб туширишга мўлжалланган механизациялаштирилган воситалар эвакуация йўллари сифатида ҳисобга олинмайди. Эвакуация йўлларининг эни 1 м.дан, эшикларининг эни 0,8 м, бўйи 2 м.дан кам бўлмаслиги керак. Йўлка ва зинапоялар одамлар сонига қараб ҳисобланади.

Саноат корхоналарини лойиҳалашда одамларни эвакуация қилишга мўлжалланган зинапоялар меъёрлар асосида ўрнатилади. Зинапоя ўрнатилган катаклар тутун тўпланимайдиган бўлиши, яъни, тутунни чиқариб юборишни таъминловчи техника воситаларига эга бўлиши лозим. Ҳар хил баландликдаги бинолар учун ёнгинга қарши маҳсус нарвоқлар ўрнатилиши керак. Эвакуация йўлларининг ҳисоби, шу ердаги умумий жойларнинг чиқиб кетиши учун керак бўладиган вақтни белгилаш билан амалга оширилади. Маълумки, ёнгин содир бўлган вақтда ҳосил бўладиган тутун ниҳоятда катта ҳажмни ташкил қиласди. Унинг тарқалиши ва бўғувчи таъсири натижасида бинодаги одамларни эвакуация қилиш қийинлашади ва алангаланаётган ерга етиб боришида, ўтни ўчиришда қийинчиликлар туғдиради.

Тутун ва газлар эшик, деразалар орқали, шунингдек, аэрация фонарлари орқали чиқариб юборилади. Тутунни чиқариб юбориш оралиқлари ҳосил бўлган тутунни атрофдаги хоналарга ўтмаслигини таъминлаши, шунингдек, ёнгинни керакли томонга ўйналириш имкониятини бериш керак. Тутунни чиқариб юбориш тешиклари фонарсиз саноат бинолари ва омборларда кўлланилиши мумкин. Енгил девор конструкциялари олдиндан ҳисоблаб ўрнатилган бўлади ва ёнгин натижасида ҳосил бўлган газлар босими хавфли вазиятни вужудга келтирса, бу улар қулаб, бинонинг асосий конструкцияларига заар етмаслигини таъминлайди. Енгил конструкциялар, асосан, бинонинг таш-

қарига чиқиб турған деворларига ёки тұсикларига үрнатилиб босым маълум миқдордан ошиб кеттгана, йиғилиб қолган газларни чиқариб юбориш имкониятини беради.

10.3. Ёнғин ҳақида хабар берип воситалари

Саноат корхоналари биноларини ёнғиндан муҳофаза қилиш учун ишлатиладиган асосий техник хабар берувчи курилмалар асосида аниқланади. Ёнғинга қарши кураш омилларидан бири уни ўз вақтида аниқлаш ва у кучайиб кетмасдан олдин кураш чора-тадбирларини амалга оширишидир. Бунда алоқа воситалари ва сигнализациядан фойдаланиш яхши натиха беради. Шунинг учун саноат корхоналарида алоқанинг энг ишончли воситаси ҳисобланған шаҳар телефон тармоғидан фойдаланилади. Баъзи ҳолларда телефон алоқаси тұғридан-тұғри ўт үчириш командалари билан боғланған бұлади.

Саноат корхоналарида ёнғин содир бұлғанда одам иштирокисиз, ёнғин ҳақидағы хабарни диспетчер хизматига ёки тұғридан-тұғри ўт үчириш бұлымларига етказиш воситалари алоқанинг бирмұнча мукаммал тури ҳисобланади. Бунда хабар ёнғин бўлаётган жойни кўрсатиб турғанлигидан ўт үчириш командасининг тез фурсатда етиб бориш имконияти ошади.

Баъзи бир автоматик ўт үчириш воситалари билан таъминланған тизим ёнғин ҳақида хабар бериш билан бирга муҳофазаланаётган бинодаги ёнғинни ёрдам командаси келгунга қадар ҳам үчириши мумкин. Ёнғин ҳақида хабар берувчи курилма маълумотни қабул қилиб олади ва унда иссиклік куввати электр кувватига айлантирилғанлиги сабабли қабул қилиш станциясига симлар орқали маълумот юборилади. Баъзи бир тизимларда бу маълумотларни узатиши билан чекланмасдан, ўт үчириш воситаларини ишга тушириш ҳам автоматик равища амалга оширилади. Хабар берувчи курилмалар ишлаш омилига кўра кўл билан ҳаракатлантириладиган ва автоматик равища ишлайдиган турларга бўлинади. Кўл билан хабар берувчи курилмалар саноат корхоналари цехларидан маҳсус үрнатилған тутмачаларни босиш орқали ишга туширилади.

Автоматик хабар бериш курилмалари (АХБҚ) ташқи муҳитнинг баъзи бир кўрсаткичлари, масалан, ҳароратнинг кўтарилиши, тутун пайдо бўлиши ва аланганинг кўтарилиши натижасида ҳосил бўладиган ўзгаришлар асосида маълумотни қабул

құлади. Автоматик хабарчилар биметалл, термопараға ёки ярим үтказгичларға асосланған бұлади. Иссиқлик хабарчилари ишлаш хоссаларига қараб, максимал ва минимал дифференциал турларға бұлнади. Максимал турдаги АТИМ хабарчиси хонадаги маълум белгіланған ҳарорат чегара міндоридан ортиб кеттанды ишга тушади. Бу хабарчилар 60°C ва 80°C ҳароратта мосланиб, ҳарорат шу нүктеге чиққандан кейин 2 минут ичида ишга тушади, унинг муҳофаза қилиш майдони 15 м.

Дифференциал турдаги ТЭДС хабарчиси ҳароратнинг кескин ортиши ҳисобига ишлайди. ТЭДС үрнатылған хонада ҳарорат кескин күтарилиб кетса, у ишга тушади. Бундай хабарчининг муҳофаза қилиш майдони 30 м. Максимал дифференциал турдаги хабарчилар ташқы мұхит ҳарорати күтарилиши ҳисобига ишлайди. Бундай хабарчиларнинг ишга тушиш вақты 50 сек., муҳофаза майдони 25 м атрофида. Иссиқлик хабарчиларининг ишлаш омили ва лойиҳалари ҳар хил бўлиши мумкин.

Иссиқлик таъсирида ишлайдиган хабарчиларнинг битта умумий камчилиги бор. Улар аланга ёки иссиқлик ажralгандан 1 ва 2 минут кейин ишга тушади. Ёнғиннинг мана шу 1-2 минути ниҳоятда қымматта тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида зудлик билан ишга тушадиган хабар берувчи курилмалар үрнатиш мақсадға мувофиқ. Улар ёнғин чиқиши, тутун ва учқун чиқиши билан ишга тушиши керак. Бундай асбоблар фотоэлемент ионлашиш камералари, ярим үтказгичлар ва термопаралар ёрдамида тайёрланиши мумкин.

Термопарага асосланған иссиқлик хабарчилари иссиқликнинг электр күвватига айланиши асосида ишлайди. Агар биз электр занжирини ҳар хил электр үтказувчанликка эга бўлған турли материалдан тайёрласак ва уларнинг уланған ерларига ҳар хил иссиқлик билан таъсир кўрсатсак, бу занжирда маълум міндорда электр юритувчи куч ҳосил бўлади. Бу электр юритувчи кучнинг міндори занжирда иштирок этаёттан ярим үтказгичнинг хосасига ва ҳароратлар фарқига боғлиқ бўлади. Ҳар хил ярим үтказгичлардан ташкил топган электр занжирни термопара деб юритилади. Электр юритиши кучи міндорини ошириш учун уни ташкил құлувчи термопаралар сони ошириллади.

Ярим үтказгичли иссиқлик хабарчиларнинг сезги таркиби сифатида терморезисторлардан фойдаланилади. РУОП-1 радиоизотоп қурилмаси ёнғин чиққан жойларни аниклаб ёруғлик ва

овоз сигналларини беради, натижада ёнғинга қарши автоматик тизимларни ишга тушириш таъминланади.

10.4. Сув, буғ, карбонат кислота ва кўпик ёрдамида ўт ўчириш

Ҳар қандай ёнғинни ўчирганда унинг кучайишига олиб келаётган омилларни ва шароитни аниқлаш мухимdir. Ёнишнинг давом этишини тўхтатувчи шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотлар, асосан, қаттиқ чангсимон моддалар, пар ва газдан иборат бўлади. Ҳосил бўладиган ҳарорат эса, модданинг ёнғанда иссиқлик ажратиши, ёниш тезлиги, аланганинг тарқалиши, шунингдек, бинонинг ҳажми ва ҳаво алмашиш шароитларига боғлиқ бўлади. Юқори ҳарорат таъсирида қизиган тутун, ёниш маҳсулотларининг тарқалишига ёрдам беради, хона тутунга тўлади ва бу ўз навбатида ёнғинни ўчиришда нокулай шароитни юзага келтиради. Ёнғин вақтида кўп миқдорда инерт газлар, тутун ажралиб чиқади. Бу газларнинг асосий қисми заҳарли бўлиб, уларнинг таъсири ёнаётган материалларнинг тури ва ёнишнинг кучига боғлиқ бўлади.

Юқоридаги вазиятларда ўтни ўчириш учун куйидаги усуllар қўлланилади:

1. Ёнаётган жойни кўп миқдорда иссиқлик ютувчи материаллар ёрдамида совутиш;

2. Ёнаётган материални атмосфера ҳавосидан ажратиб қўйиш;

3. Ёнаётган жойга кираётган ҳаво таркибидаги кислород миқдорини камайтириш;

4. Махсус кимёвий воситаларни қўллаш. Ўт ўчириш воситалири сифатида сув, сув буғлари, кимёвий ва механик кўпиклар, инерт ва ёнмайдиган газлар, қаттиқ ё кукунсимон материаллар, махсус кимёвий моддалар ва аралашмалардан фойдаланилади.

Сув ўт ўчириш хусусиятига кўра энг кучли, кенг тарқалган ўт ўчириш воситаси бўлиб, у билан ҳар қандай катта ва кичик ҳажмдаги ёнғинларни ўчириш мумкин. Сувнинг асосий ўт ўчириш хусусияти унинг кўп миқдорда иссиқлик ютишига асосланган бўлиб, ёнаётган жой ҳароратини кескин камайтириб, ёнмайдиган ҳолатта олиб келади. 1 литр сувни 1°C гача иситиш учун 4,2 кДж иссиқлик сарфланади. Унинг буғга айланиши учун эса 2260 кДж иссиқлик сарфланади. Бундан ташқари, 1 литр сув 1700 л буғга айланишини ҳисобга олсак, унда ёнаётган жойдан

кислородни сиқиб чиқариш ҳисобига яна алангани ўчириш таъминланади.

Сув билан реакцияга киришиши мумкин бўлган моддаларни, масалан, калий, натрийларни сув билан ўчириб бўлмайди. Шунингдек, сув билан кучланиш остида бўлган электр курилма-ларини ҳам ўчириб бўлмайди, чунки булар 10°C дан паст ҳароратда ҳам сув билан реакцияга киришиб сув таркибидан водородни сиқиб чиқаради, унинг ҳаво билан аралашмаси портлашга хавфли аралашма ҳосил қиласди. Сувнинг электр токини яхши ўтказиш ўт ўчирувчилар ҳаёти учун хавфли вазият вужудга келтиради. Бундан ташқари, ёнаётган калпий карбидни ҳам сув билан ўчириб бўлмайди, уларнинг ўзаро таъсирашуви натижасида ацетилен ажралиб чиқиши портлаш хавфини вужудга келтиради.

Сув билан ўчиришда сувни кучли оқим сифатида, пуркаш йўли билан, майда заррачалар сифатида ва кўпиклантирилган ҳолатларда қўллаш мумкин. Кучли сув оқими сифатида ёнаётган зонага йўналтирилган сув биринчидан алангага зарба беради, иккинчидан ёнаётган юзани совутади. Бундай алангаланаётган ёнғинларни узоқдан туриб ўчириш тавсия этилади. Кучли сув оқими билан ҳар қандай ёнғинни ҳам ўчириш имконияти бўлавермайди. Масалан, енгил алангаланувчи суюқликларни бу усулда ўчириш заарлидир. Чунки улар кучли сув оқими таъсирида катта майдонларга тарқаб кетиши, сувдан енгил бўлганлиги сабабли сув юзасида ёнавериши мумкин.

Агар сув билан пуркаш усули қўлланилса (сув зарраларининг катталиги 0,1 мм.дан кичкина бўлади), унда сув зарраларининг ёнувчи жисмлар билан тугашиш юзалари катта бўлганлиги учун ёнаётган зонадан иссиқликни ютиш катталашади. Шунингдек, сувнинг буғланиши кучаяди, бу ўз навбатида ўчиришнинг ҳавони сиқиб чиқариш омилини вужудга келтиради. Ушбу усулда бинолар ичидаги ёнғинни ўчириш хонадаги ҳароратни пасайтириш ва туғунга қарши курашиш каби ижобий натижаларни беради.

Пуркалган сув ёниш маҳсулотлари билан тўқнашиб буғга айланади ва бу буғ юқорига қараб йўналади ва хонанинг юқори томонини эгаллайди. Йирикроқ заррачалар эса қизиб, ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотлар билан бирикиб пастроқча — ёниш ўчогига йўналади ва буғланиб яна ҳавонинг ўрнини эгаллайди. Бу билан ажралаётган тутунни босиб хонани совутади, киско-

родли ҳавонинг кириш йўлини босим ортиши ҳисобига камайтиради. Бу эса ёнгинни ўчириш имкониятини яратади. Бу усулда 120°C ҳароратдан юқори ҳароратларда чақнаш мумкин бўлган ёнувчи суюқликларни ўчиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Баъзи бир саноат корхоналарида жуда кўп миқдорда буғ ҳосил бўлиши мумкин. Бундай корхоналарда ёнгин чиқсан тақдирда буғдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ёнгинни буғ билан ўчиришда буғнинг хоналарга юборилиши натижасида, хонадаги кислородга бой ҳаво сиқиб чиқарилади. Бу усулда ўт ўчириш самарадорлигини буғнинг маълум бир хонага юборилган миқдорига боғлиқ бўлади.

Бу ёнаётган хонадаги асосий бўшлиқларнинг ҳаммасини тўлдириб, кислородли ҳавони бутунлай сиқиб чиқариши керак. Бунда ҳосил бўладиган ортиқча намлиқ ўт ўчиришнинг асосий воситаси бўла олмайди. Ёнгин бўлаётган хонага қисқа муддат ичида (5-10 минут) кўп миқдорда тўлгунча буғ юборилади ва у чиқиб кетиши мумкин бўлган тирқишлар иложи борича беркитилади. Буғ хонани бутунлай қоплаб, у ердаги кислородли ҳавони қисман сиқиб чиқаради, хонанинг ёнгин ҳисобига +85°C.дан ортиқ исиб кетганлиги сабабли кислород миқдори 31% га қисқаради ҳамда хонадаги кислород миқдори 15-16% га тушади.

Ёнгинни сув билан ўчириш. Одатда ўт ўчириш учун ишлатида-диган сув катта босим остида кучли оқим сифатида алангалана-ётган жойга йўналтирилади. Бунинг учун етарли бўлган босимни шаҳар шароитида умумий шаҳар сув тармоқлари орқали таъминланади. Ёки бўлмаса баъзи бир ерларда маҳсус тайёрланган ҳовузлардан фойдаланиш мумкин. Саноат корхоналарида кўпинча ёнгинни ўчириш учун сув қувурлари тизимларини шаҳар шароитида алоҳида ўтказиши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ичимлик суви қувурларидан саноат ва ўт ўчириш мақсадларида фойдаланиш қабул қилинган.

Паст босимга мўлжалланган сув қувурлари тизимидағи сув босими ер юзасидан камида 10 м масофага сувни отиши керак. Юқори босимга мўлжалланган сув қувурлари тизимида эса ҳисобланган миқдордаги сувни дастаклар ёрдамида бинонинг энг юқори нуктасидан камида 10 м узоқликка отиб бериши керак. Бу ишлар насос ёрдамида амалга оширилади. Ўт ўчириш учун керак бўладиган сувнинг миқдори саноат корхонасининг ёнгин ҳамда бинонинг ўтга чидамлилик даражаси ва унинг умумий ҳажмига қараб белгиланади.

Агар сув кувурлари тизимидан ёнгинни ўчириш учун сув олиш техник томонидан мумкин бўлмаса, унда саноат корхоналарида сув ҳавзалари қурилади. Улар ёнгин вақтида олинадиган сувнинг энг кўп микдори З соатга етадиган ҳажмда бўлиши керак. Ёнгинга қарши қурилган сув кувурлари тизими айланма тартибда бўлиши керак. Саноат корхонасида ёнгинга қарши қурилган айланма сув кувурлар тизими иккита трубопровод билан умумий тизимга уланади. Ёнгинга қарши гидрантлар саноат корхонаси майдонида бир-биридан 100 м.дан ортиқ бўлмаган масофада жойлаштирилади, улар бино деворига ва кўчалар кесишиган жойларга 5 м.дан яқин бўлмаслиги керак. Ёнгинга қарши сув кувурлари саноат корхоналарида ўрнатилиши шарт. I ва II дараҷадаги ўтга чидамли конструкциялардан қурилган бинолардаги Г ва Д даражадаги саноат корхоналари бундан мустасно.

Ёнгинга қарши сув кувурлари бинолар ичидағи саноат мақсадларида қурилган сув кувурлар билан бирлаштирилиши мумкин. Ёнгинни ичкари томонидан ўчиришга мўлжалланган сув кувурларидан сув икки жойдан кучли оқим сифатида беришганда, ҳар бири 2,5 л/сек. ни таъминлай олиши керак. Бунда босим сувни камида 6 м масофага етказиб бериши керак. Ёнгинни ўчиришда қўлга кийиладиган енглар юмшоқ тўқима материаллардан диаметри 51-66 мм қилиб тайёрланади. Уларнинг узунлиги 10 м ва 20 м.гача бўлади. Бино ичкарисидаги ёнгинга қарши гидрантлар оралиғи шу енглар ёрдамида сув оқими бинонинг энг баланд ва энг узоқ нуқтасини иккала гидрант орқали сув пуркаш имкониятини берадиган қилиб ўрнатилади. Ичкарига ўрнатилган ёнгин кранларининг баландлиги пол юзасидан 1,35 м баландликда бўлиши керак.

Кўпик билан ўчириш. Кўпик майдада заррача бўлиб, уни ҳосил қилиш учун газ зарраларини сув қобиги билан ўралади, яъни ҳаво зарраларини сувга сингдирилади. Ишқорнинг кислота аралашмаси билан кимёвий реакцияси ёки сувнинг кўпик ҳосил қилувчи модда ва ҳаво аралашмасини механик аралаштириш асосида кўпик ҳосил қилинади.

Кимёвий кўпик 80% карбонат ангидрид гази, 19% сув ва 0,3% кўпик ҳосил қилувчи модда, механик кўпиклар эса 90% ҳаво, 9,6% сув ва 0,4% кўпик ҳосил қилувчи моддадан иборат бўлади. Қаттиқ моддалар ва енгил алангалаనувчи суюқликлар ёнганда кўпик билан ўчириш яхши натижада беради. Чунки енгил алангалаనувчи суюқликларнинг солиштирма оғирлиги сувники-

дан енгил бұлиб, улар сув билан аралашмайды ва эримайды. Шунинг учун уларни сув билан үчириб бўлмайди.

Кўпик енгил алангланувчи суюқлик юзасини ёки қаттиқ жисм юзасини юпқа қават билан қоплаши натижасида ёнаётган модда билан ҳаводаги кислород ўргасида тўсиқ ҳосил қиласди. Бу тўсиқнинг мустаҳкамлиги кўпикнинг турғунлик хоссасига боғлиқ. Агар кўпикнинг турғунлиги паст бўлса, унда суюқлик юзасида узилиш ҳосил бўлиши мумкин, яъни таранг тортилиб турган парда очилиб кетиши мумкин, бу эса аланглананишнинг қайтадан бошланишига шароит яратади.

Кимёвий кўпиклар асосан, қўлда ишлатиладиган ўт ўчиригичларда кўлланилади. Механик кўпиклар 4-6% кўпик ҳосил қўлувчи кукунлар ёки аралашмаларни сув ва ҳаво билан аралашиш ҳисобига генераторлари орқали, кўпик ҳосил қилиш дастакларида кўпикка айлантириб берилади. Кўпик ҳосил қилиш даражаси уни ҳосил қилиш учун сарфланадиган моддалар нисбати билан ҳисобланади. Кўпикнинг турғунлиги деганда унинг катта ҳарорати маълум вактгача сўнмасдан туриши тушунилади.

Саноат корхоналарида ўт ўчириш тизимларининг асосий қисмини сув ва кўпиксимон моддалар ташкил қиласди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сувли кўпик билан турли ёнғинларни ўчириш мумкин эмас. Чунки баязи ҳолатларда кимёвий моддаларнинг сув билан аралашшиб реакцияланиши ёнғин жараёнининг кучайиб кетишига олиб келади. Кўпиксимон ўт ўчиригичлар мустаҳкам бир жойга ўрнатилган ёки бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ишлатиладиган енгил идишларга ўрнатилган бўлиши ҳам мумкин.

ОХП-10 ўт ўчиригини ишлатиш учун ушбу қурилмани юқори қисмидаги дастагини 180°C .га қадар буриб, қурилманинг юқори қисмини пастга қаратиб, пуркагичи ёнғин бўлаётган томонга йўналтирилади. Бу қурилма 50-60 секунтга қадар иштайди. Ишлатиб бўлинган қурилма ичига қайтадан кимёвий суюқлик тўлдириб яна бир бор ишлатилиши мумкин. Саноат корхоналарида фақат қаттиқ ёки суюқ моддаларгина ёнмасдан балки электр қурилмалари, дастгоҳлар ва бошқа жиҳозлар ҳам ёниб кетиши мумкин. Маълумки, юқорида айтиб ўтилган ўт ўчириш воситалари, яъни кўпик ёки сувдан ёнаётган электр қурилмаларини ўчиришда мутглақо фойдаланиб бўлмайди. Чунки бунда ўт ўчирувчининг электр токи таъсирига тушиб қолиш хавфи бор. Шунинг учун бундай ҳолларда карбонат кислоталаридан фойда-

ланилади. Маълумки, карбонат кислоталарда (СО) билан ўчиришнинг икки хил усули қўлланилади. Биринчи усулда ёнаётган хонага кириб СО билан ўт ўчирганда унинг заҳарлилигини ҳисобга олиш керак, 10% СО билан нафас олиш, ўлимга олиб келади. Шунинг учун бу қурилмадан фойдаланганда махсус сигнал тизимлари бўлиши керак. Иккинчи усулда ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8 ўт ўчиргичлардан фойдаланилади. Бу ўт ўчиргичларни ишлатишда унинг юқори қисмига ўрнатилган вентил бураб очилади. Ўт ўчиргичга тўлдирилган суюқ СО босим остида унинг ички томонида ўрнатилган найча орқали пастки томонидан сиқиб чиқарилади. Суюлтирилган СО ниҳоятда тезлик билан парланиши ҳисобига қорсимон массага айланади. У ниҳоятда совуқ бўлганлиги учун электр қурилмасига йўналтирилган ҳолда ёнгин атрофини ўраб совитади (унинг совуклиги -79°C бўлади) ва ҳаво ўтказмаслиги сабабли ёнгиннинг ўчишига эришилади. Бу ўт ўчиргичлардаги сон (2, 5, 8) кўрсаткичлари унинг ҳажмини билдиради. Саноатда карбонат кислотали ўт ўчиргичларнинг замбил ғалтакларга ўрнатилган 25 л, 50 л ва ундан катта ҳажмидаги турлари ҳам мавжуд.

10.5. Автоматик ўт ўчириш воситалари

Автоматик ўт ўчириш тизимида спринклер қурилмалари киради. Улар, асосан, ёнгин хавфи юқори бўлган саноат корхоналарида ўрнатилади. Спринклер қурилмалари жойлаштирилган хоналарга босим остида сув ўтказувчи қувурлар ва бу қувурларга спринклер қалпоги ўрнатилади. Ёнгин содир бўлса, иссиқлик таъсирида спринклер ишга тушади, яъни сув чиқиш тирқиши очилиб сув сепа бошлайди. Сув чиқариш тепигидан маълум ма-софага ўрнатилган доира шаклидаги тўсиқ сувнинг кенг кўламда сачрашини таъминлайди. Ҳар бир спринклер бошчаси $6-12\text{m}^2$ майдонга сув сачратиб, ўт ўчиришни таъминлайди. Бундай қурилмалар ўрнатилган корхоналарда содир бўлган ёнгинларнинг 90% ўт ўчириш командалари келгунга қадар ўчирилиши мумкин.

Спринклер қурилмасининг асосий ишчи қисми спринклер датчиги ҳисобланади. Унинг бир томони резбали бўлиб, шу томони сув қувурларига уланади, иккинчи томонига бронзадан қилинган ҳалқа, унинг тутқиичи охирига дефлектор ўрнатилади. У спринклер бошчаси тепигидан чиқадиган сувга тўсиқ вазифа-

сини ўтайди. Сув дефлекторга урилиб ҳар томонга ёйилиб сочилади. Бронза ҳалқа спринклер бошчасига юпқа металдан қилинган диафрагмани қисиб туради. Диафрагма ўртасида тешик бўлиб, у юпқа клапан билан беркитилган. Бу клапанни юпқа пластинка ушлаб туради. Пластишка асоси ҳалқа билан енгил эрувчан модда ёрдамида ёпишириб қўйилган. Енгил эрувчан модданинг эрувчанлиги шароитга мослаб танланиши мумкин. Агар бино ичидаги ҳаво ҳарорати кўтарилса, унда енгил эрувчан модда эриб кетади ва бу диафрагма тешигини беркитиб турган клапаннинг тушиб кетишига сабабчи бўлади. Шундан кейин спринклер бошчаси маълум майдон бўйлаб сув сепа бошлайди. Спринклер бошчалари қўйидаги иссиқлик даражаларида ишга тушади: 72, 93, 141, 182°C.

Спринклер қурилмалари билан бир қаторда дренчер қурилмаларидан ҳам мавжуд. Бу қурилмаларнинг спринклер қурилмаларидан фарқи – унда енгил эрувчан кулфли қурилма жойлаштирилмайди. Уларни ишлатиш, асосан, сув ўтказиш кранларини очиш йўли билан амалга оширилади.

10.6. Ёнгинга қарши кураш хизматини ташкил этиш

Саноат корхоналарида ёнгинга қарши кураш бўлимини корхонанинг ёнгинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурити ташкил этади. Улар ўз навбатида маҳсус хавфсизлик тадбирларини ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикасида ёнгинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза қилиш Бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси – корхоналарда ёнгин ва портглашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган бўлиб, ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалга оширишдан иборат. Улар исталган вақтда саноат корхоналарини ҳамда қурилмаларни кўздан кечириши, айrim шахслардан ёнгин хавфсизлигига тааллуқли ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиши, биноларда ёнгин содир бўлган тақдирда уни тезда бартараф қилиш имкониятларини берадиган ёнгинга қарши курашнинг бирламчи воситаларининг тайёрлигини ҳамда мажбурий қарор, қоида ва меъёрий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини талаб этиши мумкин.

Давлат ёнгинга қарши кураш назорати органлари – ёнгин хавфсизлиги қоида, меъёр ва талабларини бажармаган ҳамда

ёнғинга қарши курашнинг бирламчи воситалари, ёнғинга қарши курашда керак бўладиган асбоб-анжомларни нотўғри сақлагани ва бошқа мақсадларда фойдаланганлиги учун саноат корхонаси раҳбар ходимларига жарима солиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА

Ушбу Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишини ташкил этишининг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳукуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳукуқига эгадирлар.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

3-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш түғрисидаги қонунлар ва қонуннинг қўлланиш соҳаси

Меҳнатни муҳофаза қилиш түғрисидаги қонунлар ушбу Қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган¹ бошқа меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлади.

Ушбу Қонун мулк ва хўжалик юритиш шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар¹ билан, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчилар кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юртлари таалabalari, ўрта маҳсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумий таълим

¹ Матнда бундан кейин «корхоналар» деб юритилади.

мактабларининг ўкувчилари: корхоналарда ишлашга жалб этиладиган харбий хизматчилар; муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар: суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиши-меҳнат муассасалари корхоналарида ёки ҳукмлар ижросини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қиласди.

4-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати:

- корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги;
- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;
- мулк ва хўжалиқ юритиш шаклларидан қатъи назар барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб кўйиш;
- меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;
- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойларда бажарилишини назорат қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишни маблаг билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;
- олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;
- хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;
- фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илфор тажрибасидан кенг фойдаланиш;
- ишловчиларни маҳсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез овқатлари билан бепул таъминлаш;
- корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

- ишлаб чиқаришдаги ҳар бир баҳтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиши ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишининг мажбурийлиги;
- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтиомий ҳимоялаш;
- касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаoliятни ҳар томонлама қўллаб-куvvatлаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида ҳалқаро ҳамкорликни йўлга кўйиш принципларига асосланади.

5-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқарип

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

6-модда. Жамоат бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига оид қарорларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишда иштирок этиши

Корхоналар, мутахассислар, фуқаролар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунига мувофиқ амал қиласиган жамоат бирлашмаларига уюшишлари мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, назорат қилиш идоралари, шунингдек, корхоналар бу бирлашмаларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатадилар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда улар ишлаб чиқкан низомлар ва тавсияларни ҳисобга оладилар.

7-модда. Мехнатни муҳофаза қилишга оид ҳалқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари ҳалқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача шартлашилмаган бўлса, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги Қонунларига мувофиқ кўлланади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибига солишининг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб кўйилади.

II БЎЛИМ. МЕҲНАТНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

8-модда. Мехнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашни билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек, касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласи.

Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси¹ корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек,

¹ Матнда бундан кейин «маъмурият» деб юритилади.

жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлар ва меъёрий хужжатлари, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя этишлари шарт.

9-модда. Корхоналар ва обьектларни лойиҳалаш, куриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъминлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш

Стандартлар, эргономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, куриш ҳамда қайта куриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан, хориждан сотиб олингандарини жорий этишга йўл кўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта курилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга тушунилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш хукуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиги ҳамда ҳаётига хавф тудриувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолда келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб кўйилиши керак.

Йўл кўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган заҳарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўллаш таъқиқланади.

10-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш

Ўзбекистон Республикасида давлат корхоналар олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари халқ ҳўжалиги турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ва ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш курсини, албатта, ўтишларини ташкил этишлари керак.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа ҳўжалик бошқаруви идоралари меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар.

11-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек, мулк шаклидан қатъи назар жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини саклаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қўймайдилар.

Корхоналар ўзининг ҳўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятидан келадиган фойда (даромад), шунингдек, бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишининг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳукуқига эга. (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда).

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши иштирокида белгиланади.

12-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришда корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш

Корхоналар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишига оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек, илмий-тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни якка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш мұхитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларни сотиш ҳисобига бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

13-модда. Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қиливчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда маҳсус кийим, пойабзал ва бошқа маҳсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дизенфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

14-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда маҳсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади) 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёrlарига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган курсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳукуқига эгадирлар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

15-модда. Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоний сұғурта қилиш

Корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонун-ларидан белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий сұғурта қилинишлари шарт.

ІІІ БҮЛІМ. ИШЛОВЧИЛАРНИҢ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҲУҚУҚЛАРИНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШДАГИ КАФОЛАТЛАР

16-модда. Ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Меҳнат шартномаси (битими) шартлари меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ бўлишлари шарт.

Фуқароларни уларнинг саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман этилади.

Маъмурият ходимни касб касаллигининг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганда уни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

17-модда. Мажбурий тиббий қўриклари

Корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқарышларнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиласидан даврда вақти-вақти билан тиббий қўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий қўрикдан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Ходимлар тиббий қўриклардан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар, маъмурият уларни ишга кўймаслик ҳуқуқига эгадир.

Ходим, агар у ўзининг саломатлиги ёмонлашиши меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий қўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

18-модда. Меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг кафолатлари

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини тъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятта хабар қиласди, бу ҳол назорат органлари томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо берилмайди.

Маъмурият, агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамоҳ сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиённи тўлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда исталган пайтда бекор қилиниши мумкин.

Ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хulosса асосида уни ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

19-модда. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йўл-йўриқлар бериш

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан, раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва мuddатларда ўқишлиари, йўл-йўриқлар

олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт.

Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек, бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришининг хавфсиз усууларини ўрганишини ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва баҳтсиз ҳодисаларда жабрланғанларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топшириладиган ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўкув ўтказилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакасини мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

20-модда. Меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиниши тўғрисида ходимларнинг ахборот олишга доир ҳукуқлари

Корхона ходимлари иш жойларидағи меҳнат шароитларининг аҳволи ва муҳофаза қилиниши, бунда лозим бўлган шахсий ҳимоя воситалари, имтиёзлар ва товон пуллари тўғрисида ахборот талаб қилиш ҳукуқига эгадирлар, маъмурият эса уларга бундай ахборотни бериши шарт.

21-модда. Ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни муҳофаза қилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари

Ходимларнинг айрим тоифалари (хотин-қўйзлар, ёшлилар, меҳнатта қобилияти чекланган шахслар), шунингдек, меҳнатнинг оғир ва заарли шароитларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

IV БЎЛИМ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

**22-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар
ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан
давлат назорати**

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назоратини бунга маҳсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари амалга оширадилар.

**23-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар
ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан
жамоатчиллик назорати**

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчиллик назоратини меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўzlари сайлайдиган вакиллар амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтган вакил иш жойларида меҳнат муҳофазасининг аҳволини монеъликсиз текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбор шахсларни жавобгарликка тортиши тўғрисида тақлифлар киритиш ҳукуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб берилади ва ўргача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

**24-модда. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига
доир ҳукуқларини ҳимоя этиш бўйича касаба
уюшмаларининг ҳукуқлари**

Касаба уюшмалари давлат ва ҳўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига доир ҳукуқларини ҳимоя қиласидилар, унинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни

амалга оширадилар, ана шу мақсадда ўз қарамоғларида низом асосида ишловчи меҳнат техник инспекциясига эга бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишида, меъёрий ва хукуқий фаолиятда иштирок этадилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир барча меъёрий ҳужжатлар (стандартлар, қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ва ҳоказо) касаба уюшмалари олдиндан кўриб чиққанидан кейин тегишли идоралар томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг илтимоси билан корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, жамоа шартномалари ва битимлари бажарилишини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш ёки маъмуриятга тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар уларни бажаришни асоссиз рад этган ёки одамлар соғлиги ёхуд хавф түғдирувчи қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олишдан яширган тақдирда касаба уюшмалари айбордларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача жавобгарликка тортиш, шунингдек, аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар ишларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги талаблар билан давлат ва хукуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган хукуқлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида касаба уюшмаларининг меҳнат техник инспекцияси исталган корхонани бемалол кириб кўриш, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга кўрсатмалар бериш, мансабдор шахсларга жарима солиш, агар бундан бўён ишлатилиши меҳнат қилувчилар соғлиги ёки ҳаётига хавф түғдирса, ускуналар, участкалар, цехлар, ишлаб чиқаришларнинг ишини вақтинча тўхтатиб кўйиш, ишлаб чиқаришда ходим дучор бўлган баҳтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашиш (ёки уни мустақил ўтказиш)га ҳақлидир.

Касаба уюшмалари белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишида ва келишиб олишда иштирок этадилар, улар билан келишиб олинмаган ҳужжатларнинг кучга киритилишига қарши тегишли давлат идоралари орқали протест киритиш хукуқига эгадирлар.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий меҳнат экспорт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этадилар, меҳнатни муҳофаза қилишнинг ахволини, уни яхшилаш бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган тадбирлар бажарилишини текширадилар ва уларнинг натижалари юзасидан аниқланган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган бажарилиши шарт таклифларни киритадилар.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида майиб бўлиш ёки саломатликка бошқача тарзда путур этиши туфайли келтирилган зарар қопланиши учун ҳамда ходимларнинг саломатлиги ва меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат этишлари мумкин.

V БЎЛИМ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЬЁРИЙ ХУЖХАТЛАРИИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмагани учун корхоналарнинг жавобгарлиги

Корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганилиги учун ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий сугурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратадилар. Тарифлар меҳнат шароити, бажариладиган ишлар хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиласди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат шароитлари давлат экспертизаси берган хулоса таърифларни қайта кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

26-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрлаганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқараётган ва етказиб бераётган корхоналар истеъмолчиларга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплайдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар, қоидалар ва меъёларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларга номувофиқ ишлаб чиқариш воситаларини, якка тартибдаги ва жамоани ҳимоялаш воситаларини, шу жумладан, хориждан сотиб олингандарини сотиш ва тарғиб қилиш гайриқонуний ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида корхона олган фойда белгиланган тартибда бюджетта мусодара қилиниши кепрек.

27-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиной жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналарнинг бошқа ходимлари меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

28-модда. Ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта

бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикает учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим.

Агар ходим даволаниш, протез кўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди, шунингдек, жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хulosага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни қоплайди.

**29-модда. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса
оқибатида ходим вафот этган тақдирда
корхонанинг моддий жавобгарлиги**

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳукуққа эга бўлган шахсларга моддий зиённи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қоплайди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб кўядиган миқдорда бир марта бериладиган нафақа тўлайди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.КАРИМОВ

1993 йил 6 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1995 йил 21 декабрда тасдиқланган № 161-1 рақамли Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексидан кўчирма.

XIII боб. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

211-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш талаблари

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Мехнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар, шунингдек, техник стандартлар билан белгиланади.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

212-модда. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиши нормалари, қоида ва ўюриқномаларига риоя этиши мажбурияти

Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва ўюриқномаларига, шунингдек, маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориши ҳақидаги фармойишларига риоя қилиши, олинган шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек, иш жараённида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай баҳтсиз ҳодиса ҳақида ўзининг бевосита раҳбарини (бригадири, устаси, участка бошлиги ва бошқаларни) дарҳол хабардор қилиши шарт.

213-модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиши ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи

Иш берувчи меҳнат шартномасини тузишда ва бошқа ишга ўтказишида ходимни меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумла-

дан, касб касаллуклари ва бошқа касаллукларга чалиниш эҳтимоли, шу билан боғлиқ ҳолда унга бериладиган имтиёз ва компенсациялар, шунингдек, шахсий ҳимоя воситалари ҳақида хабардор қилиши керак.

Иш берувчи ходимларга ёки уларнинг вакиллари га муайян иш жойидаги ва ишлаб чиқаришдаги меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида ҳам ахборот бериши шарт.

214-модда. Тиббий кўрик

Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан куйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити нокулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа мусассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машгул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити нокулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга кўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиги ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонашган деб ҳисобласа, у нағбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

215-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва ўқитиш

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сакланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидлари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориши вазифаси иш берувчи зиммасига юқлатилади.

Иш берувчи ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқишлошини таъминлаши ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади.

216-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағлар

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади. Мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Меҳнат жамоалари, уларнинг вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан фойдаланилишини текшириб борадилар.

217-модда. Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шүр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш

Меҳнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъёрлар бўйича:

- сут (шунга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари);
- даволаш-профилактика озиқ-овқати;
- газли шүр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун);
- маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланадилар.

Бундай ишларнинг рўйхати, бериладиган нарсаларнинг нормалари, таъминот тартиби ва шартлари жамоа шартномаларида, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

218-модда. Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги билан, тиббий хуносага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

Соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда шундай ишга ўтказилган кундан бошлаб иккни ҳафта мобайнинда ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Сил касаллиги ёки касб касаллигига чалингандиги сабабли камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга вақтинча ўтказилган ходимларга шу ишга ўтган вақт учун, лекин икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида касаллик варакаси бўйича янги ишда бериладиган иш ҳақига кўшилганда ходимнинг аввалги ишидаги тўлиқ иш ҳақидан ошиб кетмайдиган миқдорда нафақа тўланади. Бащарти, касаллик варакасида кўрсатилган муддатда иш берувчи бошқа иш топиб беролмаган бўлса, у ҳолда шунинг оқибатида бекор ўтган кунлар учун нафақа умумий асосларда тўланади.

Иш билан бөглиқ ҳолда мәхнатда майиб бўлғанлиги ёки соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилганлиги муносабати билан вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган ходимларга уларнинг соғлиги шикастланганлиги учун жавобгар бўлған иш берувчи аввалги иш ҳақи билан янги ишда оладиган иш ҳақи ўртасидаги фарқни тўлайди. Бундай фарқ мәхнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлиги белгилангунга қадар тўланади.

Қонун ҳужжатларида соғлиги ҳолатига кўра енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини ҳоли этадиган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда аввалги ўртacha ойлик иш ҳақини сақлаб қолишнинг ёки давлат ижтимоий суртаси бўйича нафақа тўлаб туришнинг бошқача ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

219-модда. Ходимнинг ўз ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солаёттан ишни бажаришни рад этиш хукуки

Ходим иш жараённида ўзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келиб қолганлиги тўғрисида иш берувчига дарҳол хабар қиласди. Мәхнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириб бориш ва назорат қилиш билан шуғулланувчи органлар ана шу ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради. Агар зарур чоралар кўрилмаса, ходим ўзининг ҳаёти ёки соғлигига таҳдид солувчи ҳолатлар бартараф этилгунга қадар тегишли ишни бажаришни рад этишга ҳақлидир. Ана шу давр мобайнида ходимнинг ўртacha иш ҳақи сақланади.

220-модда. Ногиронлар мәхнатини муҳофаза қилишнинг кўшимча чоралари

Иш берувчи белгиланган квота ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий мәхнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт.

ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва мәхнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

I ва II гурӯҳ ногиронларига мәхнатта ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўтгиз олти соатдан ошмай-

диган қисқартирилган муддати белгиланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий тавтил берилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йул кўйилади.

221-модда. Ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш

Иш берувчи иш жойида касал бўлиб қолган ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишга қаратилган чоралар кўриши шарт.

Иш жойида оғриб қолган ходимларни даволаш-профилактика муассасаларига олиб бориш, зарур ҳолларда, иш берувчинг ҳисобидан амалга оширилади.

222-модда. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ҳисобга олиб бориш ва текшириш

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт.

Жабрланувчининг талабига биноан текширув тутаган кундан эътиборан узоги билан уч кун ичida иш берувчи шу баҳтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт.

223-модда. Мехнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан назорат ва текширувни давлат органлари амалга оширадилар.

Мехнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текширувни касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошика вакиллик органлари амалга оширадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
«ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ВА ҲОДИМ-
ЛАР САЛОМАТЛИГИНИНГ БОШҚА ХИЛ ЗАРАРЛАНИШИНИ
ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ 1997 ЙИЛ 6 ИЮНДАГИ 286-СОН
ҚАРОРИ**

«Меҳнатни муҳофаза қилиш түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексини бажариш ва республика худудида мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган баҳтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш түғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, концернлар кўрсатиб ўтилган Низомни корхоналар ва ташкилотларга етказсингилар, унинг ўрганиб чиқилишини ва сўёзсиз бажарилашини таъминласингилар.

3. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш түғрисидаги Низом 1997 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой мuddатда «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг ва бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш түғрисида»ги Низомнинг III бўлими 1-бандида назарда тутилган ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар натижасида шикастланишларнинг оғирлик даражасини белгилаш схемасини ишлаб чиқилсин.

5. ВЦСПС ва СССР Давсаноаттомназоратнинг 1989 йил 17 августандаги 8—12 сон қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш» түғрисидаги Низом 1997 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

У. СУЛТОНОВ

**Вазирлар Мажхамасининг 1997 йил
6 июндаги 286-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ВА
ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИНИНГ БОШҚА ХИЛ ЗАРАРЛА-
НИШИИ ТЕКШИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси худудида мулкчиликнинг барча шакларидағи корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартиби ни белгилайди.

Мазкур Низом:

- ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;
- иш берувчиларга;
- пурдат ва топшириқларга кўра фуқаролик-ҳукуқий контрактлар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;
- табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга;
- агар маҳсус давлатлараро битимда ўзгача ҳол кўрсатилимаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;
- қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган ўзга ишларни бажариш учун корхонага юборилган ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга;
- корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳам татбиқ этилади.

Изоҳ: Олий ўқув юртлари талабалари, коллежлар, ўрта маҳсус ўқув юртлари, лицейлар, хунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан ўқув-тарбия жараённада юз берган баҳтсиз ҳодисалар Мехнат вазирлиги билан келишилган ҳолда, Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

2. Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида мөҳнат вазифасини бажараётганда (шунингдек, хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, куйиш, чўкиш, электр токи ва яшин уриши, ўта иссиқ ёки ўта совуқ ҳарорат таъсири, портлаш, фалокат, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши натижасида ҳамда судралиб юрувчилар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар томонидан шикастланишлар, шунингдек, табиий оғатлар (ер қимирлашлар, ўширилишлар, сув тошқини, тӯфон ва бошқалар) натижасида саломатликнинг бошқа хил зарарлашишлари;

- иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, лекин корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир ишни амалга ошираётгандаги;
- автомобил, темир йўл, ҳаво йўллари, денгиз ва дарё транспортида, электр транспортида йўл ҳаракати ҳодисаси натижасидаги;
- корхона транспортида ёки шартнома (буюртма)га мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;
- иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматта оид сафарларда ишлатиш хукуқи берилганлик ҳақида иш берувчи фармойиши бор бўлгандаги;
- мөҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш обьектлари орасида юриш билан боғлиқ иш вақтида жамоат транспортида ёки пиёда кетаётгандаги;
- шанбалик (якшанбалик) ўтказилаётганида, қаерда ўтказилишидан қатъи назар, корхоналарга оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;
- иш вақтида мөҳнат вазифасини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;
- сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситаси вахгадаги шаҳарча ҳудудида ёки ёлланган хона (худуд)даги (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, денгиз ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта ва экспедиция усулида ишлаётганилар ва бошқалар) баҳтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

3. Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасдан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хулосаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

4. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хуло-сага мувофиқ ёки енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади (1-илова). Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак.

5. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

6. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, бахтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, касаба уюшмаларининг меҳнат техник назоратчиси (Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига аъзо ташкилотларда), «Ўзсаноатконтехназорат» Давлат қўмитаси органлари (назорат остидаги объектларда) назорат қилади.

